

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАТАМОВ ФАРХОД ФАХРИТДИНОВИЧ**

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ –  
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ  
ИСЛОҲОТЛАРИ АСОСИ**

**Монография**

“Самарқанд давлат чет институти” нашриёти  
Самарқанд– 2022

Ф.Хатамов. Инсон ҳуқуқлари – Янги Ўзбекистоннинг сиёсий ислохотлари асоси. Монография. – Самарқанд: “Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти, 2022. – 164 б.

*Мазкур монографик тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда инсон ҳуқуқлари омили ҳамда унда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш механизмларини тадқиқ этишдан иборат. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган хулосалар жамият сиёсий ҳаётида инсон ҳуқуқлари феномени ва унинг сиёсий-ҳуқуқий ҳамда социал-иқтисодий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, олий таълим муассасаларида давлат ва жамият бошқаруви, инсон ҳуқуқлари асослари билан боғлиқ фанларни ўқитишда, маъруза матнлари ҳамда ўқув ва ўқув-методик қўлланмалар яратишда, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш амалиётида кенг фойдаланиш имконини беради. Тадқиқот натижаларидан ижтимоий сиёсат билан шугулланувчи давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган илмий ва илмий тадқиқот муассасалари фаолиятида қўллаш мумкин.*

*Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

*Масъул муҳаррир:* Н.Қ.Жўраев,  
сиёсий фанлар доктори, профессор

*Тақризчилар:* А.Қ.Қодиров,  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
С.Ш.Саидов,  
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

“Инсон ҳуқуқлари – Янги Ўзбекистоннинг сиёсий ислохотлари асоси” монографияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий-методик кенгаши йиғилишининг 2022 йил 30 майдаги 9-сон баённомаси қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8383

“Самарқанд давлат чет институти” нашриёти, 2022

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	4
I БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.....	6
1.1§ “Инсон ҳуқуқлари” категориясининг келиб чиқиши ва унинг сиёсий талқини.....	6
1.2§ Ижтимоий-сиёсий жараёнлар эволюциясида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши.....	17
1.3§ Инсон ҳуқуқлари – сиёсий маданиятнинг ажралмас феномени сифатида. ....	31
I боб бўйича хулоса. ....	42
II БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОМИЛИ: МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ. ....	44
2.1§ Замонавий ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муносабатлар тизимда инсон ҳуқуқлари ғоясининг ўрни. ....	44
2.2§ Инсон ҳуқуқларининг глобаллашуви ва унверсаллашуви.....	54
2.3§ Коррупцияга қарши кураш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг муҳим элементи.....	65
II боб бўйича хулоса.....	76
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ.....	78
3.1§ Давлат ва жамият бошқаруви фаолиятида ҳуқуқий саводхонликнинг ижтимоий аксиологик омиллари. ....	78
3.2§ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини кафолатлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли. ....	95
3.3§ Ўзбекистонда ҳуқуқ тартибот органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари.....	110
III боб бўйича хулоса.....	128
IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФЕНОМЕНИ. ....	130
4.1§ Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган сиёсий ислоҳотлар. ....	130
4.2§ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг истикболлари.....	141
IV боб бўйича хулоса. ....	150
ХУЛОСА .....	153
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	157

## КИРИШ

Бугунги кунда демократик тараққиёт турли омиллар – ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлат бошқаруви легитимлиги, иқтисодий эркинликлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, уларнинг так замирида инсон ҳуқуқлари феномени ётади, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари – бу нафақат юриспруденция доирасида, балки давлат ва жамият бошқарувининг ижтимоий-сиёсий жиҳатларини қамраб олган муҳим институтдир. XXI асрга келиб глобализм тенденциялари асносида мазкур институционал омил давлатнинг ички ва ташқи сиёсатига сезиларли таъсир ўтказадиган умуминсоний қадриятга айланиб улгурди. Бир жиҳатдан жаҳон миқёсида фуқаролик жамияти, ҳуқуқий-демократик давлат ва қонун устуворлиги тамойиллари мустаҳкамланаётгани, бошқа томондан – беқарорлик, диний экстремизм ва терроризм, “оммавий маданият” каби бузғунчи мафкураларнинг кучайишини кузатишимиз мумкин. Мазкур ҳолатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатининг самарали тизимини яратиш сиёсий фанлар олдида турган замонавий трендга айланиб бормоқда.

Инсоният цивилизацияси тараққиётида Марказий Осиё замини ўзига хос ўринга эга бўлгани ҳолда диний ва дунёвий бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ўзаро самарали ижтимоий алоқалар ва даҳлдорлик каби ғояларни жамлаган инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги мустаҳкам ўрин эгаллаган. Жумладан, инсон ҳуқуқлари феномени Ўзбекистоннинг стратегик манфаатлари ҳисобланмиш – ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва бозор иқтисодиётини шакллантиришда муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда “Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатга”<sup>1</sup> айланиб бормоқда. Бу борадаги ислоҳотларнинг самараси давлат ва жамият тараққиёти билан бир қаторда, мамлакатимизда инсон капитали ривожига ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш, бу борада, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегияни самарали амалга ошириш долзарблигича қолмоқда. Шунингдек, мазкур йўналишда давлат сиёсати мезонларини ишлаб чиқиш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш ва бу борада янги инновацион

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // 17.08.2021 <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

ижтимоий технологияларни татбиқ этиш кун тартибидаги масалалардан ҳисобланади. Том маънода инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида давлат, бизнес ва жамоат секторларининг ижтимоий шерикчилигини йўлга қўйиш муаммолари жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

# I БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

## 1.1§ “Инсон ҳуқуқлари” категориясининг келиб чиқиши ва унинг сиёсий талқини

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари категорияси узоқ тарихга бориб тақалади. Турли манбаларнинг таҳлил қилиш асосида “эркинлик” ва “ҳуқуқ” атамаси, даставвал, мил.авв. XXIV асрда Шумер руҳонийси томонидан ҳокимият ва дин вакилларининг адолатсизлигига қарши бева-бечора ва етим болаларни турли тайзиқлардан химоя қилиш мақсадида қўлланилгани аён бўлади. “Эркинлик” ва “ҳуқуқ” инсон табиатига хос бўлиб, ҳаётнинг умумий ибтидосида акс этади.

Уни тадқиқ этишда қадий тарихий манба ва воқеликлар асосида кўриб чиқиш ҳам мумкин. Бироқ, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни тўла очиб берувчи манбаларнинг камлиги мазкур вазифани қийинлаштиради. Шунинг билан бизгача етиб келган ёзма маданий манбалардан хулоса қилишларича, шарқда жамият ва шахс, давлат ва шахс муносабатларида асосан коллективизм ва этатизм анъаналари устуворлик касб этган.

Масалан, Хитойда, ҳукумат анъаналари, сиёсий ва фалсафий фикрларда, хусусан, конфуцийлик каби йўналишда қадим замонлардан бери жамият ва давлатдаги муносабатларга нисбатан патриархал қарашлар мустаҳкамланган бўлиб, шахснинг хулқ-атвори оилавий ва расмий алоқалар иэрархияси билан тўлиқ назоратга олинган. Конфуцийчилик намояндаси Сюнь-Цзи мил.авв. III асрда *“инсоннинг турли анъана ва бурч туйғуси асосида юқори лавозимли шахсларни ҳурмат қилишга ундайди”*<sup>2</sup>, дея таъкидлаши фикримизнинг далилидир. У инсонларнинг тенгсизлиги табиий деб ҳисоблаб: *“агарда жамиятда тақсимот тенг бўлса унда ҳамма учун етарли бўлмайди; агарда куч тенглаштирилса, бирлик имконсиз бўлиб қолади; агар ҳамма тенг бўлса, ҳеч кимни ишлашга мажбур қилаолмайсиз. Осмон ва ер бўлгани каби, юқоридагилар билан пастдагилар ўртасида ҳам фарқ бўлиши лозим”*<sup>3</sup>, деган фикрларни билдиради.

Даоцизм мактаби (мил.авв. VI-III асрлар) вакиллари, ҳукумдор воқелик ва ҳодисаларнинг табиий ривожланишига эргашгани ҳолда, ҳаёт жараёнларига имкон қадар камроқ аралшиши керак, деган фикрни

<sup>2</sup> Сюнь-цзы. Глава десятая. Правление Вана // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. М., 1997. Т.1. –С. 144.

<sup>3</sup> Ўша жойда. –Б.142.

илгари суришади. *“Осмон ва ер инсониятга алоҳида имкониятлар эмас, балки барча мавжудодларнинг ўз ҳаёти билан яшашига имкон беради”*<sup>4</sup>, дея эътироф этади Лао Цзи.

Мил.авв. IV асрда Хитойда *легистлар мактаби* шаклланди, улар бутун мамлакат учун ягона табиий қонуниятларни қўллаб-қувватлайдилар. Жумладан, файласуф Хан Фей шундай таъкидлайди: *“...агар давлатни қонун асосида бошқарсангиз уни ҳаммага баробар қўллаш лозим...”*<sup>5</sup>. Унинг эътирофича: *“...қонун бирча шахслар ҳаётини тартибга солади, жамиятда ноҳақликни олдини олади”*<sup>6</sup>. Яъни, бу сиёсий-ҳуқуқий мактаб вакиллари жамиятда ижтимоий адолат, инсонларнинг тенглиги ва эркинлигини ғоявий жаҳатдан асослашга ҳаракат қилишади.

Ахлоқий тамойилларнинг анъанавий хусусиятига асосланиб, Конфуцийлик қонунига бўлган муносабати ва ёзма қонунга ҳурмат билан боғлиқ легистлик муносабати синтези II асрда тўла қарор топиб, ҳали-ҳамон Хитойнинг сиёсий ва ҳуқуқий анъаналарида ўз аксини кўрсатиб келади. Унинг асосий постулатлари одоб-ахлоққа йўналтирилган қонунийлик ва жамиятда ўзини тутиш нормаларининг юқори устуворлиги комбинациясида акс этади: *“...қонунларни Осмон яратмайди, Ер яратмайди, улар одамлар орасида пайдо бўлган ва улар томонидан тузатилиши мумкин...”*<sup>7</sup>.

Умумий қабул қилинган қарашларга кўра, мил.авв. VI-V асрларда инсон ҳуқуқларининг дастлабки куртакларини яратган қадимий полис демократияси шаклланди. Бундай воқеликлар қадимги полислар шароитида маълум бир эркинлик майдонининг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳолда кечди, бу фуқароликка эга бўлган шахсларнинг тенг сиёсий ҳуқуқлари шаклланиши учун шароит яратди<sup>8</sup>. Б.Н.Чичериннинг таъкидлашича, айнан шу даврда *“одам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила бошлаганига”*, эътибор қаратади<sup>9</sup>.

Антик даврда барча сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш шахс иродасини ифода этиш эркинлиги сифатида қабул қилинган. Либерализм асосчиларидан бири Б.Констан, шунингдек, кўриб чиқиладиган даврда инсон эркинлигини англашнинг ўзига хос хусусиятига ишора қилиб, бу шахс эркинлигини ўз ичига олмайди: *“шахсий мустақиллик фикрларга, касбларга ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ*

<sup>4</sup> Лао цзы. Дао Дэ-цзин // Антология мировой правовой мысли. В 5-ти томах. -М., 1999. Т. 1. -С. 494.

<sup>5</sup> Хань Фей. Хань Фей-цзы // Антология мировой правовой мысли. В 5-ти томах. -М., 1999. Т. 1. -С. 50.

<sup>6</sup> Ўша жойда.

<sup>7</sup> Хань Фей. Хань Фей-цзы // Антология мировой правовой мысли. В 5-ти томах. -М., 1999. Т. 1. -С. 51.

<sup>8</sup> Общая теория прав человека // под ред. ЕА. Лукашевой. -М., 1996. -С.6.

<sup>9</sup> Чичерин Б.Н. Собственность и государство. Часть вторая. -М., 1883. -С. 16.

динга тааллуқли емас”, деб таъкидлайди у, - “бизнинг динимизни танлаш имконияти, биз энг қадрли ҳуқуқларимиздан бири деб биладиган имконият қадим замонларда жиноят ва қурбонлик бўлиб туюлган бўлар еди”. Шундай қилиб, қадимги даврларда “шахснинг жамоат авторитетига тўлиқ бўйсунушига йўл қўйилган”<sup>10</sup>. Антик даврда инсонлар ўзлари, хусусан, Аристотель судда ва халқ йиғилишида қатнашадиганларни фуқаро деб ҳисоблашган. Фуқаролик давлат ишларини ҳал қилиш ҳуқуқи, одил судловда иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, сиёсий ҳуқуқларни амалга оширишнинг муҳим шарти бўлган мажбурий меҳнатдан озод бўлиш каби ҳуқуқларни амалга ошириш қобилияти сифатида ҳаракат қилди<sup>11</sup>. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларининг биринчи ижтимоий шакли антик полис фуқаросининг ажралмас ҳуқуқлари эди. Шу билан бирга, сиёсатдаги фуқаронинг шахсий ҳаёти фақат унинг фуқаролик бурчларини бажариш воситаси сифатида тан олинган.

Қулдорлик демократиясида фақат эркин фуқароларнинг айрим тоифалари фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эга эдилар. Чет элликлар ва уларнинг авлодлари қонуний жиҳатдан чекланган бўлиб, қуллар қатлами умуман ҳуқуқсиз ҳисобланган.

Ўзида фуқароларнинг, чет элликларнинг, қуллар ва бошқа тоифадаги шахсларнинг қонуний мақомининг хусусиятларини батафсил тартибга солиш ва хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг уйғун тизими билан ажралиб туривчи Рим ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари концепцияси тизимида муҳим роль ўйнади. Бошқача қилиб айтганда, агар Қадимги Юнонистонни сиёсий ҳуқуқларнинг “бешиги” деб ҳисоблаш мумкин бўлса, Қадимги Рим – бу шахсий ҳуқуқлар яралишининг ватанидир.

Замонавий “инсон ҳуқуқлари” концепциясининг ғоявий келиб чиқиши Қадимги Юнонистон ва Қадимги Римнинг сиёсий ва ҳуқуқий тафаккурига бориб тақалади, буни эса, айрим мутафаккирларнинг умумий фалсафий қарашларидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларининг дастлабки концепциясини қонуннинг давлат ва жамият ҳаётидаги юқори қийматини эътироф этадиган мутафаккирлар (Платон, Сукрот, Аристотель, Перикл, Демосфен ва б.) ташкил этади.

Инсон ва фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқлари мавжудлигининг замонавий концепцияси инсоннинг ижтимоий-табiiй феномен назарияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у ҳақидаги барча

<sup>10</sup> Констан Б. О свободе у древних в ее сравнении со свободой у современных людей // Политические исследования. 1993. №2. –С. 97-106.

<sup>11</sup> Аристотель. Политика. Книга третья // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С.111.



таълимотларнинг асоси инсоннинг табиий ҳуқуқларига асосланади. Табиий ҳуқуқ концепцияси инсоннинг ижтимоий ва ахлоқий “мавжудот” эканлиги, маълум бир ибтидоий ва ажралмас хусусиятларининг ифодаси сифатида айнан антик даврда ривожлана бошлади. Табиий ҳуқуқ назариясининг бошланиши даставвал Ксенофонт<sup>12</sup> ва Гераклит<sup>13</sup> қарашларида учрайди.

Табиий ҳуқуқ назариясини софистлар фалсафасида янада аниқроқ кўриш мумкин, у биринчи марта одамларга табиатнинг ўзи берган нарсаларнинг антитезини ва турли ижтимоий институтлар томонидан бузилган ҳуқуқларни тиклаш масаласига қонуний жавоб излашади. Шу билан бирга, софистлар вакилларининг кўзга кўринган вакили, файласуф Сукрот шахсий ва жамоат манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар мавжудлигига урғу берсада, улар аслида бир-биридан айро ҳолда мавжуд эмас, эгоизм ва альтруизм ҳар битта шахсда бўлиши ҳамда инсоннинг табиий ҳуқуқлари билан акс этади, дея таъкидлайди.

Қадимги юнон сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида давлатнинг идеал шаклини излаш масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Қадимги юнон файласуфларининг юксак нутқларидан бири бу – давлатда шахс эркинлиги ва қадриятларининг биринчи даражага чиқарилиши бўлган. Протагорнинг машҳур “Инсон - ҳамма нарсанинг ўлчовидир”<sup>14</sup> формуласи жамият ва давлат тараққиётида персоноцентристик қарашларнинг бошланишига асос бўлди. Антик демократик ғояларнинг вакиллари бўлмиш Демосфен ва Перикл, ўз навбатида, фуқароларнинг давлат бошқарувида тенг ҳуқуқли асосларда иштирок этиши қарашларини илгари сурдилар.

Полислар томонидан мустақилликни йўқотиши шароитида полиснинг сўзсиз ахлоқий устуворлигини “индивидуалистик ахлоқ нуқтаи назаридан, шахснинг маънавий эркинлиги, унинг ахлоқий автономияси” (эпикуреизм, стоицизм) тан олинишини шубҳа остига қўядиган назариялар пайдо бўлади. Табиий ҳуқуқ ғояси қадимги файласуфлар томонидан, хусусан, Римлик файласуф Марк Аврелий томонидан ўзига хос тарзда асосланиб, инсон учун асосий омил бу – унинг ўз табиатига содиқ қолиши ва инсон ўзи тан олган ички қонуниятларга мувофиқ яшашдир<sup>15</sup>, деган фикрни илгари суради. Эпикур издошлари эркинлик ғоясини ижтимоий-сиёсий эмас, балки

<sup>12</sup> Қаранг: Ксенофонт. Воспоминания о Сократе, IV б. // Сократические сочинения (Пер. С.И. Соболевского). -М.; -Л.; 1935.

<sup>13</sup> Қаранг: Фрагменты Гераклита // Материалисты Древней Греции. Собрание текстов Гераклита, Демокрита и Эпикура. -м., 1955, -С.46.

<sup>14</sup> Протагор // Великие мысли великих людей. Антология афоризма в 3-х томах. Т. 1. М., 1998. С. 240

<sup>15</sup> Аврелий Марк // Великие мысли великих людей. Антология афоризма. В 3-х томах. Т.1 М., 1998. С. 274

маънавий ҳодиса сифатида талқин қиладилар ва шу асосда инсон тенглиги буюк тамойилини эълон қиладилар.

Қадимги Римда табиий ҳуқуқнинг илк назариётчиларидан бири бўлган Цицерон биринчи навбатда сиёсий ҳуқуқларни шахснинг табиий ҳуқуқлари қаторига киритган. Хусусий мулк ҳуқуқининг дастлабки илмий асосларидан бири Цицероннинг рисоласида шундай келтирилган: *“ҳар ким ўзи эришган нарсасига эгалик қилсин; агар кимдир буларнинг бирортасига тажовуз қилса, у инсоният жамиятининг ҳуқуқларини бузган ҳисобланади”*<sup>16</sup>. Шунга қарамай, мулкка бўлган ҳуқуқни дахлсиз деб тан олган Цицерон буни табиий ҳуқуқлар сирасига киритмаган: *“ахир хусусий мулк табиатан мавжуд бўлмайди”*. Унинг фикрига кўра, бу келишувлар, урушлар, қонунлар натижасида пайдо бўлади. Рим ҳуқуқшуноси Гай фуқаролик (яъни, Рим фуқаролари фойдаланадиган қонун) ва табиий ҳуқуқни (барча халқлар одамлари учун умумий) ажратиб кўрсатди. Шу билан бирга, у қуллар устидан ҳокимиятни табиий ҳуқуқ деб тушунган: *“...қуллар устидан ҳокимият бу оммавий қонун институтидир, барча халқлардаги хўжайинлар (қулдорлар) ўз қулини бошқариши, у томонидан ишлаб топилган ҳар қандай моддий бойлик хўжайиннинг ҳуқуқи”* эканлигини таъкидлайди<sup>17</sup>.

Аристотель учун сиёсат – бу инсоннинг ҳам, давлатнинг ҳам юксак манфаатлари ҳақидаги фандир. Аристотель *“...қайсики давлатда кўплаб инсонлар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлса, унда камбағал одамлар кўп бўлса, бундай давлат душман одамлар билан муқаррар равишда тўлиб боради. Бу ҳолатда фақат битта жараён: уларга маслаҳат (сиёсий) ва суд ҳокимиятида иштирок этишларига руҳсат бериш шартдир”*<sup>18</sup>. Шундай қилиб, нафақат сиёсий ҳуқуқларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисидаги ғоя, балки ижтимоий адолат, яъни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар тўғрисида ҳам бирламчи ғоялар шаклланади. Бироқ, Аристотелнинг қарашларига кўра, *“мулк фақат нисбий маънода умумий бўлиши керак, лекин умуман олганда хусусий бўлиши лозим”*, чунки унинг негизида *“манфаатдорлик ётади, чунки ҳамма ўзига тегишли бўлган нарсалар учун гайрат билан ҳаракат қилади”*<sup>19</sup>. Аристотель *“мол-мулкни тенглаштириш эмас, балки уни табиий равишда муносиб одамлар эгалик қилиши ва нолайиқларда бундай имкониятга эга бўлмаслиги учун тартибга солиш”* зарурлигини таъкидлаган.

<sup>16</sup> Цицерон. Об обязанностях, книга I, (VII, 21). М., 1975. С. 63

<sup>17</sup> Гай. Институции//Антология политической мысли в 5-ти томах. М., 1997. Т.1. С. 194

<sup>18</sup> Аристотель. Политика. Книга третья//Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. М., 1997. Т.1.С. 114.

<sup>19</sup> Ўша жойда.

Қадимги даврдаги сиёсий ва фалсафий ғояларнинг туб моҳиятини таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш мумкинки, антик давр маданияти инсон ҳуқуқлари концепциясини у ёки бу шаклда қулдорлик ижтимоий тизими асосида идрок этилган. Бироқ, бундай ижтимоий тизим фақатгина Аристотель асарларида тўлиқ назарий жиҳатдан очиб берилган. Ҳақиқатдан ҳам “қулдорлик тизими мулоҳазалари билан антик давр жамияти ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тамойилидан хулоса қилган Аристотелдан олдин бу мавзуда шунчалик очик, ошқора ва қатъиятли гапирган бирон бир файласуф ёки тарихчи бўлмаган”<sup>20</sup> – дея таъкидлайди антик давр сиёсий фалсафасининг таниқли тадқиқотчиси А.Ф.Лосев.

Бу даврда инсон ҳуқуқ ва эркинлиги тамойилини англашнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унинг замонавий концепциялари айнан шундай тараққиёт босқичлари орқали ривожланиб келаган. Бу даврда инсон ҳуқуқлари шаклланиши учун асосий аҳамиятга эга бўлган учта асосий ғоя – табиий ҳуқуқ назариясининг бошланиши, қулдорлик тизимининг табиий тартиботи ҳамда фуқароларнинг давлат томонидан сиёсий ҳуқуқларининг таъминланиши каби факторларни қамраб олади.

Ўрта асрлар Европасида ҳуқуқлар монарх томонидан ўз вассалларига берилган имтиёзлар сифатида талқин қилинган. Шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий мақоми ўша давр урф-одат ва анъаналаридан келиб чиқиб, олдиндан белгилаб ва маълум тизим асосида шаклланган<sup>21</sup>. Шахснинг маълум бир синфга, табақага мансублиги унга берилган ўзига хос ҳуқуқлар доирасини белгиланган ҳамда унинг ҳажми инсоннинг ижтимоий иерархия зинапоясидаги ўрнининг ўзгариши билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланган. Ўрта асрларнинг маданий меросини ўрганган олим В.А.Плугиннинг таъкидлашича, ўрта асрлар тафаккур тизимини акс эттирган феодал адабиёти одамни биринчи навбатда у ёки бу ижтимоий гуруҳнинг вакили сифатида тасвирлайди. Шахснинг алоҳида ўзи жамиятда бирор мақомга эга бўлмай, у ижтимоий табақаси томонидан белгиланган маълум ролни бажариб келган; гуруҳ ичидаги шахс “унда гуруҳ таркибидаги мавқеини белгилайдиган баъзи бир фазилатларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан характерланган”<sup>22</sup>.

Тарихчиларнинг турли манбалар асосида фикр билдиришича, ўрта аср Европа жамияти дунёқарашида инсон индивидуаллиги тушунчаси

<sup>20</sup> Лосев А.Ф. Историческое время в культуре классической Греции. // История философии и вопросы культуры. М. 1975. -С. 47.

<sup>21</sup> Воше А. Средневековая религиозность, VIII- XII вв. // Идеология феодального общества в Западной Европе: проблемы культуры и социально-культурных представлений средневековья в современной зарубежной историографии. Реферативный сборник АН СССР. М., 1980. С. 78-79

<sup>22</sup> Плугин В.А. Мироззрение Андрея Рублева. –М., 1974. –С. 11

деярли бўлмагани, шунингдек, инсон шахсига нисбатан паст баҳо бериш кўринишлари кўпроқ учрайди. Буни, масалан, француз тарихчиси Ф.Ариев таъкидлаганидек, ўрта асрлар жамиятида бола ҳаётининг аҳамияти жуда пастлиги факти ҳам тасдиқлайди<sup>23</sup>.

Ушбу даврда ҳар қандай одамнинг эркинлиги маълум даражада чекланган эди, чунки феодализм жамияти – умумий қарамлик жамиятидир. Ҳатто ушбу жамиятнинг қонуний равишда эркин деб ҳисобланган қатламлари ҳам ижтимоий иерархиянинг юқори даражадагиларга боғлиқ эди. Шу билан бирга, католик черкови институтлари томонидан ижтимоий назорат тамойили ҳам амал қилиб, бу феодал уюшмалар томонидан бошқарилишидан кам бўлмаган таъсирга эга бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, черков ўз фуқароларига таълим беришга ҳаракат қилган элитасининг дунёқарашига (католикга ҳам, православга ҳам хос), инсон ҳеч қандай ҳуқуқларини ўрнатиш ва ҳимоя қилиш ҳақида умуман ташвишланмаслиги керак еди: В.А.Плугиннинг ёзишича, ўрта аср одамнинг вазифаси, расмий мафкурага мувофиқ, Охирги Қиёматга тайёргарлик кўриш, ўзини абадий ҳаёт учун сақлаб қолиш ҳамда у ер юзидаги ҳаётда “вақтинчалик фаровонлик ҳақида ўйламаслиги” керак эди<sup>24</sup>.

Ноиктисодий мажбурлаш тизими, синфий иерархия ва ҳокимият култи аҳолининг оммавий ҳуқуқсизлигини келтириб чиқарган. Шу билан бирга, феодал жамиятни узлуксиз қонунсизлик ва эрксизлик жамияти сифатида тасаввур қилиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар қандай эркинлик қарамликни истисно қилмаганидек, қарамлик ҳам бирон бир ҳуқуқнинг йўқлигини англатмас эди. А.Я.Гуревич таъкидлаганидек: *“ўрта асрлар жамияти бу - эркинлик ва қарамликнинг турли градациялари кесишадиган жамият эди”*<sup>25</sup>. Ўрта аср жамиятидаги эркинлик ва қарамликни талқин қилишнинг ўзига хос хусусияти вассаллик муносабатлари билан ифодаланади – бу ўзаро мажбурият орқали (вассал томонидан содиқ хизмат қилиш, сеньор томонидан рағбатлантириш), сеньор ва вассал ижтимоий иерархиянинг турли даражаларида бўлишсада, учинчи шахс олдида улар тенгликка эга эдилар.

---

<sup>23</sup> Ариев Ф. Ребенок и семья при «старом порядке» // Идеология феодального общества в Западной Европе: проблемы культуры и социально-культурных представлений средневековья в современной зарубежной историографии. Реферативный сборник АН СССР. –М., 1980. –С. 273-280

<sup>24</sup> Плугин В.А. Мировоззрение Андрея Рублева. –М., 1974. –С. 30

<sup>25</sup> Гуревич А.Я. Категории средневековой культуры. –М., 1972. –С. 176

Инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт трансформациясидаги энг катта қадамлардан бири бу ижтимоий тизимдан қулликнинг йўқ қилиниши бўлди, дейишимиз мумкин. Деҳқонлар ҳар хил даражада феодалларга қарам бўлган, аммо ерга ва унинг эгасига тамоман тобе бўлмаган. “Вассалимнинг вассали менинг вассалим эмас”<sup>26</sup> ҳуқуқий формуласи феодалларнинг ягона подшоҳ ҳокимиятига нисбатан автономиясини белгилаб берди. Олий ҳокимиятга (қироллик, князлик ва б.) нисбатан мулкдорлар синфининг мустақиллиги, бундан ташқари, ер эгасининг солиқ ва божларни йиғиш учун масъул бўлиш ҳуқуқини, ўз мулкида суд ишлари, шунингдек, қирол амалдорларининг феодал мулклари чегараларидан рухсатсиз ўтишини тақиқлайдиган рамзий ҳуқуқларга ҳам эга бўлди.

Шунга қарамай, ўрта асрларда қонунлар расмий тенглик принципига асосланмаганлиги сабабли, улар турли синф вакиллари ҳокимият билан муносабатига қараб турли ижтимоий-сиёсий даражага қўйган. Гарчи аниқ қонунлар ва анъаналар билан тартибга солинган бўлсада, турли хил уюшмаларнинг шаклланиши (рицарлик орденлари, савдо ва ҳунармандчилик гилдиялари) улар аъзолари ўртасида тенгликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган. Мазкур уюшмалар аъзолари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларни бирлаштирганлар.

Жумладан, Англияда 1215 йилда Эркинликлар буюк хартияси (*magna Carta Libertatum*) қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари концепцияси ўзининг янги босқичига кирди, дейиш мумкин. Унда лордларга подшоҳ амалдорларининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилишни таъминловчи кафолатлар, шунингдек, эркинликларга нисбатан жазоларни қўллаш фақат тенг ҳуқуқли шахсларнинг ҳукми билан ва қонунга мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги, низоли муаммоларни тинч ва мурося йўли билан ҳал қилиш каби тамойиллар ўз аксини топди<sup>27</sup>.

Ушбу хартия Англиянинг миллий давлатчилик тарихида биринчи конституциявий акт ҳисобланиб, ўз аҳамиятига кўра, бугунги кунда ҳам замонавий инглиз конституцияшунослик ҳуқуқининг бош манбаларидан бири сифатида эътироф этилади. Хартия муқаддима (кириш) ва 63 та моддани ўз ичига олгани ҳолда, унда жамият ва давлат сиёсий-ҳуқуқий ҳаётини ислоҳ этишининг қуйидаги устувор йўналишлари ҳамда тамойиллари белгиланган эди:

- инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати;

<sup>26</sup> История Франции. // Отв. ред. А.З.Манфред. Т. 1. –М., 1972. –С. 86.

<sup>27</sup> magna Carta - The British Library. <https://www.bl.uk/magna-carta>

- черковларнинг ижтимоий-ҳуқуқий мақоми;
- инсонларга ердан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлари;
- ҳуқуқий тизим ва суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш;
- қироллик мансабдор шахсларининг жавобгарлиги;
- маъмурий-худудий бирликларнинг ҳуқуқий мақоми;
- солиқ ва мажбурий тўловларни ундириш тартиби;
- хартия қоидаларига риоя этилиши кафолати<sup>28</sup>.

Бундан ташқари, хартияда белгиланган нормаларни 3 та асосий гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин. *Биринчи гуруҳ* – аҳолининг турли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, *иккинчи гуруҳ* – жамият ва давлат бошқарувини ҳамда *учинчи гуруҳ* – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган нормаларни ўз ичига олган.

Ўрта асрларнинг сиёсий ва фалсафий фикри, унинг диний манбалар билан чамбарчас боғлиқлиги сабаб, теологик хусусиятга эга бўлган. Ғарбда христиан дунёқараши борлиқнинг гуманистик идеалларини тасдиқлади, дастлабки христиан жамоалари тенглик ва инсонпарварликнинг энг юқори тамойилларига риоя қилишнинг намунаси бўлди. Муқаддас китобларда биз инсоннинг фаровонлигини таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун унинг ҳуқуқларини белгилаш билан эмас, балки одамнинг ўзгалар олдидаги бурчини кўрсатиш орқали таъминланишини кузатамиз – *“Демак, одамлар сизга нима қилишларини истасангиз, ҳамма нарсада сиз ҳам улар билан шундай бўлинг”*<sup>29</sup>, дея таъкидланади Инжилда.

Шу билан бирга, таъкидлаш керакки, ҳар қандай таълимот сингари насронийлик ҳам унинг гуманистик маъносининг бузилишларига дуч келган ва айнан Ғарб феодал жамияти черков ва сиёсий ҳаётнинг бирлашувига айланган, инквизиция гулханларини бошдан кечирган, инсон ҳаётига ҳурмат, айбсизлик презумпцияси ва адолатли суд принципларини рад этган.

Қадимги Шарқда инсон ҳуқуқлари тўғрисида фикр юритилганда, биринчи ўринда Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”га тўхталиш жоиз. Инсон ҳуқуқлари муаммолари Марказий Осиёнинг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий таълимотларида ўз аксини топган. Бунга қадимги ва ўрта асрлардаги Марказий Осиёнинг диний-фалсафий ва ҳуқуқий тизимларининг таҳлили гувоҳлик бермоқда.

Зардуштийлик муқаддас китобининг учдан бир қисмини қонунлар ташкил этиб, уларнинг мақсади мукамал, барча муносабатларда уйғунлашган, гуллаб-яшнайдиган жамиятни куришдир.


<sup>28</sup> magna Carta - The British Library. <https://www.bl.uk/magna-carta>

<sup>29</sup> От Матфея Святое Благовествованные. Глава 7. Стих 12.// Новый Завет. USSR, 1991. –С. 7

Зардуштийликдаги шартномада ишонч алоҳида қадрият ҳисобланган (шартнома, оғзаки ва ёзма бўлган). Шунинг учун ҳам, Зардуштийликдаги асосий ҳудолардан бири Митра – шартнома ҳудоси бўлганлиги бежиз эмас.

1.1 – Жадвал.

Инсон ҳуқуқлари соҳасига концептуал ёндашувларнинг схематик жадвали



Зардуштийлик Исломга қадар бўлган ўз ривожланиш даврида ўзига ҳос диний-фалсафий тизим сифатида шаклланди ҳамда Марказий Осиё халқларининг аксарияти учун ҳуқуқнинг универсал манбаи сифатида хизмат қилиб келди. Ҳуқуқшунос Сафо-Исфаҳонийнинг таъкидлашича, “қонун тушунчаси Зардуштийликнинг илк босқичлариданоқ унинг муҳим таркибий қисми бўлган. Зардуштийликка ҳос муқаддас китобнинг учдан бир қисми турли босқич васоҳадаги қонунга таълуқли

эди”<sup>30</sup>. Аёлларинг ҳуқуқи, оила раҳбари судда унинг ўзига бўйсунмаганликда, итоатсизликда айблаган тақдирда ҳам инобатга олинган. Ўша даврдаги бошқа диний тизимларда бўлгани каби, Зардуштийликда ҳам хотиннинг итоатсизлиги, бўйсунмагани энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисобланганига қарамай бундай гуманистик тизимда иш юритилгани таҳсинга сазовор.

Илк ўрта асрларнинг ғарбий фалсафий ва сиёсий фикрларига хос бўлган мафкуравий монизм Аристотель таълимотини ривожлантиришни давом эттирган ўша давр Шарқ мутафаккирларининг тадқиқотларида бошқачароқ шаклда учрайди. Масалан, Шарқ ижтимоий-сиёсий анъаналарининг энг кўзга кўринган вакили Ал-Фаробий (870-950 йй.) инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ғоясининг ривожига “фозил шаҳар” концептига асос солди. *“Ушбу шаҳарнинг барча аҳолиси тенгдир, уларнинг қонунлари бир кишини бошқасидан устун қўймайди. Фуқароларнинг бир-бирига нисбатан муносабатлари ва бошқа шаҳарларнинг аҳолисига нисбатан кучи “фақат уларнинг эркинлигини оширишга ёрдам берадиган” нарсаларни амалга оширишга қаратилган”*<sup>31</sup>. Бундай уйғунлик шундан иборатки, шаҳарларнинг раҳбарлари назоратни фақат уларни тайинлаган бўйсунувчиларнинг иродасига биноан амалга оширадилар.

Амир Темур даврида ошкоралик, адолатли жамият барпо этиш тамойиллари яққол намоён бўлган. Халқни ижтимоий ҳимоялаш, бозор монополиясидан муҳофазалаш мақсадида савдогарларга олиб келган мол-товарлари учун қатъий белгиланган устама нарх қўйишга руҳсат этилган. Амир Темур ҳукмдорлиги даврида ҳам давлат хазинаси асосан олинган солиқ ва ўлпонлар ҳисобига шаклланган. Лекин ижтимоий меҳнатнинг баъзи турларида машғул бўлган халқ вакилларига имтиёзли солиқлар жорий этилган. Масалан, кимда-ким бирон саҳрони обод қилса ёки кориз (ер ости иншооти) курса, бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирорта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч қандай ўлпон олинмаган<sup>32</sup>. Бу ишлар эса ўз навбатида замонавий жамиятлардаги волонтерлик (кўнгиллилар) ҳаракатлари, жамоат ташкилотларида фаолият олиб бориш ва ижтимоий иш каби фуқаролик жамиятининг ажралмас унсурлари бўлган феноменларнинг илк кўриниши сифатида талқин қилишимиз мумкин<sup>33</sup>.

<sup>30</sup> Сафа-Исфохани “Риваят-и Ҳемати Асашаҳистан: A Study in Zoraastrian Law (narward Iraninan ser) Кембридж 1980-2.

<sup>31</sup> Аль-Фараби. Гражданская политика // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С.220.

<sup>32</sup> Xalqaro Amir Temur jamg'armasi. Temur tuzuklari. –Т.: O'zbekiston. 2011, -Б.146.

<sup>33</sup> Саидов С. Ижтимоий капитал – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. –Т., 2019, -Б. 16.



Шунга қарамай, Шарқ цивилизациялари изоляциялашган ҳолда, ҳокимият ва жамият, жамият ва шахслар ўртасидаги муносабатларнинг патриархал анъаналарини мустаҳкамлаш руҳида ривожланиб келди. Ҳолбуки, жамоат онги ва ҳукмрон элитани бошқариш усуллари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиши, шунингдек, саноат даврининг пайдо бўлиши ва шу билан "учинчи" қатламнинг ижтимоий ҳаётга таъсирининг кучайиши Ғарбий Европа жамиятини XVII-XVIII асрларда протестантизм доирасида инсон шахсининг маъносини бошқача тушунишга олиб келишига, дастлабки буржуа инқилоблари ва инсоннинг табиий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлари ривожланишига катта таъсир ўтказди.

### **1.2§ Ижтимоий-сиёсий жараёнлар эволюциясида инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши**

Инсон ҳуқуқлари ғояси ўзининг замонавий ғарб талқинида ижтимоий-сиёсий фикрнинг либерал-демократик анъаналарига асосланади. Уйғониш ва Реформация даврида ҳам феодализм шароитида ҳаётнинг ўрта аср пойдеворлари қулаши ва дастлабки капиталистик муносабатларнинг шаклланиши билан боғлиқ тушунчалар пайдо бўлди. Ушбу концепцияларнинг яратилиши буржуа қатламининг феодал қарамлигидан халос бўлиш ва ўз қобилиятларини ишлаб чиқариш соҳасида эркин тасарруф этиш истаги билан боғлиқ эди. Ушбу тушунчаларда инсон, унинг автономлиги, эркин ўзини-ўзи бошқариш, кадр-қиммати ва ташаббускорлигини ривожлантириш биринчи ўринга чиқади. Мазкур тамойилларни ишлаб чиқадиган ижтимоий фикр йўналишларининг энг муҳими гуманизм ғояси бўлди.

*“Инсон зоти тўлиқ эркин бўлган тақдирда энг яхши ҳолатда бўлади... Бизнинг эркинлигимизнинг биринчи тамойили – бу мустақил қарор қабул қилиш эркинлигидир”*, – дейди италиялик шоир ва гуманист Данте Алигьери<sup>34</sup>. Айнан у ҳуқуқий давлат ғоясини биринчи бўлиб шакллантиргани ҳолда: “табиат томонидан ўрнатилган тартиб қонун билан сақланиши керак”, дея хитоб қилади. “Давлат тузилишининг тўғри шакли” (Дантенинг тушунчасида бу монархия) мезони – энг аввало “унинг эркинлик мақсадига қурилгандир... Ахир, фуқаролар консуллар учун эмас, халқ подшоҳлар учун эмас, аксинча, фуқаролар учун консуллар ва халқ учун подшоҳлар бўлиши лозим”<sup>35</sup>. Шу билан

<sup>34</sup> Данте Алигьери. Монархия. Книга первая // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. – М., 1997. Т.1. –С. 235.

<sup>35</sup> Ўша жойда.

бирга, монархни “барчанинг хизматкори”, деб ҳисоблаш мантиқан тўғри келади. Мазкур янги ғоя ва қарашлар билан бир қаторда Данте жамият аъзоларининг расмий тенглиги тамойилидан анча йироқ бўлган: у ҳам инсонлар, ҳам бутун миллатларни бошқариш ёки бошқарилиш учун туғилиши мумкин, дея эътироф этади.

Инглиз гуманисти Томас Мор “*кимнидир фаровон ва завқ остида яшашига имкон бериш, бошқалари эса ҳар жойда нола қилса ва йиғласа, бу қиролликнинг эмас, балки қамоқхонанинг қўриқчиси бўлишидир*”, деб ҳисоблаган<sup>36</sup>. Аммо, шунинг билан бирга, “жамиятда барча маблағларни тенг равишда ва адолатли шаклда тақсимлаш ҳамда инсонларни фаровонликка бошлаш фақатгина хусусий мулкни тўлиқ йўқ қилиш билан амалга ошириш мумкин”, дея эътироф этади. Адолатли ижтимоий буюртма мулкнинг максимал ҳажмини, бошқарувнинг айрим танлаб олинган тамойилларини белгилаш, ҳар кимнинг жамият фаровонлиги йўлида астойдил ишлаш мажбуриятини бажариш орқали амалга оширилади<sup>37</sup>. Шундай қилиб, хусусий мулкни бекор қилиш ғояси классик шаклдаги табиий ҳуқуқлар ғояси билан параллел равишда ривожланади.

Француз гуманисти Ла Боэси “*инсоннинг эркин бўлиши ва эркинликни хоҳлаши табиийдир, аммо шу билан бирга, унинг табиати турли одат ва тартибларга кўникиб қолишга мойилдир*”<sup>38</sup>, деб ҳисоблайди. Шунингдек, “ҳар қандай шароитда ҳам шундай иқтидорли одамлар борки, улар... ўзларининг табиий ҳуқуқларини ҳеч қачон унута олмайдиган ва эркинлик учун курашишга тайёрлар”. Дарҳақиқат, мутафаккир биринчи марта билвосита бўлса ҳам, ҳуқуқий муаммоларни сиёсий онг билан боғлашга ҳаракат қилган. У, жумладан, ўзига хос ғояни ифода этди, унга кўра чин эркин инсон – бу ҳокимият пирамидасининг тепасидан узоқроқда ишлайдиган ва одамлардан олинадиган имтиёзларни тақсимлашда қатнашмайдиган инсондир. Ўз мулкларини кўпайтириш учун ижтимоий иерархия тепасига иложи борича яқинлашишга интилганлар, охир-оқибат, мустабид тузумнинг ўзи ташкил этган қонуниятлар туфайли ҳамма нарсани йўқотадилар<sup>39</sup>.

Германиядаги реформация етакчиси Мартин Лютернинг диққат марказида шахс эътиқоди эркинлиги муҳим аҳамият касб этган. “Агар

---

<sup>36</sup> Томас Мор. Золотая книга, столь же полезная, как забавная, о наилучшем устройстве государства и о новом его острове утопии // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т. 1. –С. 277

<sup>37</sup> Ўша жойда. –С.278.

<sup>38</sup> Ла Боэси. Рассуждение о добровольном рабстве//Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. -М., 1997. Т.1. –С.295.

<sup>39</sup> Ўша жойда. –С. 296.

инсоният қонуни рухга нимага ва қандай ишониши кераклигини айтиши керак бўлса, демак, бу, албатта, Худонинг каломи эмас”, деб таъкидлайди. Рух фақат Худонинг измида, подшоҳнинг эмас. Аммо танаси, мол-мулки ва ҳатто шарафи подшоҳнинг тўлиқ қудратида ва бунга тегишли бўлган ҳар бир нарсада, инсон унга тўлиқ бўйсунуши шарт, чунки ҳар қандай ҳокимият Худодан берилган, ҳатто жаллодларнинг ҳокимияти бўлса ҳам. Буларнинг барчаси билан М.Лютер “дунёвий ишларда куч билан ҳаракат қилиш мумкин эмас, қонунсизликни биринчи навбатда қонун билан енгиб ўтиш керак”<sup>40</sup>, деган фалсафий-сиёсий талқинни илгари суради.

Уйғониш ва Реформация даври мутафаккирлари шахснинг маънавий-ахлоқий эркинлиги асосларини шакллантирган. Ғарбнинг инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳуқуқий ва сиёсий қўллаб-қувватлашнинг (сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш, иқтисодий муносабатларни ривожлантириш) амалий тамойилларини ишлаб чиқиш маърифий ва либерализм мафқураси намоёндалари файласуфлар, сиёсатшунослар ва иқтисодчиларнинг асарларида назарий жиҳатдан асослантирилган. Улар орасида Т.Гоббс, Б.Спиноза, В.Гумбольдт, Ж.Локк, Ш.-Л.Монтескье, А.Смит, И.Кант, Т.Жефферсон, Б.Франклин, Ж.Мэдисон, Б.Констан, А.Токвиль каби мутафаккирларни санаб ўтиш лозим. Кейинчалик, XIX асрга келиб, ушбу ғоялар И.Бентам, Ж.С.Милл, Т.Х.Грин, Л.Хобхауз ва бошқалар асарларида ривожлантирилган.

Табиий ҳуқуқ назариясининг таниқли вакиллари Г.Гроций, П.Гольбах, Ж.Локк, Ш.-Л.Монтескье ва бошқалар ҳар бир инсоннинг ҳаётга, хавфсизликка, эркинликка, мулкка, бахтга интилиш каби ҳуқуқларнинг устуворлигига бўлган асосий, фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлари концепциясини назарий жиҳатдан асослаб беришди, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг янги моделини ишлаб чиқишган. Янги давр мутафаккирлари социумнинг мустақил, эркин бўлаги сифатида шахснинг эркинлиги ва табиий қобилиятларининг устувор аҳамиятини алоҳида эътироф этишди.

Мазкур концепциянинг асосида табиий ҳуқуқ назарияси ётади. Табиий ҳуқуқнинг фундаментини гуманизм билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган индивидуализм ташкил этади. Антик даврнинг кўплаб файласуфлари сингари, Янги даврнинг сиёсий, ҳуқуқий ва фалсафий фикри вакиллари ҳам инсон табиати ягона ва ўзгармасдир, деб таъкидлайдилар. Инсоннинг абадий ва ўзгармас табиатидан, мамлакат

---

<sup>40</sup> Лютер Мартин. О светской власти // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С. 286.

бошқарув тизими ва амалдаги қонунларидан қатъи назар, унинг табиий ҳуқуқларидан келиб чиқади. Ушбу ҳуқуқларга бошқа асосий ҳуқуқларга асосланган эркинлик, мулк ҳуқуқи, одамлар ўртасидаги тенглик, ўз бахтини таъминлаш кабилар киради. Уйғониш, Маърифат ва Янги давр мутафаккирлари сиёсий ҳокимиятнинг ахлоқий мазмуни ва мақсадининг аҳамиятини таъкидлаб, унинг мақсади эркинлик ғояси бўлиши лозим, дея хулосага келишади.

Инсон эркинлигини асосий табиий, бўлинмас ҳуқуқ сифатида эълон қилиш қадимги юнон файласуфларининг гуманистик ғояларида ривожланиб келди. Шу билан бирга, янги тарихий шароитларда ушбу таълимот жамиятнинг барча тоифаларига таъллуқли ва барчанинг умумбашарий тенглиги принципига асосланиб умуминсоний аҳамият касб эта борди. Янги давр мутафаккирлари авлоддан-авлодга ўтадиган ҳокимият ва мулк имтиёзларининг барча шакллари номақбул, дея эътироф этишди<sup>41</sup>.

Табиий ҳуқуқнинг энг таниқли назариётчиларидан бири, XVII аср Англияда этатизм йўналиши вакили Т.Гоббс эди. У табиий ҳуқуқ *“ҳар бир инсоннинг ўз табиатини сақлаб қолиш учун имкониятидан фойдаланиш эркинлиги, яъни унинг ҳаёти ва қадр-қимматини бошқариш эркинлигидир”*<sup>42</sup>, дея таъриф беради. Унинг фикрига кўра, инсон бошқа одамларга нисбатан табиий ҳолатда эга бўлган тўлиқ эркинлик, худди шу эркинликни амалга оширишга интилаётган барча инсонларнинг қаршилиги туфайли амалга оширилиши мумкин эмас. Мамлакатда ижтимоий шартнома амалга оширилганда эса, инсонга тегишли бўлган табиий ҳуқуқлар, бу ҳуқуқларни давлат ҳокимиятини амалга оширувчи шахс (ёки ижтимоий-сиёсий гуруҳ) фойдасига тўлиқ ёки қисман рад этилиши мумкин бўлади.

Ж.-Ж.Руссонинг халқ суверенитети назарияси инсон ҳуқуқларини социум фойдасига бегоналаштириш асосига қурилган. Унинг фикрига кўра, жамият ўз аъзолари учун тўлиқ тенгликни таъминлаш учун инсонни табиий ҳуқуқларидан маҳрум қилади<sup>43</sup>. Тарихий ривожланиш жараёнида инсоннинг социо-психологик ҳолати ижтимоий ҳолат билан алмаштирилди, унда шахс табиий эркинлик ўрнига жамиятда фуқаролик эркинлигини қўлга киритади. Суверенитетнинг эгаси бўлган халқ, Ж.-Ж.Руссонинг фикрига кўра, шахслар устидан чексиз ҳокимиятга эга,

<sup>41</sup> Гаджиев К.С. Политическая наука. –М., 1996. –С. 7

<sup>42</sup> Гоббс Т. Левиафан. // Избранные произведения. –М., 1964. Т.2. –С. 155

<sup>43</sup> Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права. // Об общественном договоре. Трактаты. –М., 1998. –С. 212.

чунки эркинлик ва шахс фаровонлигини сақлаш инсоннинг жамиятга тўлиқ бўйсунishi билан мумкинди<sup>44</sup>.

Ж.-Ж.Руссо фуқароларнинг индивидуал эркинлигини ҳимоя қилиш ҳақида ўйламайди, чунки халқ суверенлигига қарама-қарши келадиган алоҳида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун чоралар кўриш керак эмас, чунки тана ўз аъзоларига зарар етказа олмайди. Жамият ахлоқи ҳақида гапирганда, у ҳатто баъзи бир асосий догмаларни ўрнатади ва норози одамларни жамоат ҳаётига яроқсиз сифатида мамлакатдан чиқариб юборишни талаб қилади. Ж.-Ж.Руссо эркинликни, энг аввало, сиёсий эркинлик, фуқароларнинг қонун чиқарувчи фаолиятидаги сиёсий иштироки, деб тушунади. Давлат ҳокимияти томонидан инсоннинг табиий ҳуқуқларига риоя қилиш зарурлигига эмас, балки ҳокимиятнинг легитимлигини таъминлаш зарурлиги урғуланиб, мазкур тамойилларнинг самараси “ижтимоий шартнома” мавжудлигига қараб тасдиқланади. Шахсий мулк ҳуқуқи, аксарият табиий ҳуқуқ назарийotchилари – Ж.Локк, Ф.Лассал, Ж.С.Милл томонидан бошқа барча ҳуқуқларга риоя қилишнинг асоси сифатида талқин қилинган бўлса, Ж.-Ж.Руссо уни барча ижтимоий иллатларнинг бош сабабчиси сифатида кўрсатади<sup>45</sup>. Бунда унинг қарашлари Маърифатпарварлик даври вакили Ж.Мелье нуқтаи назарига ҳамоҳанг асосга эга. У “бутун дунёда деярли барча ёвузликлар инсонларнинг мол-мулк ва бойликларга эга бўлиши билан боғлиқ... ер юзидаги барча неъматлар инсонлар ўртасида тенг тақсимланиши ва биргаликда эгалик қилиниши лозим”, дея таъкидлайди<sup>46</sup>. Француз утопик социализмининг асосчиси Г.Мабли ҳам хусусий мулк ҳуқуқига қарши чиқади ва меҳнат натижаларини ижтимоийлаштиришни зарур деб ҳисоблайди<sup>47</sup>.

Цивилизацион тараққиётда маърифатпарварлик даврининг сиёсий-ҳуқуқий концепцияларини илмий таҳлил қилишда иккита асосий тенденцияни эътироф этиш лозим: шахс эркинлиги ғояси мустақил аҳамиятга эга бўлиб, алоҳида феномен сифатида илгари сурилади ёки бу ғоя билан бирга тенглик принципи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ж.-Ж.Руссо шахс эркинлигининг муҳимлигини инкор этмайдиган, балки уни тенглик тамойили билан бирлаштиришга интиладиган концепциянинг фаол тарафдори эди. Ушбу талқин эркинликни фуқаро давлатнинг айрим ҳаракатларига бўлган ҳуқуқи сифатида ижобий

---

<sup>44</sup> Ўша жойда.

<sup>45</sup> Руссо Ж. Рассуждение о происхождении неравенства // Об общественном договоре. Трактаты. –М., 1998. –С. 106.

<sup>46</sup> мелье Ж. Завещание. Т.1., -М., 1954. –С. 67

<sup>47</sup> Мабли Г. Избранные произведения. -м., -Л., 1950. –С. 266

тушунишини кўрсатади<sup>48</sup>. Аслида Ж.-Ж.Руссо ҳокимият ва эркинлик ўртасида компромисс топишга ҳаракат қилди, масалан, у шундай формулани таклиф қилди: *инсон жамиятнинг умумий интилиши орқали ўз шахсий истак ва интилишига эришади*<sup>49</sup>. Бунда жамиятнинг ҳар бир аъзоси битта бутуннинг ажралмас қисмларига айланади.

Нафақат сиёсий, балки иқтисодий маънода ҳам тенглик учун, француз инқилобчиси Г.Бабеф хусусий мулк ҳуқуқига қарши чиқади. Шу билан бирга, у ижтимоий ўзгаришларнинг мақсадини жуда инсонпарварлик нуқтаи назаридан қарайди: “ҳамма учун фаровонлик, ҳамма учун таълим, тенглик, эркинлик, ҳамма учун бахт” зурур, дея хитоб қилади<sup>50</sup>. Мавжуд тенгсизликнинг сабаби жамият институтларининг иқтисодий элита билан тил бириктиришида деб ҳисоблар экан, у ишлаб чиқариш натижаларини жамоавий тақсимлаш ғоясининг амалда бажарилишини ҳамма учун зарур бўлган товарлар миқдори тўғрисида қарор қабул қиладиган ягона умумий органи яратишда кўрган.

Бошқа томондан, таниқли маърифатпарвар Вольтер хусусий мулк ҳуқуқи муҳолифларини “*меники*” ва “*сеники*” атамаларини жиноят деб даъво қиладиган аслида ақлдан озганлардир”, дея таъриф беради. Унинг ёзишича, агарда жамиятда талаб бўлса одамлар ўз меҳнатини маълум тўлов асосида пуллаши мумкин. “Бу улар учун мулк ҳуқуқини англатади”<sup>51</sup>, – дея таъкидлайди.

Ниҳоят, француз мутафаккири Ж.А.Кондорсе компромисс ғоясини таклиф қилгани ҳолда: у тенгсизликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, аммо унинг ҳозирги даражаси билан таққослаганда иложи борича камайтириш керак, деб ҳисобларди. Тенгсизликни бутунлай йўқ қилиш “*тенгсизликнинг янада кўпроқ манбаларини очади ва инсон ҳуқуқларига ҳалокатли таъсир этади*”<sup>52</sup>, дея таъкидлайди. Яъни, бу жойда инсонлар учун тенг имконият яратиш зарурлиги, лекин, ҳар ким ўзига хос тарзда имкониятдан фойдаланиши назарда тутилади. Шунинг учун ҳам барча давр ва замонларда жамият турли ижтимоий синф, гуруҳ ва қатламларга бўлинган. Социал стратификациянинг бош омили – имконият ва эркинликлар тамойили сифатида таърифланади.

---

<sup>48</sup> Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре, или Принципы политического права. // Об общественном договоре. трактаты. –М., 1998. –С. 215.

<sup>49</sup> Ўша жойда. –С. 212-213.

<sup>50</sup> Бабеф Г. манифест плебеев // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –м., 1997. Т.1. –С. 58.

<sup>51</sup> Кузнецов В.Н. Вольтер и философия французского Просвещения XVIII в. –М., 1965. –С. 16.

<sup>52</sup> Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины человеческого разума // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т.1. –С. 522.

1776 йилги инкилоб давридаги АҚШ мутафаккирлари — Т.Джефферсон, Б.Франклин, Т.Пейн ҳам шундай позицияга риоя қилишган. Улар хусусий мулк ҳуқуқини “табiiй ҳуқуқ” деб ҳисобламаганлар, уни фақатгина тарихий тараққиёт маҳсули деб билиб, фуқаролик жамияти ва давлат мулкидаги тенгсизликнинг ҳаддан ташқари чегараларини чеклаш ҳуқуқига эга, деб билишади<sup>53</sup>. Яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва бахтга интилиш каби ҳуқуқлар энг муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблар эдилар.

Шунга қарамай, жамият эҳтиёжларини қондириш қобилияти ва айниқса буржуа ижтимоий қатлами туфайли табiiй ҳуқуқ ғоялари XVIII асрда, саноатлашув даври мобайнида янада ривожланганлиги жуда муҳимдир. Буржуа-либерал назариялар инсон автономиясининг, индивидуализмнинг жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида талқин қилиб, унда давлатнинг ролини минималлаштиришга, инсоннинг шахсий ҳаёти ва манфаатлари соҳасида ҳокимият институтлари иштирокини чеклашнинг ҳуқуқий чегараларини белгилашга қаратган. Француз физиократлари — иқтисодий мактаби намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган “Laissez faire, laissez passer”<sup>54</sup> (яъни “ҳаракат қилиш эркинлигини беринг”) тамойили шу тариқа ижтимоий ва сиёсий ҳаётнинг ўзига хос асосига айланди.

Индивидуализм инсонни, авваламбор, ўз манфаатидан ҳимоя қилишни назарда тутди. У инсон ҳуқуқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари ажралмас яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва хусусий мулк ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Т.Гоббс ва Ж.Ж.Руссонинг қарашларидан фарқли ўлароқ. Б.Спиноза, Ж.Локк ва Ш.Монтескье ғояларида, инсоннинг бўлинмас ҳуқуқ ва эркинликлари ҳокимият ваколатларини чеклаш воситаси сифатида талқин қилинади. Уларнинг фикрига кўра, давлатлар тузилгунгача бўлган даврда, инсонлар ўз меҳнати ва ташаббускорлигига кўра баъзи ажралмас ҳуқуқларга эга бўлишган. Шунинг учун ижтимоий шартнома натижасида вужудга келган давлат ҳокимияти ушбу ҳуқуқларни бузишга ёки чеклашга ҳақли эмас.

Шундай қилиб, Б.Спинозанинг фикрига кўра, виждон эркинлиги, фикр эркинлиги, сўз эркинлигини ҳокимият фойдасига бегоналаштириш ва уни бостириш мумкин эмас, чунки бу ҳолатсиз жамият ахлоқий жиҳатдан соғлом бўла олмайди. Б.Спиноза фуқароларнинг маънавий

<sup>53</sup> Политическая мысль в Соединенных Штатах Америки периода Войны за независимость. <https://distance.rpa-mu.ru/files/books/ippy/thm/tsm17.html>

<sup>54</sup> Laissez-faire <https://www.britannica.com/topic/laissez-faire>

эркинлигига бўлган эҳтиёжини асослашда шу қадар чуқур ёндашадики, *“Давлатнинг мақсади энг аввало инсон эркинлигини таъминлашдир”*, дея эътироф этади<sup>55</sup>. Хавфсизлик мақсадида белгиланган бундай эркинликнинг чегараси фақат қонун бўлиши мумкин. Фикр ва сўз эркинлиги, ўз навбатида, давлат ва жамиятдаги тартиб ва тизимнинг сақланишида катта аҳамият касб этади.

Америкалик жамоат арбоби Т.Пейн ижтимоий шартнома субъект ва ҳукумат (фуқаро-ҳокимият) ўртасида эмас, балки ҳукуматни тузишда бир-бири билан келишган субъектлар (фуқаро-фуқаро) ўртасида тузилади, деган фикрни илгари сурган. У шундан келиб чиқадики, барча ҳуқуқлар инсонларда қолади ва ундан фойдаланишда ҳеч қандай чекловлар бўлмаслиги лозим<sup>56</sup>. Лекин, бу жойда олим инсон ҳуқуқларининг сиёсийлашуви ва ижтимоийлашуви тамойилларини кўздан қочирган. Яъни, ижтимоий шартнома, аввало, шахс–жамият–давлат форматининг ҳар бир бўғинини қамраб олганда етарли самарага эга бўлади.

Ж.Локк ижтимоий-сиёсий тизимни ташкил этишда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни давлат тажовузидан ҳимоя қилиш ва коллективизмни биринчи ўринга қўяди. У, ўз навбатида, *“сиёсий ҳокимиятни ва унинг шаклланишини тўғри тушуниш учун иккита шартни белгилаб берди: одамларнинг тўлиқ эркинлигини уларнинг табиий ҳолати ва тенглик ҳолати сифатида кўриб чиқиш, унда барча ҳокимият ва ҳар қандай ҳуқуқ ўзаро боғлиқлигига асосланган бўлиши лозим”*<sup>57</sup>. Унинг ғояларини қўллаб-қувватлаган Ш.-Л.Монтескье ажралмас ҳуқуқларни амалга оширишда қонунларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди: *“озодлик – бу қонун билан рухсат этилган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқидир”*<sup>58</sup>, деб ёзади.

Инглиз либерали Б.Констан: *“Бизнинг замондошларимизнинг мақсади – бу хусусий соҳанинг хавфсизлиги”*<sup>59</sup>, деб таъкидлаб, унинг тушунчасида жамоат институтлари томонидан яратилган ушбу хавфсизликнинг кафолатлари эркинликдир.

Фуқаролик жамияти концепциясининг асосчиларидан бири В.Гумбольдт *“давлат фуқароларнинг шахсий муносабатларига аралашуви ҳар қандай ҳолатда ҳам фуқаролардан бирининг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри бузмаслиги ҳолатларидан ташқари барча*

<sup>55</sup> Спиноза Б. Богословско-политический трактат // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997.Т.1. –С.351.

<sup>56</sup> Пейн Т. Указ. соч. –С. 489-496.

<sup>57</sup> Локк Дж. Избранные философские произведения. В 2 т. –М., 1960. Т.2. –С. 98.

<sup>58</sup> Монтескье Ш.-Л. О духе законов // Избранные произведения. –М., 1995. –С. 289.

<sup>59</sup> Констан Б. Указ. соч. –С. 97-106



ҳолларда рад этилиши керак”, деб ҳисоблаган<sup>60</sup>. Яъни, инсоннинг ҳокимиятдан автономияси, фуқароларнинг эркинлиги ва сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши фуқаролик жамиятининг асоси ҳисобланади.

Британия либерализмининг таниқли вакили, сиёсатшунос Ж.С.Милль нафақат жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва инсоннинг шахсий манфаатлари соҳасига давлатнинг аралашуви хавфи ҳақида гапириб, шахснинг хулқ-атвори ва фикрлари билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ижтимоий чегараларини белгилаб берди. Унинг фикрига кўра: “Жамиятнинг шахсга нисбатан ҳокимияти, шахснинг ҳаракатлари бошқа одамларга тегишли бўлган даражадан ошмаслиги керак; фақат ўзига тегишли бўлган ҳаракатларда, шахс ўзига нисбатан мутлақо мустақил бўлиши лозим...”<sup>61</sup>. Ж.С.Милль виждон эркинлиги, фикрлари, ҳиссиётлари, ўз қарашларини ифода этиш ва чоп этиш эркинлиги, ҳаётини ўз табиатига мос равишда қуриш эркинлиги, бошқа шахслар билан биргаликда ҳаракат қилиш эркинлигини шахснинг мутлақ мустақиллиги соҳасига боғлайди. Унинг ғоясига кўра, фақатгина шундай жамият эркинки, унда “*барча турдаги индивидуал эркинликлар унинг барча аъзолари учун мутлақо ва қаршиликсиз мавжуд бўлса*”<sup>62</sup>. Ушбу “либерализм руҳи”нинг асосчисини, энг аввало, “нафақат фикрловчи шахслар таълимотида, балки умуман одамларда ҳам жамиятнинг шахс устидан ҳукмронлигини жамоатчилик фикри орқали ҳам, қонунлар орқали кенгайтириш тенденциясининг кучайиб бориши...” ҳавотир уйғотади.

Ҳуқуқнинг мажбурий табиати ва қонун устуворлиги ғоялари, инсон табиий ҳуқуқининг аҳамияти – эркинликлар, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи каби қарашлар, буюк немис файласуфи И.Кантнинг ҳуқуқий давлат назариясида атрофлича кўриб, асослаб берилган. И.Кант инсоннинг индивидуализми ва унинг ижтимоий мавжудот сифатидаги хусусиятлари ўртасидаги зиддиятга эътиборини қарататиб, барча ҳаракатларда юксак ахлоқий категориялар (категорический императив) устувор бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Озодлик, яъни у инсон зотига мансублиги туфайли ҳар бир инсонга хос бўлган ҳуқуқни ягона “туғма ҳуқуқ” деб билади<sup>63</sup>. И.Кант ушбу ҳуқуқни таъминлашнинг энг муҳим воситасини фақатгина барчанинг келишилган ва бирлашган иродасида кўриб, алоҳида шахсга қаратилган қарор қабул қилишда, энг аввало, ўша инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигидан келиб чиқиши

<sup>60</sup> Вильгельм фон Гумбольдт. О пределах государственной деятельности. –М., 2015.

<sup>61</sup> Милль Дж. С. О свободе // Антология мировой политической мысли в 5-ти томах. –М., 1997. Т. 1. –С. 739.

<sup>62</sup> Ўша жойда. –С. 742.

<sup>63</sup> Кант И. Соч. в 6 т. –М., 1965. Т. 4, ч. 2, –С. 147.

лозимлигини уқтирган. Шундан келиб чиқадики, “*фақат халқнинг умумий бирлашган иродаси жамиятда бош қонун ижодкори бўлиши мумкин*”<sup>64</sup>.

Тенглик ғоясини И.Кант анча ўзига хос тарзда талқин қилади. Ягона қонунга риоя қилишда барча инсонларни тенг деб билиб, у “*ўзларининг ҳаракати билан эмас, балки бошқаларнинг буйруғи ёки ҳаракати билан ўз ҳуқуқини таъминлайдиган одамларни “фуқаровий шахслар” эмас, улар овоз бериш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар, ўзгалар томонидан ҳимояланишга ва бошқарилишга маҳкумдирлар*”<sup>65</sup>. Яъни, И.Кант талқинида табиий ҳуқуқларнинг мавжудлиги ҳали сиёсий ҳуқуқларнинг мавжудлигини англамайди. Бироқ, улар пассив фуқаролик ҳолатидан фаол ҳолатга ўтиш пайтида, инсон маълум бир меҳнат эркинлигини олганда сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритиши мумкин.

Инсон ҳуқуқ ва эркинлиги ғояси, диалектиканинг асосчиларидан бири Г.Гегелнинг қарашларида ҳам устуворлик касб этган. Ҳуқуқ ва ахлоқ, Гегелнинг фикрига кўра, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасининг объективлиги ва субъективлиги намоёнидир. “*Ҳақиқат шундан иборатки, бутун борлиқ бу – инсоният иродаси эркинлигидир*”<sup>66</sup>, дея таъкидлайди Гегель. Бироқ, Гегелнинг таълимоти шахснинг чексиз эркинлигини ҳимоя қиладиган индивидуализм докторинаси тамойилларига мос эмас: “*Биз эркинлик умуман олганда хоҳлаган ишимизни қилиш ҳаракатидан иборат дейишимиз аслида фикрлаш, ижтимоий эҳтиёж ва маданиятни йўқлигидан далолат беради*”<sup>67</sup>.

Гегелнинг концепциясига кўра, давлат “*...бу эркинлик ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтдир, унинг олий мақсади ўз аъзоларини (фуқароларини) қўллаб-қувватлашдир*”<sup>68</sup>. Унинг талқинида давлат ва фуқаролик жамияти фаолият доиралари аниқ ажратилган. Айнан фуқаролик жамияти инсоннинг ўз ҳуқуқларини давлат томонидан бузилишидан ҳимоя қилади, чунки унда бир-бирига боғлиқ бўлган индивидуал манфаатлар чамбарчас шаклланган бўлиб, уни мустақил равишда қондириш имконсиздир. Албатта, Гегель маълум бир давлатда турли хил камчиликлар бўлиши мумкинлигини инкор қилмади, лекин давлатчиликнинг бош ғоясини инсоният тафаккурининг юқори тимсоли сифатида талқин қилади.

---

<sup>64</sup> Кант И. метафизика нравов в двух частях. –М., 1997. Т.1. –С. 478-479.

<sup>65</sup> Ўша жойда. –С. 480.

<sup>66</sup> Гегель Г. Сочинения. Т VII. –С. 53.

<sup>67</sup> Гегель Г. Философия права. –С. 299.

<sup>68</sup> Ўша жойда. –С. 642.

Замонавий даврда Европа ва АҚШда маърифатпарварлик ғоялари таъсири остида инсонни ҳокимиятнинг турли хил қарамлик ва ўзбошимчаликларидан озод қилиш ҳаракати кечди. Бу даврда нафақат сиёсий-ҳуқуқий доктриналарда, бошқа шахснинг эркинлигини ҳурмат қилиш билан чекланган замонавий ғарбнинг тушунчаси шаклланди, балки ушбу концепциянинг юридик асослари ҳам қонунларда мустаҳкамланди.

Англияда ушбу нуқтаи назардан бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Масалан, 1628 йилги Ҳуқуқлар тўғрисидаги Петиция фуқароларни қирол маъмуриятининг ўзбошимчаликларидан ҳимоя қилган<sup>69</sup>. Замонавий инсон ҳуқуқлари институтининг ривожланишида муҳим босқич 1679 йилдаги Хабеас корпус актининг қабул қилиниши бўлиб<sup>70</sup>, унда шахсий дахлсизлик кафолатлари, айбсизлик презумпцияси тамойили, “тегишли жараён” тушунчаси ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бошқа қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Кейинчалик, 1689 йилдаги Ҳуқуқлар тўғрисидаги Билл Англия парламентида сўз эркинлиги, парламент сайловлари очиклиги ва фуқароларнинг давлат ташкилотлари ва қиролга петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқи орқали ижтимоий адолат ҳамда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилди<sup>71</sup>. Ушбу янгиликлар феодал абсолютизмига қарама-қарши турадиган буржуа муносабатларининг ривожланиши натижасида шакллана борди.

Ҳозирги кундаги кўпгина замонавий конституцияларни, ўз даврида инсон ҳуқуқлари ва конституционализм ғояларини мустаҳкамлаган классик конституцияларнинг меросхўри, дейишимиз мумкин (масалан, XVII- XVIII асрдаги Англиянинг Асосий қонунлари, 1787 йилги АҚШ ва 1791 йилги Франция конституциялари).

Америкадаги мустақиллик учун кураш ёки биринчи инқилоб (1775-1783 йй.) даврида АҚШнинг “асосчилари” Ж.Вашингтон, Т.Джефферсон, Б.Франклин Конгресс томонидан қабул қилинган “Мустақиллик Декларацияси”да (1776 й.) шундай тезисни илгари суришади: *“Барча инсонлар тенг равишда яратилган ва уларнинг барчасига ўзларининг яратувчиси томонидан ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш каби ажралмас ҳуқуқлар берилган...”*<sup>72</sup>.

<sup>69</sup> “Petition of Right”. kishlansky, mark. Tyranny Denied: Charles I, Attorney General heath and the Five knights' Case // The historical Journal. — Cambridge University Press, 1999. — Vol. 42,

<sup>70</sup> habeas Corpus Act. Charles II, 1679: An Act for the better securing the Liberty of the Subject and for Prevention of Imprisonments beyond the Seas. | British history

<sup>71</sup> Билль о правах 23 октября 1689 г. // Конституции буржуазных государств Европы. —М., 1957. —С. 181.

<sup>72</sup> Декларация независимости 4 июля 1776 г. // Сборник документов по истории Нового времени. Буржуазные революции XVII-XVIII вв. —М., 1990. —С. 126.

АҚШнинг 1787 йилдаги Конституциясида табиий ажралмас инсон ҳуқуқлари рўйхати мавжуд эмас<sup>73</sup>. Уни тайёрлаш жараёнида Г.Моррис, Д.Ратледж, А.Хансен бошчилигидаги филадельфия конвенти устуворликка эга бўлиб, унга кўра яшаш ва эркинлик ҳуқуқи эмас, балки шахснинг хусусий мулк ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади ва давлатнинг алоҳида ғамхўрлиги остида бўлиши лозим, деган бош ғоя ётади<sup>74</sup>. Америка конституциясининг баъзи муаллифлари унинг матнидаги ҳуқуқларнинг батафсил рўйхатини бериш, мазкур рўйхатга киритилмаган баъзи ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблашган. Аммо Конституцияда давлат даражасида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлар рўйхатининг йўқлиги жамоатчилик томонидан ушбу ҳужжатнинг танқидига сабаб бўлди. 1789 йилда “Ҳуқуқлар тўғрисидаги” биллнинг қабул қилиниши билан Конституцияга дастлабки 10 та тузатиш таклиф қилинди ва у 1791 йилда ратификация қилинган. Кейинчалик Америка фуқароларининг турли хил ҳуқуқларини белгилайдиган ва кафолатлайдиган яна олти та тузатишлар қабул қилинди. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқларининг ушбу ижобий талқини табиий-ҳуқуқий ёндашув ғояларидан устун келган.

1789-1794 йиллардаги Буюк француз инқилоби инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги ғоясини мустаҳкамланиши жараёнидаги энг муҳим босқичлардан бири бўлди. 1789 йилда Франция Миллий мажлиси томонидан “Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари декларацияси” қабул қилинди. Қўшма Штатлар Декларациясининг руҳини ўзига сингдирган ушбу тарихий ҳужжатнинг аҳамияти катта бўлиб, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини кафолатлашда аниқлиги ва тенглиги жиҳатидан ундан ҳам устундир<sup>75</sup>. Декларация маърифатпарварлик фалсафасининг асосий ғояларига қонун кучини бериб, унга кўра ҳар бир шахс жамият ёки давлат томонидан берилмаган, лекин унинг ўзгармас табиати ва ақлидан келиб чиқадиган тенг табиий ҳуқуқларга эгадир. Давлат қонунлари табиий ҳуқуқ ғояларига мос келгани ҳолда инсонлар ўртасида тенгликни таъминлашга қаратилиши лозим.

“Декларация”нинг дастлабки ўн еттита моддаси сиёсий-фалсафий постулатларга бағишланган бўлиб, уларнинг мазмуни куйидагича: *инсон онг ва виждонга эга бўлганлиги сабабли, у Ердаги бошқа мавжудотлардан фарқ қилади ва бошқа мавжудотлар баҳраманд*

<sup>73</sup> The Constitution of the United States. America's Founding Documents - <https://www.archives.gov/founding-docs/constitution>

<sup>74</sup> Согрин В. Политическая история США. –М., 2001. –С. 61.

<sup>75</sup> Еськов Г.С. Твои права, человек. –М., 1993. –С.10.

бўлмайдиган муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши лозим; эркинлик ва тенглик ҳуқуқи инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир, уни ҳеч ким томонидан чекланиши мумкин эмас. “Одамлар тугилиб, эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб қоладилар” – дейилади ҳужжатнинг биринчи моддасида<sup>76</sup>. Давлатнинг бош мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини: эркинлик, мулк дахлсизлиги, хавфсизлик, зулмга қаршилик қилишни таъминлашдир. Қонуннинг ўзи жамоат иродасининг ифодаси бўлиб, ҳамма учун тенг ва мажбурий деб эълон қилинган. Илгари давлатга тўлиқ бўйсунган ва унга қарам бўлган индивид энделикда мухториятга, давлатнинг шахсий эркинлик соҳасига аралашмаслик ҳуқуқига эга бўлиб, қонун билан белгиланган ва ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган тақдирда давлат ҳимояси кафолатларини олади.

Янги, мафкура ва амалиёт шахс эркинликларини ривожлантиришда, феодал корпоратизмини йўқ қилишда, ҳуқуқий табақаланишни бартараф этишда улкан воқелик бўлди. Бугунги кунда барча замонавий халқаро ташкилотлар айнан ўша даврда асос солинган: эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқлари ва шахснинг кадр-қиммати каби илғор сиёсий ғоялар ва кадриятларни фаол равишда тарғиб қилиб келади.

Натижада “инсон ҳуқуқлари” феномени барча турдаги сиёсий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланди. Жамиятда инсон омили, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, фуқаролик позицияси, ижтимоийлашуви натижасида сиёсий рационализация кучая борди. Шунингдек, сиёсий маконда фуқаролар ҳуқуқи кафолатланиши асносида унинг ижтимоий бурчи ва мажбурияти ҳам оша боради. Инсон қанчалик индивидуал ҳуқуқларга эга бўлмасин, у жамиятнинг ажралмас қисми сифатида “ижтимоий мавжудод”лигича қолади. Шундай экан жамият ва давлат ривожини ҳар бир фуқаронинг ижтимоий масъулиятига ҳам боғлиқ бўлиб қолаверади.

Шарқда, жумладан, Марказий Осиё сиёсий фикрлар ривожидида ислом дини муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Сиёсат ва ҳуқуқий масалалар шариат (Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жинсий ва фуқаролик қонуният ҳамда қоидалари мажмуи)да ўз аксини топган.

Марказий Осиё ҳудудида сиёсий-ҳуқуқий фикрларнинг ривожланишига IX-XI асрларда яшаган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби мутафаккирларнинг роли катта бўлди. Бу давр олимлари диний ва дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, комил инсонни тарбиялаш, универсаллик-қомусийлик,

<sup>76</sup> Декларация прав человека и гражданина 1789 г. // Сборник документов и материалов по курсу «Политическая история XX века». –М., 1991. –С. 14.

умуман, жамият ва давлат бошқарувига доир барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Масалан, Абу Наср Форобий жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларининг назарий, умумий фалсафий асосларини ривожлантиришга ҳаракат қилиб, жамият ва давлатнинг келиб чиқиши, фуқаро ва ҳокимият муносабатлари, давлат арбоби ва унинг вазифаси, улар олдига қўйилган асосий талаблар, давлатни инсонпарварлик қоидалари асосида идора этиш усуллари ҳақида ўз қарашларини баён этди. Форобий ўз асарларида бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ёритишга уринди. У инсон томонидан жамиятда фаолияти учун муҳим бўлган ҳаракатларни иккига бўлдиб: 1) адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар; 2) адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар. Инсон ҳаракати асносида унинг ижтимоий-сиёсий иштироки ва фаоллиги белгиланади<sup>77</sup>.

Абу Райҳон Беруний одамлар жамоа бўлиб яшашининг асосий қоидалари ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч-тотув, умумий манфаат учун ишлашга асосланган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Олим мамлакатлар ва давлатлар ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини олиб бориш ғоясини илгари суриб, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, уларнинг вазифалари эҳтиёжидан келиб чиқади деган ғояни илгари суради<sup>78</sup>.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида туркистон замини чоризм истибдоди остида қолди. Натижада, маҳаллий аҳолимиз ўзининг барча ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан, тили ва анъаналаридан маҳрум этилди. мустамлакачилик сиёсатининг ваҳшиёна тус олиши халқ оммасининг озодлик учун кураш ҳаракатлари бошлашига сабаб бўлди. Бу ҳаракатлар мустамлакачилик зулмидан азоб тортган аҳолининг турли табақаларини бирлаштирди, аммо, бу ҳаракатлар жуда тарқоқ бўлиб, ўлкани мустамлакачилик зулмидан қутқаришга ожиз эди.

Мустамлакачилик зулмига ва ўша даврда ҳукмронлик қилган сиёсий муносабатларга норозилик кайфиятлари Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва ижод қилган ўнлаб буюк мутафаккирларнинг сиёсий қарашларида ўз ифодасини топган.

Ўша давр сиёсий фикрларнинг ривожланишига муҳаммад Хўжа Беҳбудий жуда катта ҳисса қўшган. Унинг сиёсий қарашлари жаидлик ҳаракати ва унинг фаолияти билан боғлиқ. муҳаммад Хўжа Беҳбудий

---

<sup>77</sup> Forobiy, Abu Nasr. Fozil odamlar shanri. Abu Nasr Forobiy / Tarjimonlar Abdusodiq Irisov, mankam manmudov, Urfon Otajon. mas'ul muharrirlar M. Xayrullayev, M. Jakbarov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2016. – B. 230.

<sup>78</sup> Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. – Ташкент, 1963. Т. 2. – С.55-59.

ана шу ҳаракатнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиларидан бири сифатида унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Жадидлар туб социал-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар қилиш талаблари билан чиқди. Улар туркистоннинг Россиядан ажралиб чиқишини ва унинг мустақил давлат сифатида ички ва ташқи сиёсат олиб бориши лозимлигини ҳимоя қилиб, Туркистонда миллий давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий асосларини яратишга ҳаракат қилишди.

### **1.3§ Инсон ҳуқуқлари – сиёсий маданиятнинг ажралмас феномени сифатида**

Ижтимоий-сиёсий фанларда инсон ҳуқуқлари маданияти илмий категория ва жамият ҳаётининг ҳодисаси сифатида замонавий маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар диққат марказидаги масалалардан бири бўлиб келмоқда, дейиш мумкин. У бир-бири билан ўзаро уйғун бўлган кўплаб элементлар (рационал, аксиологик, психологик ва прагматик) билан бирга сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, экологик маданият каби қуйи тизимлар алоқадорлигида ривожланади. Инсон ҳуқуқлари маданиятини билиш тизимли методологик ёндашув нуқтаи назаридан энг самарали ҳисобланади, бу нафақат унинг кўплаб элементларини бир-бири билан ўзаро таъсирлашувини аниқлашни, улар орасидаги алоқаларнинг моҳиятини ўрганишни, балки ташқи алоқаларни таҳлил қилиш, бошқа қуйи тизимлар билан ўзаро алоқадорлик ролини аниқлашни ҳам ўз ичига олади.

Ушбу тадқиқот доирасида инсон ҳуқуқлари маданиятини сиёсий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида қаралгани ҳолда уларнинг ўзаро таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Инсон ҳуқуқлари маданияти юқорида айтиб ўтилган барча қуйи тизимларнинг “инсон ҳуқуқлари” тоифасига кирувчи омилларни акс эттиради ва бевосита таъсир қилади. Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий шароитда жамият, ижтимоий гуруҳлар ва шахснинг ҳуқуқий-сиёсий маданиятини инсон ҳуқуқлари концептидан айро ҳолда кўриб чиқиши мумкин эмас. Шу билан бирга, методологик ва амалий нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари маданияти ва сиёсий маданият ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Гуманитар ва ижтимоий фанлар доирасида замонавий олимларнинг аксарияти сиёсий маданиятни маънавий маданиятнинг бир қисми, деб ҳисоблашади. Масалан, Россиялик олим Н.А.Барановнинг таъкидлашича: *“...одамларнинг маънавий маданиятининг бир қисми бўлиб, у иккинчисининг ижтимоий-сиёсий институтлар ва сиёсий*

*жараёнлар билан боғлиқ бўлган элементларини ўз ичига олади, натижада жамиятдаги умумий маданий муаммолар замонавий сиёсий маданиятнинг шаклланишига таъсир қилади*”<sup>79</sup>.

Г.Тавадов эса ўз навбатида: *“Сиёсий маданият жамият маънавий маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланиб, унинг бошқа соҳалари билан ...ҳуқуқий маданият, ахлоқ, мафкура билан узвий боғлиқ ҳолда тараққий этади*”<sup>80</sup>, дея таъкидлайди.

Сиёсий маданият ҳуқуқий маданиятдан кам бўлмаган мураккаблик тоифасига эга категориядир. У шахс, ижтимоий гуруҳлар ва жамият ижтимоий ҳаётининг сиёсий соҳасидаги фаолиятини акс эттирадиган маънавий маданият қатламидир. Маданият назарияси нуқтаи назаридан уни *“сиёсий фаолиятнинг юқори даражадаги цивилизацияси, сиёсий ҳаракат ва сиёсий муносабатларда маданий қадриятларни амалга ошириш, сиёсат соҳасида ҳақиқий демократлаштириш*”<sup>81</sup>, дея тушуниш мумкин. Ушбу тадқиқотнинг умумий концепциясида сиёсий маданият элементларнинг мураккаб ички ва ташқи муҳит билан ўзаро алоқалар сифатида тавсифланиб, уни маънавий маданият метасистемаси бўлган бошқа кўп ўлчовли ва кўп функционал тамонларини очишга ҳаракат қилинган.

Замонавий хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ҳозирги кунгача сиёсий маданият тушунчаси, моҳияти ва унинг таркибий қисмларига оид асосий методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган. Бироқ, бу мавзуга тегишли илм-фан соҳасида кўплаб саволлар ўрганилмаган ва ҳатто ҳал қилинмай қолмоқда. Ушбу масалаларга сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти ўртасидаги алоқадорлик ва муносабатлар ҳам киради.

Шу билан бирга, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунослар сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлигининг турли жиҳатларини кўриб чиқишган. Масалан, М.Марченко ҳуқуқий маданиятни умумий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тавсифлаб, жуда ўринли равишда: *“Органик равишда боғланган ва умумий маданиятнинг сиёсий ва бошқа кўринишлари билан ўзаро алоқада бўлгани ҳолда, ҳуқуқий маданият жамиятнинг ҳуқуқий тараққиёт даражаси ва ҳуқуқий ҳолати, шунингдек, тайёрлик даражаси кўрсаткичи сифатида намоён бўлади. Жамият ва унинг аъзоларини ривожлантириш ва янги ҳуқуқий концепция, гоялар, кўникма ва қобилиятларни идрок этиш, янги,*

<sup>79</sup> Баранов Н.А. Политическая культура России: традиции и современность // Труды Санкт-Петербургского государственного университета культуры и искусства. 2015. Т. 28. –С. 203–204.

<sup>80</sup> Тавадов Г.Т. Политология: учебное пособие. –м.: Фаир-Пресс, 2000. –С.202. (416 с.)

<sup>81</sup> Теория культуры: учебное пособие / под ред. С.Н.Иконниковой, В.П. Большакова. –СПб.: Питер, 2008. –С. 203. (592 с.).



*прогрессив ҳуқуқий йўналишларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун замин яратади*”<sup>82</sup>, дея таъкидлайди.

Бошқа бир тадқиқотчи олим В.Зимин сиёсий маданиятни маълум бир жамият умумий маданиятининг алоҳида қисми сифатида кўриб<sup>83</sup>, шу билан бирга, унинг хусусиятларини, бошқа омиллар қатори “ҳуқуқий нигилизм”ни англатади ва, шу билан, сиёсий маданиятнинг жамиятда шаклланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқлигини алоҳида эътироф этади.

Шуни ҳам таъкидлаш керак-ки, сиёсий маданиятнинг ўзи, ижтимоий ҳаётнинг бир ҳодисаси сифатида, янада чуқурроқ тушунишга эҳтиёж мавжуд. Бундан ташқари, замонавий сиёсатшунослар сиёсий назарияни тубдан модернизация қилиш зарурлигини тобора кўпроқ таъкидлашаётгани ҳолда, мавжуд назарий концепциялар ХХІ асрда шаклланган мутлақо янги ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларни акс эттира олмаётгани билан ҳам изоҳланади. А.Шатилов ва Р.Кобицкой таърифига кўра: “...замонавий сиёсатшунослик ўзининг назарий ва амалий базасини мустаҳкамлаш, ўтмиш догматикасига ёндашувларни янгилаш ва ҳозирги ва келажакни таҳлил қилишда янги ёндашувларни шакллантиришни талаб қилмоқда”<sup>84</sup>. Бу борада инсон ҳуқуқлари маданияти ҳам назарда тутилгани ҳолда, мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданияти қанчалик тараққий этса жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигига шунчалик таъсир қилишини эътироф этишимиз лозим.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси жамият ҳаётининг барча соҳалари гуманизациясини акс эттиргани ҳолда демократик янгилаш мафкураси ва амалиётининг ядроси бўлиши талаб этилади. Сиёсий онгнинг демократик тури инсонпарвар ғоялар, шу жумладан, шахс кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларга ҳурмат ғояларига риоя қилишни назарда тутди. Ҳар қандай мамлакатнинг фаровонлиги фуқароларнинг ўз позициясига, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаолиятига, ўз ватани тақдири ва уларнинг авлодлари келажакни таъминлашдаги масъулиятига бевосита боғлиқдир. Шунингдек, мазкур ҳолатда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олиш, ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича асосий мажбуриятни бажаришга қаратилган давлат сиёсати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

<sup>82</sup> Марченко М.Н. Правовая культура как социологическая категория // Вестник Московского университета. Серия 11: Право. 2013. № 2. –С. 57. (45–61.)

<sup>83</sup> Зимин В.А. Состояние и развитие политической культуры российского общества // Сборники конференций НИЦ «Социосфера». 2016. № 8. –С. 107. (102–108.)

<sup>84</sup> Шатилов А.Б., Кобицкой Р.А. Четыре уровня постижения политики: новые подходы к анализу современных политических процессов // Наука и образование: хозяйство и экономика; предпринимательство; право и управление. 2016. № 4 (71). –С. 117.

Аксарият замонавий сиёсатшуносларнинг фикрига кўра, сиёсий маданият нафақат сиёсий кадриятларга, балки “кадрият-меъёрий мажмуалар”га ҳам асосланади. Масалан, О.Гаман-Голутвина таъкидлашича, сиёсий маданиятнинг тузилишини унинг учта таркибий элементлари: когнитив-эмоционал, кадрият-меъёрий ва фаолият бирлиги кабилар орқали ифодалаш мумкин<sup>85</sup>. Шу билан бирга, унинг ядроси аниқ кадрият-меъёрий компоненти – сиёсий хатти-ҳаракатлар ва умуман сиёсий муносабатларни тартибга солувчи сиёсий-мафкуравий кадрият ва меъёрлар тизими ташкил этади. Шунга яқин позицияни Н.Исмайылов ва С.Юсифовлар эътироф этишади: “...сиёсий маданият – бу аксарият аҳоли томонидан қабул қилинган асосий сиёсий кадриятлар ва идеалларнинг меъёрий тизими бўлиб, у субъектларнинг аниқ сиёсий-ҳуқуқий билим, сиёсий ва ижтимоий ишонч омилларига асосланади”<sup>86</sup>.

Агарда “инсон ҳуқуқлари”ни сиёсий маданият назарияси доирасида таҳлил қиладиган бўлсак, у инсоннинг умум билим даражаси, дунёқараши, ахлоқ-одоби билан узвий боғлиқликда шаклланади, дейиш мумкин. Сиёсий маданият ўз холича жамиятдан ташқарида, ёки умуммаданиятдан узилган ҳолда бўла олмайди. Сиёсий маданият, бу одамлар ва жамоалар, синфлар ва сиёсий фирқаларнинг аниқ мақсадга онгли интилиши, мақсад ва моҳиятини чуқур тушуниши, эҳтиросга берилмай тараққий этишини таъминловчи муҳим омилдир. Сиёсий маданият жамият, давлат ва одамлар ўртасидаги одоб-ахлоқ, кадриятлар ва қоидалар асосидаги муносабатлар кўриниши ҳамдир. Сиёсий маданият ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, сиёсий онгнинг даражаси, ҳуқуқий билим кўникмалари, сиёсий мафкуранинг моҳияти, сиёсий руҳиятнинг сифат мазмуни ҳамда сиёсий хулқ-атворнинг мураккаб таркибини теран равишда таҳлил қилиш керак бўлади. Чунки улар ўртасидаги диалектик бирлик сиёсий маданият амалиётининг муштарак қонунияти мазмунини ташкил этади.

Сиёсий маданият ижтимоий-иқтисодий тенгсизлик вужудга келиб, синфий жамият ташкил топгандан кейин шакллана бошлайди ва амал қилади. Лекин, у тўла тан олинмагани ҳолда, объектив зарурият сифатида амал қилар эди, чунки унинг туб табиатини инсон ва инсоният умумий маданияти, иқтисодиёт, сиёсий жараёнлари, ижтимоий муносабатлари, маънавий-ахлоқий кадриятларидан ажратиб англаб бўлмайди.

<sup>85</sup> Гаман-Голутвина О.В. Политическая культура как компонент культуры //Теоретическая культурология. М.: Академический проект, Екатеринбург: Деловая книга, РИК, 2005. 624 с. –С. 182

<sup>86</sup> Исмайылов Н.И., Юсифова С.Ф. Политическая культура как составная часть общей культуры // Актуальные вопросы общественных наук: социология, политология, философия, история. 2016. № 61. – С. 2–26.

Сиёсий маданият категорияси илмий муомалага XVIII асрда немис файласуфи И.Гердер<sup>87</sup> томонидан таклиф қилинган бўлиб, ҳозирги замон сиёсатшунослигида уни концептуал асосларини америкалик назариётчи олим Х.Файнер ўзининг 1956 йилда ёзган “Европанинг буюк давлатлари бошқарув тизими”<sup>88</sup> номли китобида очиб берган. Кейинчалик Г.Алмонд ва С.Верба фанга “фуқаролик маданияти”<sup>89</sup> тушунчасини таклиф қилишади.

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётини англаш унинг сиёсий маданиятини ҳар тарафлама ўрганиш орқалигина эришилади. Фақат шу омиллар асосида сиёсий тизимнинг манбаи, характери ва ўзига хос хусусиятларини, жамиятда ҳукмронлик қилаётган сиёсий тартибот, ижтимоий гуруҳларнинг хатти-ҳаракати ва сиёсий онги, ҳуқуқий тизими ва ҳаракати ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Сиёсий маданият инсонлар хулқ-атвори ва турли ташкилотларнинг фаолиятига таъсир кўрсатади, уларнинг ички ва ташқи ҳодисаларни идрок этиш, сиёсий тизим ва тартиботларга, ҳукмрон гуруҳ ва алоҳида сиёсий раҳбарлар фаолиятига, шахснинг жамият сиёсий ҳаётида тутган ўрнига баҳо беришда асосий мезон ҳисобланади. У сиёсий йўлни ишлаб чиқиш, аниқ сиёсий-бошқарув қарорларини қабул қилиш ва рўёбга чиқариш учун кенг истиқбол йўллари очиб беради.

Шундай қилиб, сиёсий маданият – ижтимоий ҳаётнинг мураккаб илмий категорияси ва ҳодисасидир. У ўзаро таъсир қиладиган кўплаб хилма-хил элементлардан ташкил топган кўп қиррали тизимдир. Унинг ўзига хослиги шунда-ки, феноменнинг ўзи сиёсий тизимнинг муҳим элементи бўлиб, давлат ва жамиятдаги сиёсий-ҳокимият муносабатлари моҳиятини акс эттиради. Шунинг учун *сиёсий маданият маънавий маданиятнинг ўзига хос тури сифатида таърифланиши асосида, у сиёсий соҳанинг ривожланишини акс эттирувчи, давлат ва жамият, айрим ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг сиёсий фаолиятига воситачилик қиладиган сиёсий қадриятларнинг мураккаб тизими, дейишимиз мумкин.*

Маълум социумда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, давлат сиёсий тизимига ҳам боқлиқдир. Сиёсий тизим принциплари давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини, ҳуқуқнинг бутун ички тузилишини, мазмунини қамраб олади ҳамда бошқа ижтимоий тизимлар билан ўзаро муносабатига фаол таъсир кўрсатади. Улар сиёсий тизимга мазмун бахш

---

<sup>87</sup> Гердер Т. И. Идеи к философии истории человечества. М.: Наука, 1977. С. 101.

<sup>88</sup> Антология мировой политической мысли: В 5 т. М., 1997. Т. 2. С. 595.



<sup>89</sup> Гражданская культура и стабильность демократии // URL: [http://www.civisbook.ru/files/File/1992-4-Almond\\_Verba.pdf](http://www.civisbook.ru/files/File/1992-4-Almond_Verba.pdf)

этади, уни муайян мақсад сари йўналтиради. Шу маънода, сиёсий тизим принципларини таъсирчан сиёсий воқелик, фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига хизмат қилувчи сиёсий-ҳуқуқий омил сифатида эътироф этиш мумкин.

### 1.2 – Жадвал.

#### Демократик тизимнинг асосий тамойиллари

## ДЕМОКРАТИК СИЁСИЙ ТИЗИМНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ



### 1.3 – Жадвал.

#### Демократик тизим тамойиллари таърифи

Халқ ҳокимиятчилиги тамойили	<p>Замонавий шароитда халқ ҳокимияти – аввало, вакиллик демократияси ҳисобланади. Халқ ўзининг ҳокимият ваколатларини давлат бошқарувининг тегишли органлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига беради. Айни пайтда ўзи сайлаган сиёсий ҳокимиятга итоат этиш мажбуриятини зиммасига олади.</p> <p>Сиёсий тизимнинг асосий элементлари бўлган давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари халқ ҳокимиятини амалга ошириш тармоқлари ҳисобланади. Бу борада давлат ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. мамлакатимизда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб, конституция ва қонунлар ваколат берган идоралар томонидан амалга оширилади.</p>
------------------------------------	--

<p>Қонун устунлиги тамойили</p>	<p>конституция ва қонун устунлиги нафақат давлат қурилишининг, балки бутун сиёсий тизим амал қилишининг асосий принципи ҳисобланади. Демократик давлатда конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Қонунийликнинг талаби шуки, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар ва фуқаролар фақатгина Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ иш кўриши талаб этилади.</p> <p>Қонунлар ҳар бир ҳуқуқ субъекти учун олий қадрият бўлиши лозим. Бунга эришиш учун конституция ва қонунлар демократия руҳида, замонавий шароит ва эҳтиёжларга жавоб берадиган бўлиши керак.</p>
<p>Инсонпарварлик тамойили</p>	<p>Адабиётларда кўпинча «гуманизм» ибораси орқали англантиладиган тамойил аслида инсонпарварлик маъносини билдиради. Бу принципнинг моҳияти, туб луғавий маъноси «инсонни севиш»дир. Демократик тизимда қадриятлар кетма-кетлиги қуйидагича «инсон–жамият–давлат» шаклида ривожланади. Демак, биринчи ўринга инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, манфаатлари қўйилган. Шахснинг ҳуқуқларини, кадр-қимматини ҳурмат қилиш, унинг эркин ривожланиши учун шароит яратиб бериш давлат, унинг барча идоралари ва мансабдор шахсларнинг асосий бурчи ҳисобланади.</p>
<p>Инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили</p>	<p>Инсон ҳуқуқлари устуворлиги – халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган тамойил ҳисобланади. Ўзбекистон Конституциясида ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро масъуллиги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шу боис, сиёсий тизим субъектлари ҳам шахсни конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар соҳиби</p>

	сифатида сиёсий-ҳуқуқий муносабатларнинг тенг иштирокчиси деб тан олади ва инсон ҳуқуқларининг таъминланишига устувор аҳамият қаратади.
Ижтимоий адолат таъминли	Бу таъминли инсонлар ўртасидаги муносабатлар адолатли бўлишини назарда тутди. Амалга ошириладиган ижтимоий сиёсат ва аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларига аниқ йўналтирилган ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чораларининг бош мақсади ҳам ижтимоий адолат бўлиши даркор. Ижтимоий адолат инсоннинг атрофда юз бераётган ҳодисаларга муносабатини акс эттиради. Ижтимоий адолат гуманистик ғояларга асосланиб, воқеликка инсоф-диёнат билан ёндашишни, холисликни, демократик муносабатни ўзида ифодалайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, сиёсий маданиятнинг асосий элементларидан бири бу *сиёсий онг*дир. Айнан у орқали сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятининг энг яқин алоқаси ва ўзаро таъсирини кузатиш мумкин. Таҳлилларга асосан, инсон ҳуқуқлари маданияти маънавий маданиятнинг бошқа қатламларида, шу жумладан, сиёсий маданиятда “инсон ҳуқуқлари” тоифасини акс эттиради. Замонавий сиёсий маданиятнинг юқори даражаси инсон ҳуқуқлари ғояси билан ҳамоҳанг тарзда келадиган эркинлик ва адолат каби сиёсий қадриятлар ривожиди ўз аксини топади. Инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш, шахслар ва ижтимоий гуруҳларни сиёсий соҳада, жумладан, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда чоралар кўришга ундайди. Бу, айниқса, сиёсий онгнинг демократик турида яққол намоён бўлади.

Шунингдек, фанда ҳуқуқий эстетика тушунчаси ҳам бор. “Ҳуқуқий эстетика – бу ҳуқуқшунослик фаолиятининг ташқи томонига кўрсатиладиган талаблар ва ҳуқуқий ишни ижобий ҳал этишда уларнинг роли ҳақидаги билимлар тизимидир”<sup>90</sup>. Ҳуқуқий эстетика талаблари ҳуқуқ тартибот идоралари ходими фаолиятининг барча соҳаларига тааллуқлидир. Улар суд-ҳуқуқ тизими ходимлари ишини самарали ва юксак таъминланиши, унинг юқори маданияти, қулай иш шароитларини яратилишига ёрдамлашади.

<sup>90</sup> Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. —Б. 164. ( 304 б.)

Шундай қилиб, сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти ўзаро таъсир доирасига эга. Уларнинг ўзаро муносабати ҳам индивидуал элементларнинг ўхшашлигида, ҳамда фарқларида намоён бўлади. Уларни бирлаштирувчи хусусиятлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Иккала категория ҳам маънавий маданиятнинг таркибий элементлари бўлиб, юқорида айтиб ўтилганидек, маълум бир шахс ва умуман жамиятнинг маънавий ривожланишига таъсир қилиб, қадрият муносабатлари ва дунёқарашининг ўзгаришига олиб келади.

2. тушунчалар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини баҳолаш билан бевосита боғлиқ тизимга эга бўлиб, давлат (ҳокимият) ва шахс ўртасидаги муносабатларга алоҳида эътибор қаратади. Шахс ва фуқаронинг давлат томонидан қафолатланган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари инсоннинг якка ёки биргаликда давлат ҳокимиятини амалга оширишда ва барча сиёсий жараёнларда иштирок этиш, яъни сиёсатда ўзини намоён қилиш имкониятларини ифодалайди. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятимизда юқори қадрият сифатида тан олинганлиги ва унинг сиёсий жараёнларнинг асоси бўлганлиги боис, сиёсий маданият ҳам шахс, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамиятнинг ушбу қадриятга муносабатини, уни қўллаб-қувватлаши ёки аксинча, инкор этишини акс эттиради.

3. Иккала феномен ҳам ўзаро боғлиқликдаги кўп даражали тузилишга эга элементлар тизимини ифодалайди. Шу билан бирга, умумий элементлар сифатида ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисида билим ва ғоялар ҳисобланади, дейиш мумкин. Демократик сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданиятини ўзаро боғлашда бундай умумий жиҳатлар, биринчи навбатда аксиологик элементлар жамият тараққиёти билан ҳамоҳанг равишда ривожланиб боради.

Албатта, сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти илмий категория сифатида ўзига хос фарқли жиҳатларга ҳам эга. Булар сирасига:

*биринчидан*, сиёсий маданият бу биринчи навбатда сийёсатшунослик доирасида кўриб чиқиладиган категориядир, аммо замонавий сийёсатшунослик сиёсий психология, сиёсий аксиология ва ҳуқуқий категориал тушунчаларни ҳам ўз ичига олади. Бироқ, сиёсий маданият биринчи навбатда инсон, ижтимоий гуруҳлар ва жамиятнинг сиёсий соҳага, ҳокимият шаклларига бўлган муносабатини акс эттиради, бу албатта уни ҳуқуқий маданиятга яқинлаштиради. Инсон ҳуқуқлари маданияти умуман маънавий ҳаётнинг ҳолатини акс эттирувчи, унинг турли таркибий қисмларини ўз ичига оладиган янада мураккаб тушунча

ҳисобланади. Шунинг учун уни тадқиқ этишда фанлараро илмий ёндашув талаб этилади;

*иккинчидан*, инсон ҳуқуқлари маданияти инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг мутлақо барча жиҳатлари ва жабҳаларини изоҳлаш билан боғлиқ бўлса, сиёсий маданият инсон ҳуқуқларини сиёсат соҳасида амалга оширилишини баҳолаш ва инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш ғоясини мафкуравий жараёнларда акс эттириш билан чекланади;

*учинчидан*, иккала илмий категория ҳам ҳокимият ва шахснинг ўзаро таъсирлашув муносабатини акс эттиришига қарамай, сиёсий маданият турли хил сиёсий ҳодисалар ва жараёнларга муносабатни шакллантиришда ўзгача йўсунда кечади. Шундай қилиб, сиёсий маданият ва инсон ҳуқуқлари маданияти маънавий маданият тизимидаги мураккаб тизимларни ташкил этади. Улар умумий хусусиятлар ҳамда ўзаро бир-бирига таъсир қилиш механизмларга эга. Инсон ҳуқуқлари маданияти сиёсий маданиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини алоҳида кадрият сифатида акс эттиради.

Инсон ҳуқуқлари ижтимоий институтларнинг, анъанавий амалиётлар, сиёсий қарорларнинг ахлоқий баҳолалиши учун фойдаланиладиган ижтимоий ахлоқнинг марказий категорияларидан бири ҳисобланади. У асосий халқаро ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларда (давлатлар конституциялари ва халқаро ташкилотлар низомларида) ўз аксини топиб, халқаро ва миллий даражадаги замонавий сиёсий риториканинг муҳим воситасига айланган, дейиш мумкин. Инсон ҳуқуқлари ғояси турли халқлар ва маданиятларнинг кўп асрлик ахлоқий тажрибасига асосланганига қарамай, бугунги кунда уларни амалга оширишда бир қатор жиддий қийинчиликларга дуч келинмоқда. Уларнинг инсон ҳуқуқлари ғоясини рад этиши ёки турли чеклов принциплари муайян даражадаги сиёсий ихтилофларга ҳам олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида инсон ҳуқуқлари концепциясини маданиятлараро мулоқот контекстда таҳлил қилишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларининг умуминсоний кадрият сифатидаги аҳамияти ошгани сари, инсон ҳуқуқлари таълими масаласига ҳам нафақат миллий даражада, балки халқаро миқёсда ҳам катта эътибор қаратила бошланди. Айниқса, 1993 йили Вена шаҳрида бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференцияси ва унинг натижалари бўйича қабул қилинган Вена ҳаракат режаси, БМТ томонидан 1995-2004 йилларни инсон ҳуқуқлари таълимининг ўн йиллиги, 2008 йили Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул



қилинганлигини кенг миқёсда нишонланиши, БМТ томонидан 2009 йил – Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим халқаро йили деб деб эълон қилиши ҳамда бу соҳада халқаро ва миллий миқёсларда олиб борилган чоратадбирлар бунинг исботидир<sup>91</sup>.

Халқаро ҳуқуқ устуворлигини эътироф этган ва халқаро ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этувчи суверен мамлакатимиз ҳам мазкур глобал жараёнларда фаол иштирок этиб келмоқда. Жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимнинг мавжудлигига, яъни “билим ва кўникмаларни сингдириш орқали” инсон ҳуқуқлари умумжаҳон маданиятини яратиш ва фаол позицияни шакллантириш учун амалга оширилмоқда.

Жумладан, “ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga кўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларни тақдим этиб келмоқда. Бундан ташқари, миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий стандартлар билан уйғунлаштириш бўйича амалий чоратадбирлар кўрилмоқда”<sup>92</sup>.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни самарали ва ўз вақтида амалга ошириш мақсадида 2020 йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди<sup>93</sup>.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада

<sup>91</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими / муаллифлар жамоаси: А.Х.Саидов, Ф.Х.Бакаева, К.Ш.Арсланова ва бошқ: масъул муҳаррир А.Х.Саидов. –Т.: “O’zbekiston”, 2010 -Б.287

<sup>92</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази // <http://www.insonnuquqlari.uz/>

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4872355>

мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади. Мазкур барча ислоҳотлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига, жамият тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## **I боб бўйича хулоса**

Инсон ҳуқуқлари категорияси узоқ тарихий эволюция асосида шаклланиб, янги жиҳат ва компонентлар билан бойиб борди. Мазкур феномен нафақат давлат ҳуқуқий тизимини тартибга солишда, балки ҳокимият легитимлиги, жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шулар асосида айрим жиҳатларни қайд этиш лозим:

1) Мазкур масала юзасидан кўплаб тадқиқотлар ўтказилганига қарамаздан, ҳозирги вақтгача инсон ҳуқуқлари концепциясининг ягона таърифи мавжуд эмас. Бу ҳолат назарий жиҳатдан ҳам, категорияни янада ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилини ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этишни қийинлаштирмоқда.

2) Инсон ҳуқуқлари феномени асосан табиий-ҳуқуқий (шахсий ҳуқуқлар), позитивизм (сиёсий ҳуқуқлар) ва марксизм (ижтимоий-иқтисодий ва жамоавий ҳуқуқлар) назарияларининг шаклланиши ва ривожини билан чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, инсон ҳуқуқлари назариясининг кейинги тараққиёти бевосита ҳуқуқ ҳақидаги муайян қарашларнинг ривожланишига, унинг моҳиятини талқин қилишга боғлиқ бўлиб келган.

3) Инсон ҳуқуқлари аксиологик жиҳатдан ўзининг универсаллиги билан бирга, айрим миллий ва ментал хусусиятларга ҳам эгадир. Ижтимоий ўзгаришлар сабаб инсон ҳуқуқлари концепцияси такомиллашиб, замонавий элементлар билан бойиб борди. Бугунги сиёсий тизим, давлат ва жамият бошқарувини инсон ҳуқуқлари устуворлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

4) Ишлаб чиқариш ва хўжалик муносабатларининг ривожини билан боғлиқ тенденциялар (иқтисодий базис) ва сиёсий тафаккурнинг тараққиёти асосида инсон ҳуқуқлари институти ҳам нотекст ривожланиб келди. У асосан дунё мамлакатларининг турли сиёсий моделларга асосланиши ва цивилизациявий фарқ омиллари билан боғлиқ ҳолда кечамокда.

5) Инсон ҳуқуқлари омили сиёсий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида ҳуқуқий саводхонлик, сиёсий фаоллик, ғоявий ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шахснинг социализацияси ва жамият ҳаётига интеграциясини таъминлагани ҳолда жамоатчилик назорати функцияларини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида мазкур категориянинг илмий апаратини янада кучайтириш ва ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этиш жараёнларини такомиллаштиришни талаб этади.

## **II БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ОМИЛИ: МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ**

### **2.1§ Замоनावий ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий муносабатлар тизимида инсон ҳуқуқларининг ўрни**

Ижтимоий жараёнларни ўрганишга тарихий-ҳуқуқий ёндашувнинг аксиомаси – бу ижтимоий ҳаётнинг бирон бир ҳодисаси, қанчалик содда ёки ўзига хос кўринмасин, бошқа аниқ ижтимоий ҳодисалар билан алоқаси ва муносабатларидан ташқарида мавжуд бўла олмаслигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, у ёки бу ҳодиса хусусиятларининг ҳақиқий табиати фақат бошқа омиллар билан ўзаро боғлиқликда намоён бўлади. Шунинг учун ижтимоий ҳодисанинг моҳиятини тушуниш учун тегишли алоқалар ва муносабатларнинг бутун мажмуини ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш зарурдир.

Ушбу ёндашув инсон ҳуқуқлари муаммосини тадқиқ этишда ягона тўғри йўналиш, дейиш мумкин. Чунки инсоннинг борлигини унинг ижтимоий алоқалари ва муносабатларининг хилма-хиллигидан ташқарида тасаввур этиб бўлмайди. Бу инсонлар, ижтимоий гуруҳлар ва бутун жамиятнинг мураккаб ижтимоий-сиёсий шакли сифатида намоён бўлади. Ахир, ҳақиқий ижтимоий имкониятлар (ижтимоий субъектлар учун) ҳар доим ҳам ижтимоий организм томонидан бирлаштирилиб, унинг барча хусусиятларининг бирлиги ва шу билан боғлиқ равишда замонавий жамият ҳаётидаги таъсирини ўз ичига олган давлат, ҳуқуқ, сиёсий партиялар, мафкуравий таълимотлар ва бошқаларни қамраб олади. Фақат шу сабабга кўра инсоннинг ҳақиқий ижтимоий ҳуқуқлари (имкониятлари) мавжудлиги, шунингдек, уларнинг назарий тушунчаларини сиёсий ҳодисалар ва жараёнлардан ташқарида идрок қилиш мумкин эмас.

Шу муносабат билан инсон ҳуқуқларини сиёсий ва ғоявий бўлмаган концепция сифатида кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари ва сиёсий ҳодисалар ўртасидаги муносабатни инкор этиш методологик жиҳатдан номувофик, дейиш мумкин. Ҳақиқат шундан иборат-ки, инсон сиёсий тизим билан, сиёсий мафкура билан, сиёсий жараёнлар билан ёки умумий айтганда, сиёсат билан минглаб иплар орқали боғланади. табиийки, инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал қилиш сиёсий партиялар фаолияти билан, давлатнинг фаол роли ва масъулияти билан, табиати бўйича демократия ва ҳуқуқ тизимларининг ишлаши билан ва ҳоказолар билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, сиёсат ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган биринчи

хулоса шундан иборатки, фақатгина унинг мавжудлиги ёки бошқа йўл билан унинг ажралмас атрибутлари воситасида бўлганлар – сиёсий тизим, сиёсий мафкура, сиёсий амалиётда яққол ўз аксини топади. Бу борада имкониятлар жуда катта бўлиб, ҳукмрон сиёсий партиялар ёки давлатнинг инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал қилиш йўллари танилашда, мақсадларни, устувор йўналишларни ва тегишли воситаларни белгилашда долзарблигини янада оширади.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси объектив, генетик жиҳатдан сиёсий таркибга хосдир. Айтиш мумкинки, шунинг учун инсон ҳуқуқлари фақатгина инсон ҳуқуқлари ҳақида ижтимоий-субъектив ғоялар, қарашлар, назариялар ва уларга асосланган сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳ.к.лар мавжуд деган маънода талқин қилиниши мумкин эмас. Ғоялар ва меъёрлар турли хил ижтимоий қатламларга, гуруҳларга, синфларга, миллатларга ва бошқаларга мансуб бўлган одамларнинг доимий ўзгариб боровчи ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини (кенг маънода инсон ҳуқуқлари муаммосини) қондиришнинг объектив мавжуд муаммоларини ифодалаши лозим. Демак, инсон ҳуқуқлари муаммосини ижтимоий-қадрият, ижтимоий-синфий талқин қилишнинг муқаррарлиги ва уни ҳал қилиш йўллари, айнан мафкуралашган ва сиёсийлаштирилган “инсон ҳуқуқлари” тушунчасини пайдо қилади.

Шу билан бирга, қайд этилган назарий ёндашув ҳеч қандай тарзда шахснинг ҳуқуқий мақомининг барча масалалари бўйича шартсиз, доимий қарама-қаршилиқни назарда тутмайди ва бундан ҳам камроғи бу синфий ёндашувни мутлақлаштиришни англатмайди. Аксинча, замонавий дунёдаги сиёсий интилишлар ва сиёсий кучлар бир-бирига боғлиқ бўлиб, сиёсий даъволар ва амбицияларнинг мумкин бўлган экстремал кўринишини ҳисобга олган ҳолда, бугунги кунда беқарорлигининг ўта хавфли таҳдиди ривожланишида ва тан олинмишида зарурдир. Иккинчидан, саволнинг ушбу тариқа шаклланиши инсон ҳуқуқлари муаммоси тўлиқ ва бутунлай сиёсатга айланганлигини англатмайди. Инсон ҳуқуқлари муаммоси, албатта, ахлоқ, фалсафа, мафкура ва динга чуқур кириб борадиган, ўзига хос “овоз”га эга феномендир. Шунга қарамай, ушбу муаммонинг долзарб сиёсий моҳияти унинг мазмунининг энг муҳим ва аниқ элементи ҳисобланади.

Сиёсат ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатларнинг моҳиятини таҳлил қилар эканмиз, амалий-татбиқий жиҳатдан, масала инсон ҳуқуқлари устуворлиги муаммоси билан боғлиқ бўлиб, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, давлат бошқарув тизими ҳамда фуқаролар сиёсий фаоллиги асносида тараққий этади. Муаммонинг у ёки бу усули объектив равишда мавжуд бўлиб, аниқ

тарихий шаклларда намоён бўлади. Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишнинг турли усуллари мавжуд. Аммо, агар инсон ҳуқуқларининг моҳиятан глобал муаммоларнинг у ёки бу жиҳатлари амалий ва жиддий равишда ҳал этилса, катта ижтимоий гуруҳлар, шунингдек, уларнинг манфаатларини ифода этувчи ташкилотлар ва бошқаларнинг фаолиятига таъсир қилмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари амалиёти ёки назариясига кўра ҳар қандай масаласи бевосита ёки билвосита, одатда чуқур сиёсий мазмундаги умумий масалалар қанчалик ҳал қилинишига боғлиқ. Масалан, мансабдор шахслар, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш учун инсоннинг шахсий (сиёсий бўлмаган) ҳуқуқини амалга оширишнинг моҳияти тўғридан-тўғри давлат ҳуқуқий амалиётида, мамлакатнинг сиёсий ҳаёти, суд ҳокимиятининг ижро ҳокимиятидан принципал мустақиллиги, суднинг жамиятдаги ваколати ва роли қандай эканлиги каби сиёсий индикаторлар билан баҳоланади. Буни янада кўпроқ инсоннинг меҳнат ҳуқуқи билан боғлаш ҳам мумкин, чунки буни ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқни амалга ошириш учун давлат ва жамиятнинг ижтимоий-сиёсий жавобгарлиги тамойилини тўғри йўлга қўймасдан туриб қўллаш мумкин эмас. Ушбу принципнинг сиёсий амалиётда ўз-ўзидан ишлаши фақат жамиятдаги сиёсий кучларнинг мувофиқлашуви билан мумкин бўлади, бу одатда, инсонлар ўз меҳнат ҳуқуқлари учун олиб борган жиддий сиёсий курашлари натижаси ҳисобланади.

Шартли равишда шуни таъкидлаш мумкинки, эҳтимол инсон ҳуқуқлари учун носиёсий ва номафкуравий шакллантириш уларнинг мавжудлиги ва амалга оширилишининг энг яхши вариантларидан бири бўлиши мумкин. Чунки улар мазкур ҳолатда бундай беқарор, зиддиятли ва баъзида очикдан-очик салбий омилларнинг таъсиридан “ажралиб туриши” имкониятига эга бўлишади. Бироқ, бу ҳолатни метафизикани англамасдан туриб ҳам назарий жиҳатдан (ўзига хос гипотетик вазият сифатида) қуриш мумкин эмас. Масалан, *“Инсон ҳуқуқлари, уларнинг мавжудлиги ва амалга оширилиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларга боғлиқми?”* – деган мазмунда ўзига савол беради, америкалик файласуф А.Гевирз ва унга ижобий жавоб бериб, илгари, ушбу тан олинган тамойиллар

бўлмаганида эди унинг (инсон ҳуқуқлари) мавжуд бўлиши мумкин эмас эдидея, мантиқий ҳулосага келади<sup>94</sup>.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлидаги сиёсий курсни амалга ошириш жараёнида энг жиддий хавф, уни фақат расмий шаклини ҳақиқий имконият деб ҳисоблаш бўлади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий давлат жавоб бериши керак бўлган энг умумий талаблар сифатида қуйидагиларни таснифлаш мумкин:

- фуқаролар асосий ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолати, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун самарали ишлайдиган, содда ва ошқора бўлган юридик механизмнинг мавжудлиги;

- қонунчиликнинг барча синфлар ва ижтимоий қатламларнинг энг муҳим манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамиятдаги ахлоқий-психологик вазиятига мувофиқлиги;

- долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий жараёни контекстида қонунчиликнинг органик равишда такомиллашуви;

- конституция ва амалдаги қонунчиликнинг қонуности ҳужжатларига нисбатан устуворлиги, ҳуқуқнинг мутлоқ устуворлиги;

- қонун ҳужжатлари барқарорлиги ва динамизмининг диалектик бирикмаси;

- фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун амалий демократик процедураларнинг мавжудлиги;

- жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш;

- давлатнинг қонун ижодкорлиги, ташкилий, мафкуравий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бирлиги;

- сиёсий, давлат ва ижтимоий тизимнинг барча даражаларида ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги зиддиятли ва низоли вазиятларни ҳал қилишнинг мукамал ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги;

- давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари ходимларининг касбий ва маънавий етуклиги, уларнинг касбий вазифаларини сифатли бажаришга интилиши;

- мамлакат фуқароларининг юқори ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданияти.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда ҳам қонун ижодкорлиги ва умуман сиёсий фаолиятни, авваламбор, қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда, адолатсиз,

---

<sup>94</sup> Gewirth Alan. The Basis and Content of human Rights н human Rights Nomos. –N.Y.: New York University Press. 1981. –P. 121.

шахсларнинг хошиш-иродаси ва қобилиятига боғлиқ бўлмаган, одамларнинг ҳақиқий тенгсизлигини ҳисобга олиш зарур<sup>95</sup>.

Шундай қилиб, ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш орқали шахс ҳуқуқлари муаммосини ҳар томонлама ва изчил бартараф этиш учун муҳим имкониятларни яратиш мумкинлиги ҳақидаги тезисни тан олган ҳолда, ушбу имкониятлар фақат тегишли сиёсий ҳаётни амалга ошириш орқали яратилишини унутмаслик керак. Бундай таъсирнинг табиати, унинг самарадорлиги тахминан бир хил ижтимоий-иқтисодий шароитларда турлича бўлиши ҳам мумкин. Шундай ҳолда, маълум бир ижтимоий ҳақиқатдан келиб чиқиш муҳимдир, чунки ҳар қандай индивидуал ҳуқуқ мақсадга мувофиқ бошқариш фақат энг кенг ижтимоий-сиёсий йўлларда самарали бўлган кўплаб ва баъзан қарама-қарши омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирининг натижасида ҳосил бўлади.

Бироқ, замонавий дунёда суверен давлатларнинг бир-биридан, умуман бутун дунё ҳамжамиятидан алоҳида давлатнинг ўзаро боғлиқлиги ва таъсири тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Инсоннинг муайян ҳуқуқлари ва эркинликлари энди маълум бир жамият ва давлат учун ташқи омиллар таъсири остида, хусусан, ҳамкорлик амалиёти томонидан ишлаб чиқилган халқаро-ҳуқуқий тамойил ва меъёрлар таъсири остида пайдо бўлиши ва амалга ошиши мумкин. Масалан, халқаро ҳамжамият, БМТ Низомига биноан, истисно ҳолатларда, БМТга аъзо давлатларнинг жамоавий саъй-ҳаракатлари, шу жумладан, ҳарбий куч ёрдамида алоҳида давлатни уруш ва босқинчилик сиёсатини олиб боришни тўхтатишга мажбур қилиши мумкин. Амалда эса бу глобал миқёсда ҳар бир давлат учун ҳам, ҳар бир инсон учун ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилашда намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқлари омили сўнгги йилларда нафақат академик доираларда, балки ижтимоий-сиёсий жараёнлар динамикасида ҳам кўп қўлланиладиган феноменга айланиб улгурди. Шулардан келиб чиқиб, биз инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган бешта хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатишимиз мумкин:

- 1) инсон ҳуқуқлари эркинлик концепцияси билан синоним сифатида;
- 2) инсон ҳуқуқлари шахс қадр-қимматининг акс этиши сифатида;
- 3) инсон ҳуқуқлари маълум шартлар ва имкониятларга эга бўлиш талаби сифатида;

---

<sup>95</sup> Маркс К, Энгельс Ф.Соч. Т. 19. –С.9.



4) инсон ҳуқуқлари “фуқаро–давлат” муносабатининг характеристикаси сифатида;

5) инсон ҳуқуқлари ҳокимият ваколатларини чеклаш инструменти сифатида.

Бизнинг фикримизча, учта “доиралар” – жамоалар мавжуд бўлиб, уларда ҳам инсон ҳуқуқлари концепцияси, ҳам у билан боғлиқ муаммолар муҳокама қилинади.

Дастлабки доира – бу сиёсатшунослар бирлашмаси ҳисобланиб, унинг мавзуси инсон ҳуқуқлари сиёсати, инсон ҳуқуқлари сиёсатшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида ва сиёсатга сезиларли таъсир кўрсатадиган омил сифатида ҳокимият ўртасидаги муносабатлар тизими таҳлил этилади.

Иккинчи ҳолда, инсон ҳуқуқлари мавзусига қизиқувчи мутахассисларнинг фанлараро академик ҳамжамияти – ҳуқуқшунослар, антропологлар, файласуфлар, социологлар ва, албатта, сиёсатшунослар мунозаранинг иштирокчисига айланишади. Ва ниҳоят, учинчидан доира, бу эксперт-фаоллар ҳамжамияти бўлиб, улар таркибига дастлабки иккита “доиралар” иштирокчилари ва инсон ҳуқуқлари бўйича нодавлат ноижорат ташкилотларнинг фаоллари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича давлат тузилмалари ходимлари киради, масалан, Омбудсманлар, адвокатура институти ва ҳ.к.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бугунги кунда инсон ҳуқуқлари концепцияси нафақат либерал сиёсий фикр асосларига, балки консерватив ва социал-демократик тенденциялар ғоялари таркибига ҳам жуда органик тарзда кириб келди. масалан, замонавий консерваторлар социал-демократларни мулк ҳуқуқи ва шартнома эркинлиги каби асосий инсон ҳуқуқларига дахл қилган давлат ваколатларини ҳаддан ташқари кенгайтиргани учун танқид қилмоқда. Бошқа томондан, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўплаб сўл ҳаракатлар ва сиёсий партияларнинг асосий талабларидан бирига айланмоқда. Ҳозирда инсон ҳуқуқлари концепциясига салбий муносабат фақат сиёсий спектрнинг ўта радикал сегментларига хосдир, уларнинг мўътадил ҳамкасблари учун инсон ҳуқуқлари омили, унинг индивидуал тафсилотлари бўйича келишмовчиликларга қарамай, муҳокамаларнинг “умумий платформа”сига айланмоқда<sup>96</sup>.

Инсон ҳуқуқлари омили глобаллашув шароитида турли мамлакатлар ва қитъалар ўртасида, шунингдек, йирик давлатлар ичида

---

<sup>96</sup> Карцов А.С. 2002. Толкование Конвенции: «консерваторы» versus «либералы».. – Европейская конвенция по правам человека»: теоретические проблемы и практика реализации в современной России. – СПб: Изд-во СПб университета.

инсонлар оқимини кучайтириш каби ҳозирги даврнинг долзарб муаммосини ҳал қилиш йўналишлари билан ҳам чамбарчас боғлиқдир<sup>97</sup>. Шундай қилиб, изчил мультикультурализм тарафдорлари жамоавий, гуруҳли инсон ҳуқуқларига, масалан, этник ва диний гуруҳларнинг эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларда ўз урф-одатларига риоя қилиш ҳуқуқига, шу жумладан, қизларнинг ҳижобда бўлиш мажбурияти ва аёлларнинг бўйсунушига эътибор беришмоқда. Бу борада турли ижтимоий акциялар ёрдамида дунё ҳамжамияти нигоҳини инсон ҳуқуқлари муаммоларига қаратишмоқдалар.

Бугунги кунда жамоат муҳокамалари мавзуси, таълим ва тарбия дастурларининг йўналиши бўлган яна бир мавзу, турли маданиятларга эга бўлган одамларга муносабат, муҳожирлар ҳуқуқлари ва “маҳаллий аҳоли” ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатлар мавзуси билан чамбарчас боғлиқ бўлган – толерантлик мавзусининг долзарблиги ошиб бормоқда. Толерантликни инсон ҳуқуқларининг фундаментал асосларидан бири эканлиги ҳам диққатга сазовор.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда толерантлик омили ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур жараёнда, ўзаро ҳурмат, ўзгага нисбатан чидам ва муросасозлик омилларини қамраб олган толерантлик маданияти – жамият тараққиётининг конструктив моделларидан бири, дейиш мумкин. Бу ўринда толерантлик деганда, *ўз ҳуқуқ ва эркинликларини чекламаган ҳолда, ўзга инсонларга, воқелик ва жараёнларга нейтрал (ёки бағрикенг) муносабатда бўлиш омилини тушунилади*<sup>98</sup>.

Мутафаккир А.Авлоний таъкидлаганидек, инсонни улуғлайдиган, безайдиган яхши хулқлардан ҳисобланган – одамгарчилик, инсонпарварлик туфайли оламга маданият, маърифат, адолат уруғлари ёйилади. *“Одамгарчиликка, инсонийликка путур етса, дейди А.Авлоний, мусулмонларнинг дилига иттифоқ ўрнига нифоқ, адолат ўрнига зулм, муҳаббат ўрнига адоват, гайрат ўрнига атолат (муртадлик), мурувват ўрнига газаб, саҳоват ўрнига бухл (бахиллик), тавозеъ ўрнига кибр, садоқат ўрнига ифтиро (бўхтон), шафқат ўрнига ҳасад, ҳурмат ўрнига хусумат, қаноат ўрнига тамаъ, сабр ўрнига гурур, иқтисод ўрнига исроф, авф ўрнига даҳшат, саъй ўрнига сафоҳат (нодонлик), гайрат ўрнига хуруфот (бидъат) аралашади”*<sup>99</sup>. Шундай экан, инсонлар жамиятда бағрикенг бўлиши, ўзига ва ўзгага нисбатан ижтимоий адолат

<sup>97</sup> Государство. Антропоток. Доклад Центра стратегических исследований Приволжского федерального округа. 2002. – Нижний Новгород, Москва.

<sup>98</sup> Медушевский Н.А. Основы толерантности и правовой культуры. -М.: ЛЕНАНД, 2014. – С. 33.

<sup>99</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. -Т.: 1967. – Б. 31.

тарозисини қатъий ўрнатиши лозим<sup>100</sup>. Жамият тараққиёти ва инсон ҳуқуқ-эркинликларининг таъминланиши, аввало, толерантлик (бағрикенглик) маданияти орқали тараққий этиб боради.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси бугунги кунда замонавий халқаро муносабатлар назарияси муаммолари доирасида ҳам долзарб бўлиб келмоқда. Аввало шуни таъкидлаймизки, урушдан кейинги халқаро муносабатларнинг янги архитектураси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил этилиши, аслида инсон ҳуқуқларининг миллий суверенитет тамойилидан устуворлигини тан олиш билан боғлиқдир<sup>101</sup>. Бугунги кунда БМТ тизимининг ҳам, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш бўйича минтақавий тузилмарнинг ҳам ривожланиши (масалан, Европа Кенгаши ва б.) аллақачон муқаррар равишда дунё тартиботини ўзгартириб<sup>102</sup>, янги геосиёсий ва геоиқтисодий омилларни кун тартибига олиб чиқмоқда.

## 2.1-Жадвал.

### Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари классификацияси

Шаклланган даври нуқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Биринчи авлод (XVIII аср) <i>фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар</i>;</li> <li>▪ Иккинчи авлод (XX аср ўртаси) <i>ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар</i>;</li> <li>▪ Учинчи авлод (XX асрнинг 70 йиллари) <i>жамоавий ҳуқуқлар (бирдамлик ҳуқуқи)</i>;</li> <li>▪ Тўртинчи авлод (XXI аср) <i>инсонийлик ҳуқуқи</i>;</li> </ul>
Ижтимоий муносабатлар соҳаси нуқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Фуқаролик.</li> <li>▪ Сиёсий.</li> <li>▪ Иқтисодий.</li> <li>▪ Ижтимоий.</li> <li>▪ Маданий.</li> </ul>
Ижтимоий регулятив нормаларга тегишлилигидан	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ табиий: Ахлоқий нормалар.</li> <li>▪ Позитив: Юридик нормалар.</li> </ul>
Шахснинг сиёсий-ҳуқуқий	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Инсон ҳуқуқлари: <i>Барча индивидларнинг ҳуқуқлари.</i></li> </ul>

<sup>100</sup> Агабаев Ш.К. Глобаллашув жараёнида ёшлар сиёсий толерантлиги жамият барқарорлигининг муҳим омили сифатида. Сиёс.ф.д(PhD) дисс.автореф. –Т., 2020, -Б.14.

<sup>101</sup> Морозов Г. И.1999. Миротворчество и принуждение к миру. - МЭиМО, №2.

<sup>102</sup> Этциони Амитай. 2004. От империи к сообществу: новый подход к международным отношениям. –М.: Ладомир.

мақоми нуқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Фуқаролар ҳуқуқлари: <i>Давлат билан барқарор алоқадорликка эга шахснинг ҳуқуқлари.</i></li> </ul>
Субъектнинг персонификация даражаси нуқтаи назаридан	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ Индивидуал: <i>Алоҳида инсоннинг ҳуқуқлари.</i></li> <li>▪ Жамоавий: <i>Ижтимоий бирликнинг ҳуқуқлари.</i></li> </ul>

Шунингдек, ҳозирга кунга келиб инсон ҳуқуқлари омилининг “инсон устидан ҳукумат (давлат) ҳокимиятини чеклаш воситаси” сифатидаги роли тобора ошиб бормоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг таниқли олимлардан бири Джек Донелли ўз асарида ёзганидек: *“Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш талаблари моҳиятан экстралегал (мавжуд меъёрий соҳадан ташқарига чиқиш) – унинг асосий мақсади амалдаги нормалар, институт ва амалиётни, айниқса, юридик институтлар ва амалиётни, ўзгартириш ва сўроқ остига қўйишидир”*<sup>103</sup>.

Инсон ҳуқуқлари концепцияси билан боғлиқ биз кўриб чиққан муаммолар, уларни сиёсий ва ҳуқуқий фанлар доирасида, бошқа фанлараро ёндашувлар доирасида таҳлил қилиш, муҳокама қилинган категориянинг ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини ишончли тарзда намоиш этмоқда. Ушбу концепциянинг бундай мураккаб табиати баъзи олимларга, жумладан, таниқли рус ҳуқуқшуноси, профессор Ф.М.Рудинскийга янги фан – инсон ҳуқуқлари фани пайдо бўлиши тўғрисида гаплашишга асос беради<sup>104</sup>. Биз муҳокама қилаётган фанлараро илмий йўналиш алоҳида фанга айланадими – бунга фақат унинг ривожланиши жавоб бера олади, аммо бу йўналиш доирасида бугунги кунда тадқиқот учун улкан майдон мавжудлиги аллақачон аниқ.

Ушбу иш доирасида олиб борилган таҳлилларни сарҳисоб қилар эканмиз, инсон ҳуқуқлари концепциясининг универсаллиги учун ҳар қандай мантиқий асосни излаш қийин эмас, чунки ҳар доим турли хил тенглик принципига асосланган муҳолифат вакиллари бўлади. Бизга Жак Маритен позициясига қўшилиш ва инсон ҳуқуқлари феноменини ҳақиқат деб ҳисоблаш<sup>105</sup>, бу турли хил қарашлар ва эътиқодларга эга бўлган одамларнинг умумий ҳаёт тамойиллари бўйича келишиш

<sup>103</sup> Donnelly Jack. 1989. Universal human Rights in Theory and Practice. – Иннаса, N.Y.: Cornell Univ. Press. – P. 14.

<sup>104</sup> Рудинский Ф.М. 2007. Наука прав человека - предмет, функции, современные методологические проблемы. Доступ <http://www.jourclub.ru/5/406>

<sup>105</sup> Жак Маритен. 2000. Человек и государство. - М.: Идея-Пресс, Дом Интеллектуальной книги. Доступ [http://www.krotov.info/libr\\_min/m/maistr/marit\\_00.html](http://www.krotov.info/libr_min/m/maistr/marit_00.html)

қобилияти сифатида қаралиши тўғрироқ кўринади. Ҳар доим воқеликнинг моҳиятини тушунишга интиладиганлар учун инсон ҳуқуқлари концепцияси, Александр Марченков образли равишда таърифлаганидек, яъни постмодерн уммони ғояларида барқарорлик, қўллаб-қувватлашга асосланган “денгизда лангар ўрнатиш”га қиёслаш мумкин<sup>106</sup>. Амалий маънода инсон ҳуқуқлари, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган фуқароларнинг эркинлик ва бурчлари мажмуаси аллақачон замонамизнинг энг мураккаб муаммоларини муҳокама қилиш ва ҳал қилиш учун муҳим воситачилик майдонига айланиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари инсоннинг мажбуриятлари билан боғлангандагина ҳақиқий воқеликка айланади. Фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари сирасига одатда қонунларга риоя қилиш, бошқа инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, солиқларни тўлаш, табиатни, маданий ёдгорликларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талаблари киради.

Уларнинг ҳақиқатга айланиши учун: моддий (молиявий ресурслар, мулк); сиёсий (хокимият функцияларини ажратиш, мустақил муҳолифат, суд ва оммавий ахборот воситалари мавжудлиги); ҳуқуқий (одил судлов тизими, демократик қонунчилик); маънавий-ахлоқий (талаб қилинадиган таълим даражаси, маълумот олиш, демократик жамоатчилик фикри) ва бошқа кафолатларни қамраб олган бутун бир ижтимоий кафолатлар мажмуаси талаб этилади.

Инсон ҳуқуқларининг тўлиқ мажмуасини сиёсий ҳаётга татбиқ этиш мураккаб вазифа бўлиб, унинг ҳал қилиниши даражаси бутун инсоният цивилизацияси ва умуман олганда алоҳида мамлакатнинг ривожланиш даражаси, прогрессивлиги, инсонпарварлигини тавсифлайди.

Бундан ташқари, собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида янги мустақил бўлган давлатларда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишда айрим тўсиқлар, жумладан, коррупция ва инсон ҳуқуқлари маданиятининг суст ривож билан изоҳланади. Уларнинг сиёсий ва молиявий имкониятларидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги гуманистик ғояни обрўсизлантириш, уни фарсга айлантририш, жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш имкониятларига шубҳа ва ишончсизлик билдириш кўринишлари мавжуд.

Бу борада бир қанча омилларга эътибор қаратиш лозим:

---

<sup>106</sup> Марченков А.А. 2007 Образование правозащитноориентированных коммуникативных сообществ через текст - Права человека в контексте российской модернизации.– Пермь: НОУ «Западно-Уральский институт экономики и права».

*биринчидан*, жамият ва давлат ҳаётининг демократик асосларини ўрнатиш ва аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши;

*иккинчидан*, шахсий масъулиятни кучайтириш ва инсоннинг ўз фаолияти натижаларига онгли муносабати, бу унинг ўз тақдирининг эгаси ва шахсий бахтнинг яратувчиси эканлигини англаши билан боғлиқдир;

*учинчидан*, мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи нафақат инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган, балки фуқароларнинг ўзлари учун ҳақиқий имконият яратадиган энг муҳим ижтимоий ва сиёсий институтлар сифатида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий ижтимоий давлатни шакллантириш билан боғлиқ. Шу ўринда, турли нодавлат ноижорат ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда фаол иштирок этиши ҳам муҳим аҳамият касб этади;

*тўртинчидан*, инсон ҳуқуқлари соҳасида махсус таълим тизимини яратиш инсон ҳуқуқлари аҳамиятини англаш ва уларни ҳаётий эҳтиёжга айлантиришга ёрдам беради. Жаҳон тажрибаси кўрсатиб турибдики, айнан мана шундай тизим аҳолининг асосий қисмининг инсон ҳуқуқлари масаласига умуминсоний қадрият сифатида онгли ва масъулиятли муносабатини ривожлантириш учун замин яратади.

## **2.2§ Инсон ҳуқуқларининг глобаллашуви ва унверсаллашуви**

Глобаллашув объектив ва қарама-қарши жараён сифатида намоён бўлиб, ўзида янги имконият, янги хатарларни ҳам қамраб олади<sup>107</sup>. Бунда замонавий шароитларда ижтимоий-маданий қарама-қаршилиқлар таъсири остида “инсон ва жамият” тизими билан боғлиқ глобал муаммолар келиб чиқади, улар ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммоларини, турли даражадаги маданиятларнинг ривожланиш муаммоларини, маданий зиддиятлар хавфини минималлаштиришни, уларнинг ўзига хос геосиёсий шароитларда ўзаро таъсирини таъминлашни, инсоннинг ижтимоийлашуви муаммосини ўз ичига олади<sup>108</sup>.

“Инсон ва жамият” тизимининг глобал муаммолари гуруҳига, тўғридан-тўғри боғлиқ ва “ижтимоий муаммолар” турига мансуб, инсоннинг асосий (ажралмас) ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш

<sup>107</sup> Лукин В.н. Глобализация и международный терроризм: политический анализ рисков и стратегий обеспечения безопасности. –СПб.: Наука, 2006. 496 с.

<sup>108</sup> Мусиенко Т.В. Современные глобальные процессы: микрополитический анализ. –СПб.: Наука, 2004. –С.7. (598 с.)

муаммоси ҳам киради. Инсоннинг ажралмас ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш муаммоси XX–XXI асрлар бошларида глобал аҳамиятга эга бўла бошлади. Ҳозирги вақтда, бу биринчи навбатда ахборот технологияларининг ривожланиши асосида янги таҳдидлар пайдо бўлиши билан инсон ҳуқуқларининг бошқа турлари ва кўринишларини шакллантирди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган кенг илмий соҳалар шаклланди, улар бугунги кунда фанлараро характерга эга бўлиб, биринчи навбатда ҳуқуқий фанлар доираси билан бирга – сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар тизимини ҳам қамраб олмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизими шаклланмоқда. Инсон ҳуқуқларининг тегишли ҳуқуқий нормалари халқаро ташкилотларнинг турли хил дастурий ҳужжатларига киритилган.

Умумий ҳолда таъкидлаш мумкин-ки, “инсон ҳуқуқлари – бу шахсга ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилиш (ҳуқуқнинг бир қисми сифатида эркинлик) ёки маълум имтиёзларни (аслида ҳуқуқлар) олиш имкониятини берадиган одамлар ўртасидаги, фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг тамойиллари, меъёрлари ҳисобланади. Инсон ҳуқуқларининг замонавий типологиясида шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ажралиб туради”<sup>109</sup>.

Инсоннинг ажралмас (табiiй) ҳуқуқлари, шунингдек, яшашга ва эркинликка табiiй ҳуқуқнинг ҳосилалари сифатида қараладиган унинг шахсий фуқаролик ҳуқуқлари ҳисобланади. Уларнинг мақсади индивидуал автономия ва шахсий эркинликни қафолатлашдир.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг алоҳида тури сифатида фуқаронинг шахсий ҳуқуқлари кўриб чиқилмоқда. Буларга шахснинг яшаш ва қадр-қимматига бўлган ҳуқуқ, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва виждон эркинлиги каби асосий шахсий ҳуқуқлар киради. “Шахсий ҳуқуқлар (шахсийлик, индивидуаллик ва ўзига хосликка урғу берилгани ҳолда) инсон ҳуқуқларининг янги авлодларидан бири сифатида қаралади. Ушбу ҳуқуқларга, масалан, энг янги биотехнологиядан фойдаланиш билан боғлиқ ва инсон ҳаёти ҳамда соғлиғини муҳофаза қилишни назарда тутувчи инсоннинг биотехнологик ҳуқуқлари киради”<sup>110</sup>.

---

<sup>109</sup> Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. —Б. 204.

<sup>110</sup> Қаранг: Глушкова С.И. к вопросу о новых подходах в исследовании прав человека // Вестн. Рос. гуманитарного университета. 2010. № 14. –С. 21-29.

Замонавий давлатлардаги сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари, авваламбор, сиёсий глобаллашув шароитида талқин этилади ва демократиянинг ривожланиш даражаси билан ўзаро боғлиқдир.

XXI аснинг биринчи ўн йиллигининг бошларида реал сиёсатда ҳам, илмий жамоатчиликда ҳам глобаллашув тарафдорлари ва унинг муҳолифлари ўртасида замонавий жамиятда демократиянинг ҳолати ва истиқболлари тўғрисида қизғин мунозаралар кечмоқда. мунозара марказида глобал демократия масаласи турган. Илмий жамоатчиликда мунозара глобал демократия концепциясини муҳокама қилиш атрофида бўлмоқда.

Антиглобализм тарафдорлари антидемократик тенденциянинг тасдиғи сифатида БМТ, ЖСт, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар сингари глобал даражадаги институтларнинг кластер характери ва ёпиқлик даражаларини рўқач қилишган.

Икки қарама-қарши нуқтаи назарни таққослаб, Майкл Гудхарт ҳар иккала қарашга хос бўлган аргументация нотўғри, деган хулосага келади. Бу унга ҳар иккала позицияни замонавий демократия, суверен давлат ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб хусусиятини ва қийинчиликлар, таҳдидлар ва хатарлар даражасини етарли миқёсда акс эттиришга қодир эмас, деб белгилашга асос бўлди. Глобаллашув, бу унинг фикрига кўра демократияни концепциялашга замонавий ёндашувларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини тақлиф қилади.

м.Гудхарт томонидан “Демократия инсон ҳуқуқлари сифатида: глобаллашув асрида эркинлик ва тенглик” асарида баён этган демократия назариясининг моҳияти демократия ғоясини биринчи навбатда ҳуқуқларга риоя этилишини таъминлаш учун яратилган глобал институтлар томонидан қафолатланган анъанавий вакиллик бошқаруви тизими сифатида асослантирилади<sup>111</sup>.

Глобаллашув шароитида демократия ва инсон ҳуқуқлари муаммосини ўрганишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида савол туғилиши инсон ҳуқуқларини ўрганишда фанлараро ёндашувнинг шаклланишига ва ушбу соҳадаги илмий билимларни дифференциаллашувининг дастлабки босқичида ўз ҳиссасини кўшди. 2009 йилда м.Гудхарт таҳрири остида бир қанча олимлар, назарийчилар, муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганувчилар, замонавий жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлаш сиёсати ва амалиётини сиёсий таҳлил қилиш соҳасидаги мутахассислар

---

<sup>111</sup> Goodhart м. Democracy as human Rights: Freedom and Equality in the Age of Globalization / michael Goodhart. -New York: Routledge, 2005. 256 p.



иштирокида тайёрланган китобининг дастлабки қисмлари нашр этилди<sup>112</sup>.

Ушбу китобда концептуал ёндашувларни тизимлаштириш натижалари ва акс эттирилган тадқиқот муаммоларининг устувор йўналишлари эътиборга лойиқдир. Сиёсий глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари концептуализацияси қуйидаги асосий ёндашувлар асосида амалга оширилади:

1. Норматив ёндашув;
2. Халқаро ҳуқуқ назарияси нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқларининг концептуаллашуви;
3. Амалдаги инсон ҳуқуқлари тадқиқотларида кўрсаткичлар ва ўлчов параметрларини ишлаб чиқишнинг назарий асосларини аниқлаш;
4. Халқаро муносабатлар позициясидан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларининг концептуализацияси;
5. компоратив ёндашув асосида ва замонавий сиёсий фанлар назариясидан келиб чиққан ҳолда;
6. Социология ва антропология тамойилларини қўллаган ҳолда;
7. Глобаллашув контекстида мафкуравий омилларни қўллаш (ёки қўлламасдан)<sup>113</sup>.

мазкур асарда нафақат асосий назарий ёндашувлар, балки глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқлари соҳасида турли риск ва хатарларнинг асосий профиллари сифатида кўриб чиқилган қуйидаги муаммоларни ўз ичига олган тадқиқотнинг устувор йўналишлари ҳам аниқланди:

- сиёсий демократия, инсон ҳуқуқлари ва давлат босими;
- глобал фуқаролик жамияти ва инсон ҳуқуқлари;
- инсон ҳуқуқлари ва тегишли сиёсий ривожланиш стратегиялари;
- иқтисодий глобаллашув ва инсон ҳуқуқлари;
- жинсий эксплуатация учун одам савдоси билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари;
- болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- инсон ҳуқуқлари ва мажбурий миграция;
- туб ерлик аҳолининг инсон ҳуқуқлари (индиген ҳуқуқ);
- геноцид ва инсон ҳуқуқлари;
- қийноқлар;
- атроф-муҳит;

---

<sup>112</sup> human Rights: Politics and Practice / Edited by michael Goodhart. Oxford, New York: Oxford University Press, 2009. 455 p.

<sup>113</sup> human Rights: Politics and Practice / Edited by michael Goodhart. Oxford, New York: Oxford University Press, 2009. –P.11.

- гуманитар интервенция ва инсон ҳуқуқлари;
- инсон ҳуқуқлари ва ўтиш давридаги одил судлов.

Бугунги кунда замонавий назарияларда глобаллашув жараёнлари, давлат суверенитети ва инсон ҳуқуқлари омиллари ўртасида ўзаро алоқадорлик ҳамда қарама-қаршиликлар тадқиқ этиб келинмоқда. Глобаллашув билан боғлиқ ҳолда давлатлар суверенитетининг пасайиши ёки емирилиши тўғрисида кенг тарқалган ва муҳокама марказида бўлган нуқтаи назарга давлатнинг бошқарув функцияси ва унинг “бош ислоҳотчилик” позициясини шубҳа остига қўяди. Демак, Д.Коэн замонавий даврдаги инсон ҳуқуқлари бўйича дискурс ва амалиётни таҳлил қилиб, биринчи навбатда, сиёсий глобаллашув таъсири остида у ёки бу шаклда сақланиб қолган дунёнинг кўплаб мамлакатлари ҳамда минтақаларида давлат суверенитети барқарорлигини, шунингдек, бошқа ташқи омилларнинг таъсирига алоҳида урғу беради.

Иккинчидан, турли хил миллий шароитларда давлат суверенитети ва глобал бошқарув тамойиллари уйғунлашувини таъминлаш учун етарли ҳуқуқий асослар йўқлигини таъкидлаб, Д.Коэн, суверенитет барқарорлигининг далили ва шу билан бирга сиёсий глобаллашувга қарши кураш сифатида, ижтимоий-сиёсий шароитда вужудга келган янги суверенитет шакллариининг пайдо бўлишини белгилайди.

Суверенитетнинг янги сиёсий ва илмий концепциясини шакллантириш ва инсон ҳуқуқлари, давлат суверенитети ва глобал бошқарув ўртасидаги ўзаро боғлиқлик муаммосини тушунишга мос келадиган ёндашувни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаган Д.Коэн ўзининг, халқаро ҳуқуқ ва жаҳон сиёсати тизими билан боғлиқ бўлган, суверенитетнинг тизимли назариясини ишлаб чиқди.

назариянинг моҳияти шундаки, давлатлар суверенитети тенглиги тамойилини таъминлашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти ҳақидаги ғояни асослашдир. назария асосидаги тизимли ёндашув институционал ва маданий-акциологик ёндашув тамойилларини қўллаш билан тўлдирилади, бу эса ўз навбатида Д.Коэн назариясини интеграл назария тури сифатида таснифлашга имкон беради. Унда суверен давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ва глобал сиёсий ҳамжамиятни ўз ичига олган дуалистик дунё тартибини таъминлашни илгари суради ва асослайди, унинг доирасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича глобал институтларнинг ва глобал бошқарув тизимининг роли билан биргаликда қонунчилик институтларининг роли алоҳида таъкидланади. Мазкур шароитларда халқаро ҳуқуқ нормалари катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, “глобаллашув давридаги асосий муаммо жаҳон сиёсатидаги акторларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш стратегиясининг асосланиши бўлди. Конструктивизм доирасида субъектлараро тушунча ғояси билан амалга оширилган инсон ҳуқуқларига нисбатан тегишли сиёсий фаолиятлар назариясини ишлаб чиқиш ҳаракатлари сезиларли ва жуда самарали ҳисобланади”<sup>114</sup>. конструктивистик ёндашув маълум бир вақтдан сўнг маданий, иқтисодий ва бошқа ривожланиш шакллариининг ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек, фазовий ва вақт-контекстидан қатъий назар, глобал ўлчовда ижобий силжишларни келтириб чиқарадиган умумий универсал омил сифатида инсон ҳуқуқлари дискурсига урғу бериш билан ажралиб туради.

Ҳозирги вақтда халқаро бизнес ҳамжамиятлари ва корпорациялар фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этиш алоҳида ўрин эгаллайди, бунда эътибор бизнеснинг ижтимоий жавобгарлигини ўрганиш ва глобал хатарлар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ бўлган вазиятда тегишли субъектларнинг хатти-ҳаракат нормаларини тузиш стратегиясини ишлаб чиқишга қаратилган<sup>115</sup>.

Дарҳақиқат, агар XXI асрнинг биринчи ўн йиллигининг бошларида у фақат кўриниш берган бўлса, ҳозирги вақтда глобаллашув ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги муносабатлар муаммосини ва тегишли бошқарув жараёнларни сиёсий таҳлил қилишнинг махсус йўналиши шаклланимда, бу доирада турли хил назарий концепция нуқтаи назаридан, ҳақиқий сиёсат моделлари дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида тегишли сиёсий стратегиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. муаммони концептуаллашувида янги бўлган бу жараённи инсон ҳуқуқлари глобаллашуви сифатида эътироф этишимиз мумкин<sup>116</sup>.

Инсон ҳуқуқларининг универсаллашуви бошқа ҳодиса ва тушунчалар сингари “универсум” (лот. - universum) – “вақт ва макондаги барча объектив ҳақиқатлар” маъносини англлатувчи фалсафий атама билан бевосита боғлиқдир<sup>117</sup>. У назарий ва амалий нуқтаи назардан инсон ҳуқуқларига тааллуқли бўлиб, уларнинг универсаллиги – ҳар қандай вақт ва маконни “мувофиқлаштириш тизимида” шахс ёки жамиятга нисбатан миллий, маданий, диний ва бошқа хусусиятларни асослантиради.

<sup>114</sup> Бурсема Д. Права человека // Глобалистика: энциклопедия. М., 2003. С. 831–832.

<sup>115</sup> Segerlund L. making Corporate Social Responsibility a Global Concern: Norm Construction in a Globalizing World / Lisbeth Segerlund. Farnham, Surrey, England, Burlington, VT: Ashgate, 2010. 203 p.

<sup>116</sup> The Globalization of human Rights / Edited by Jean-marc Coicaud, michael W. Doyle, and Anne-marie Gardner. Токуо, New York: United Nations University Press, 2003. 208 p.

<sup>117</sup> Философский энциклопедический словарь. – М.: Гардарики, 2006. – С. 703.

Универсализация, шунингдек, инсон ҳуқуқларига етарли даражада сезгирлик ва уларнинг глобал миқёсда ҳамда ҳар бир минтақавий даражада тенг татбиқ этилишини англатади. Шунини таъкидлаш керакки, қонун назариётчилари томонидан, ҳатто ундан ҳам кўпроқ – амалиётчилар томонидан инсон ҳуқуқларини универсаллаштириш масалаларига нисбатан яқин вақтгача тарихий маънода жуда кам эътибор бериб келинган<sup>118</sup>. Бунга асос сифатида эса, дунёнинг турли минтақалари ўртасидаги нисбатан заиф иқтисодий, молиявий ва бошқа алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда, алоҳида эҳтиёжнинг йўқлиги; “цивилизациялашган” Ғарбга мустамлака сифатида қарам бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига мутлақо ғарблик “ҳуқуқ ва эркинликлар” тушунчасини жорий этиш омиллари; кейинчалик мустақилликка эришган мустамлакалар ҳуқуқ ва эркинликлар масаласида аввалги метрополитлардан ўрнак олиши, муқобил концепцияларнинг таклиф этилмагани ва ҳ.к.

Маҳаллий ва хорижий манбалар таҳлили шунини кўрсатадики, замонавий дунёда глобаллашув жараёнларининг ривожланиши асносида, умумбашарий ҳуқуқлар муаммоларига муносабат билан боғлиқ вазият сезиларли даражада ўзгарди. Маҳаллий ва хорижий адабиётларда инсон ҳуқуқларини универсаллашуви муаммоларига аввалгидан кўра кўпроқ эътибор берилди бошланди. Инсон ҳуқуқлари назариясида уларни универсаллаштириш ҳозирги кунда аста-секин марказий мавзулардан бирига айлана бошлади.

“Жаҳон давлати”, “умумбашарий ҳуқуқ”, “ягона инсоният ҳамжамияти”, “умумбашарий инсоний қадриятлар ва манфаатлар” ва ниҳоят “дунё фуқаролиги” каби ғоялар ривожланишининг бевосита таъсири остида инсоннинг умумбашарий ҳуқуқларини билиш жараёнлари ривожлана борди. Шунингдек, кўпгина тадқиқотчилар, хусусан араб ва бошқа Шарқ мамлакатлари вакиллари, инсоннинг умумбашарий ҳуқуқлари фақатгина БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги умумжаҳон декларациясида ўз аксини топганлигини ҳам танқид қилиб келади<sup>119</sup>. Бу борада “Ғарб инсон ҳуқуқлари маданияти” ёки “ғарбона ҳуқуқ тизими” деган тушунчаларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, инсоннинг универсал ҳуқуқларига оид турли саволлар кўтарилиши ва маълум даражада ҳал қилишга ҳаракат қилиш


<sup>118</sup> Sloane, R. Outrelativizing Relativism: A Liberal Defense of the Universality of International human Rights / R. Sloane // Vanderbilt Journal of Transnational Law. – 2001. – №3. – P. 530–538.

<sup>119</sup> International Aspects of the Arab human Rights movement. – harvard : harvard University, 2000. – С. 14–30.

табийдир, масалан: *одатий ҳуқуқларга нисбатан универсал ҳуқуқларнинг ўзига хос хусусияти нимада; ушбу ҳуқуқларга фақат шахс эга бўладими ёки унга қўшимча равишда ва у билан бирга - этник, диний ва бошқа гуруҳлар ҳам эриша оладими; фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларни бошқа турдаги ҳуқуқлардан устувор сифатида талқин қилиш тўғриси; ёки уларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар билан бир хил мақомга эга, деб ҳисоблаш керакми; универсал ҳуқуқларни таъминлаш механизмлари қандай бўлиши керак?*

Албатта, асосий эътибор ҳар бир инсоннинг манфаат ва кадриятларини, шунингдек, бир хил даражада акс эттирадиган умумий ҳуқуқлар мавжудлигининг имконияти (ёки аксинча, имконсизлиги) билан боғлиқ дастлабки саволларга қаратилиши лозим.

## 2.2-Жадвал. Глобаллашув белгилари.



Маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларда тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай масалалар хали-ҳамон ўз ечимини топган эмас. Инсон ҳуқуқларини универсаллаштириш ва бутун дунё ҳамжамияти учун ягона ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш имкониятини қўллаб-

қувватловчи фикрлар билан бир қаторда унга тўғридан-тўғри қарама-қарши ёндашувлар ҳам мавжуд<sup>120</sup>.

Ушбу фикрлар ва хулосалар замонавий дунёда ривожланган жуда зиддиятли *иккита тенденция*ни акс эттиради. Улардан бири жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳаларида тегишли из қолдирадиган ижтимоий муносабатларнинг глобаллашуви билан бевосита боғлиқдир. Иккинчи тенденция эса минтақалаштириш билан боғлиқ бўлиб, ҳамжамятнинг миллий ва маданий яқинлик факторларига асосланган минтақавий стандартларни яратишда ўз аксини топади<sup>121</sup>.

Ушбу тенденцияларга мувофиқ равишда илмий адабиётларда инсон ҳуқуқларининг универсаллашуви ва ягона ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш муаммоларини ҳал қилишда иккита ёндашув шаклланиб бормоқда.

Улардан биринчисининг моҳияти нафақат имкониятдан келиб чиққан ҳолда, балки инсон ҳуқуқларини шакллантириш ва ягона ҳуқуқий меъёрларни яратишнинг аҳамиятини англатади. Бу борада Л.И.Глухарева: “*дунё интенсив равишда интеграциялашувга интиляётган вазиятда универсал ҳуқуқларга нисбатан шубҳа билан қараш деярли ўринли эмас*”<sup>122</sup>, дея таъкидлайди. Умумжаҳон ҳуқуқлари, муаллифнинг фикрига кўра, бизнинг замонамизнинг асл ҳақиқатидир. Улар бизнинг замонамизнинг фаол ишлайдиган глобал ҳуқуқий ва тартибга солувчи тизимлари қаторига киради. Умумжаҳон ҳуқуқлари норматив-ҳуқуқий шаклда “инсон ва инсоният ривожланишида мавжуд бўлган универсал, объектив, доимий ва муқаррар” жараёнларни ўзида акс эттиради.

Инсон ҳуқуқларини универсаллашуви ва бутун инсоният учун умумий ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш муаммолари билан боғлиқ иккинчи ёндашув бевосита тарихий, миллий, этник, маданий ва бошқа ҳодисаларни минтақалаштириш, шунингдек, айрим цивилизацияларнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқдир.

Глобаллашув, инсоннинг умумий манфаатлари ва қадриятлари ҳамда шунга мувофиқ равишда бутун инсоният учун умумий бўлган ҳуқуқий стандартларга (унификациялашган ҳуқуқлар) асосига қурилган биринчи ёндашувдан фарқли ўлароқ, иккинчи йўналиш минтақавий ва

---

<sup>120</sup> Sinna, S. Non-Universality of Law / S. Sinna // Archiv fur Rechts und Sozialphilosophie. 1995. – Bd. 81. – №2. – P. 43.

<sup>121</sup> Права человека. Итоги века, тенденции, перспективы / отв. ред. Лукашева. Е.А. – М. : Норма, 2003. – С. 9.

<sup>122</sup> Глухарева, Л.И. Права человека в современном мире. Социально-философские основы и государственное регулирование / Л.И. Глухарева – М. : Юрист, 2003. – С. 228.

цивилизацион қадриятларга асосланади. У алоҳида минтақалар ва субрегионлар маданияти, кундалик ҳаёти, уларнинг тарихий, диний, этник ва бошқа хусусиятлари таркибидаги хилма-хиллик ва ўзига хослигини акс эттиради<sup>123</sup>.

Ушбу ёндашувнинг моҳияти шундан иборатки, дунёнинг хилма-хиллиги асосида уни ташкил этувчи барча ҳодисаларни, тушунчалар ва категориялар, хусусан ҳуқуқ ва эркинликларни уларнинг умумий кўринишидаги механик бир хиллигига айлантириш мумкин эмас.


Шунга ўхшаш позицияни изчил равишда қўллаб-қувватлаган россиялик олим Н.Н.Моисеев: *“бутун сайёрамиз аҳолиси учун тенг даражада мос келадиган баъзи бир инсон ҳуқуқларини универсаллаштириш ўзига хос иллюзия деб ҳисоблаш мумкин”*, дея таъкидлайди. Фикрини давом эттиргани ҳолда *“бу концепция инсон ҳуқуқлари ва инсон қадриятлари тўғрисидаги ғоялар одамлар онгида улар тегишли бўлган цивилизация хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар юз йиллар давомида шаклланган ва хулқ-атворининг шартлари билан белгилаб келинган”*<sup>124</sup>.

Муаллифнинг фикрига кўра, инсон ҳуқуқларининг универсализацияси ва уларнинг хилма-хиллигини ягона стандартларга бирлаштириш истисно қилинади, чунки бунда улар шаклланадиган ва амалга ошириладиган цивилизация муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмаганлиги таъкидланади.

### 2.3-Жадвал. Инсон ҳуқуқларининг универсаллашуви.

#### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ, 1948 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ)



<sup>123</sup> Universalism and Cultural Relativism. Perspectives on the human Rights Debate // human Rights at harvard. – 1997. – April.

<sup>124</sup> Моисеев, Н.Н. Судьба цивилизации. Путь разума / Н.Н. Моисеев. – М.: Изд-во МНЭПУ, 1998. – С. 105–107.

Қачон глобаллашув ва универсаллашув ижобий прогрессив воқелик сифатида талқин қилинар экан, қачонки иқтисодий ривожланиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишга асосланган бўлса; қашшоқликни бартараф этиш, барқарор даромад ва иш билан таъминлаш имкониятини таъминлаш, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, гендер тенглигини таъминлаш, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги тенгсизликни камайтириш каби асосий моддий ва маънавий шарт-шароитларни яратадиган бўлса; ва ниҳоят глобаллашувнинг демократик бошқаруви вакиллик демократияси ва қонун устуворлиги институтларининг тўлиқ ҳурмат қилинишини қафолатлаши лозимдир. Бу глобаллашувнинг ижтимоий жиҳатлари бўйича Халқаро комиссиясининг ҳисоботида таъкидланганидек, тўлиқ амалга ошириш мумкин бўлган истиқболдир. Бугунги дунё қашшоқлик, касаллик ва таълимнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун зарур ресурсларга эга. Бу борада Махатма Ганди таъкидлаганидек: “Дунё ҳамма эҳтиёжларни қондириш учун етарли, лекин дунё ҳар кимнинг очкўзлигини қондириш учун етарли эмас”<sup>125</sup>.

Инсон ҳуқуқларининг глобаллашуви: ижобий ёки салбий воқеликми? Бу масала тўғридан-тўғри саволнинг жавобига боғлиқ: глобаллашувнинг ўзи ижобий ёки салбий ҳодисами. Бугун биз глобаллашув ҳақида ҳар қандай ёндашувларни, объектив ва субъектив омилларни кўрсатмайлик у ижтимоий ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган муқаррар феномендир. Бу ҳар бир фуқаро, жамият ва давлат ҳисоблашишга мажбур бўлган объектив реаллик бўлиб, бугунги кунда инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва инсон ҳаётини яхшилаш билан боғлиқ барча муаммолар ҳам миллий, ҳам глобал даражада ҳал қилиниши талаб этилмоқда.

Шундай қилиб, глобаллашув, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олгани ҳолда, инсон ҳуқуқларини тартибга солишда янгича ёндашувни талаб қилади, уларнинг мазмуни глобал ўзгаришлар, универсализация, инсон ҳуқуқлари ва янги тенденциялар тўғрисидаги ўрнатилган ғояларнинг номувофиқлиги шароитида ўзгаришини ҳисобга олади. Инсон ҳуқуқларининг глобаллашуви – бу ижобий жараён, бунинг натижасида жаҳон ҳамжамияти инсоннинг шахсий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишни, умумбашарий тинчлик ва хавфсизликни таъминлаши, оммавий қирғин қуролларининг барча турларини кўпайишини йўқ қилишни, касалликлар ва экологик таҳдидларга қарши туриш, табиий

<sup>125</sup>



бойликлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, экология ва атроф-муҳитни асраш каби барча инсонга тегишли бўлган универсал кадриятларни ривожлантира боради.

### **2.3§ Коррупцияга қарши кураш – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг муҳим элементи**

Тарихдан маълумки, коррупция инсоният жамиятини емирадиган, шахсни инқирозга учратадиган, ҳар қандай давлат иқтисодий тизимига салбий таъсир қиладиган ижтимоий иллатдир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев коррупциянинг моҳияти ва унга қарши курашиш зарурлиги ҳақида: *“Жамият ривожига зов бўлаётган яна бир иллат – бу коррупция балосидир... “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни тезроқ амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини кўришимиз лозим. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизimini такомиллаштиришга, халқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади”*<sup>126</sup>, дея таъкидлаган эди.

Коррупция – фуқароларни мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жинойт туридир. Коррупциявий фаолият хуфёна иқтисодиётнинг асосий зарарли ва емирувчи турларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда коррупция деганда давлат мансабдорлари томонидан ўз шахсий манфатларни кўзлаб бойлик орттириш мақсадида фуқаролардан пора олиши, қонунга хилоф равишда бойлик орттириши тушунилади. Лекин, умуман олганда, давлат мансабдорларигина эмас, балки, корхона ёки фирмаларнинг барча турдаги ходимлари ҳам коррупцияга доир муносабатларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин. Бунда кўпинча поралар пул билан эмас, балки бошқа шаклларда олинади; коррупцияга доир жинойтларнинг ташаббускорлари баъзан тадбиркорлар ҳам бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунида “коррупция” атамасига қуйдагича таъриф берилди: “коррупция” деганда – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш

---

<sup>126</sup> Мирзиёев Ш.М. Қонуи устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза.//Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.-Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. -Б.110.

мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш тушунилади; шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик деганда – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш тушунилади”<sup>127</sup>. Шунингдек, қонунда манфаатлар тўқнашуви тушунчасига ҳам изоҳ берилган бўлиб – у шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият англанади.

Этимологик жиҳатдан олганда “коррупция” атамаси “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган латинча “*corruptio*” сўзидан келиб чиққан. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, “*коррупция - мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир*”<sup>128</sup>. БМТнинг халқаро миқёсда коррупцияга қарши кураш бўйича Маълумотида қуйидагича таъкидланади: “Коррупция – бу шахсий наф кўриш мақсадларида давлат ҳокимиятини суистеъмол қилиш ҳисобланади”. Коррупция тушунчасига берилган шу каби таъриф Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлат институтининг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам учратиш мумкин.

Бугунги кунда коррупцияга қарши глобал ва миллий миқёсда курашиш бўйича бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, улар сирасига:

1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);

2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);

---

<sup>127</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. 4 январь 2017 й.// <http://parliament.gov.uz/uz/laws/adopted/253/19165/>.

<sup>128</sup> Bardnan P. Corruption and development // Journal of Economic Literature. — 1997. — Vol. 25. — P. 1320.

3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);

4) БМТнинг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);

5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);

6) БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).

Шунингдек, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги каби кўплаб ташкилотлар доирасида коррупцияга қарши кураш борасидаги кўплаб ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳужжатлар қабул қилган. Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси”ни ратификация қилган бўлиб, унинг доирасида тизимли ишларни амалга ошириб бормоқда.

#### 2.4-Жадвал.

### Ижтимоий-сиёсий фанларда коррупциянинг турлари.



Коррупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суистеъмол қилиш каби одатдаги шаклларида ташқари, яна унинг қуйидаги амалда намоён бўлиши шакллари бир-бирларидан фарқлаш лозим:

- мансабдор шахслар, давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпоратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиши; давлат пул маблағларини ўзлаштириш ниятида тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- ўз корпоратив (сиёсий, диний, миллий ва ҳ.к.) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар бериш; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазйиқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- мансабдор шахслар ва давлат хизмати ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиши; шахсий ёки корпоратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ҳ.к.) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- тор гуруҳий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш; айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш.

Масалан, АҚШда коррупциянинг “*кикбекинг*” деган шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жиноий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайдилар. Тафовутнинг бир қисми битимга рухсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин тарзда пора берилади<sup>129</sup>. Пора олишнинг бу каби шакли сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам учраб турибди.

Коррупция жинояти нафақат хуфёна, балки коррупцияга доир муносабатларга киришган томонларнинг ўзаро келишувига биноан очик тарзда ҳам содир этилиши мумкин. Аксарият ҳолларда у тегишли ҳокимият органларига шикоят берилишига сабаб бўлмайди, чунки ғайриқонуний келишувдан ҳар иккала томон ҳам наф кўради. Ҳаттоки, жабрланувчилар пора сўраган мансабдорлар устидан ҳам камдан-кам ҳолда шикоят қилади. Чунки, одамлар коррупцияга карши кураш жараёнини самара беришига унчалик ишонмайди. Бу ҳолатга доир миллий ва хорижий тажриба билан боғлиқ бўлган муайян объектив ва субъектив сабаблар мавжуддир. Коррупция ҳаракатлари одатда давлат фаолиятининг мутахассис бўлмаган кишилар тушуниши анча қийин

<sup>129</sup> Понятие, виды и формы проявления коррупции // [https://studwood.ru/748938/pravo/ponyatie\\_vidy\\_formy\\_proyavleniya\\_korrupsii](https://studwood.ru/748938/pravo/ponyatie_vidy_formy_proyavleniya_korrupsii)

бўлган ўзига хос турларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам коррупция ўта мослашувчан жиноятдир. У вазиятга қараб тинимсиз ўзгариб туради ва такомиллашиб боради. Шу боис бу ҳодиса ҳақида тўлиқ, мукамал ёки ҳеч бўлмаса қандайдир узук-юлуқ маълумотлар олиш ҳам қийин масалалардан бири ҳисобланади.

мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг стратегик мақсадини амалга оширишда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, коррупциявий жиноятларга қарши курашиш муҳим устувор ва долзарб вазифалар сифатида қараб келинди.

Лекин, мамлакатимизда 2017 йилга қадар коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирадиган, бу курашни қонунийлиги ва шаффофлигини таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмаган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва у 2017 йил 4 январдан бошлаб кучга кирди. Мазкур қонундан кўзланган асосий мақсад коррупцияга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан ҳамда бу соҳада ягона тизимни яратишдан иборат бўлди. Унда “коррупция”, “коррупцион ҳуқуқбузарлик” ва “манфаатлар тўкнашуви” каби тушунчаларга ҳуқуқий изоҳлар берилди.

Мазкур қонунда коррупцияга қарши курашнинг асосий принциплари сифатида қонунийлик; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги; очиқлик, шаффофлик ва тизимлилик; давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги; коррупциядан огоҳлантириш ва жавобгарликнинг муқаррарлиги бўйича чоралар устуворлиги кабилар мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонунда коррупцияга қарши кураш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсизликни шакллантириш;
- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциядан огоҳлантириш бўйича чораларни амалга ошириш;
- коррупцион ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, улар оқибатлари, сабаблари ва келтириб чиқарган шароитларни

бартараф этиш ҳамда коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун муқаррар жазолаш тамойилини татбиқ этиш<sup>130</sup>.

Шу билан бирга, қонунда давлат бошқаруви соҳасида коррупциядан огоҳлантириш бўйича қатор чоралар белгиланди. Жумладан, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, парламент ва жамоатчилик назорати, мансабдор шахслар фаолияти сифатини баҳолаш ҳамда ишга қабул қилиш ва мансаб пиллапоаяларидан кўтарилишда очиқлик ва холислик тамойилига таянилган танловлар асосидаги саралашларга амал қилиш механизмларини жорий этиш каби омиллар белгиланди. Давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақоми аниқланиб, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий таъминотини ошириш ва меҳнат фаолиятини ҳар томонлама рағбатлантириш чораларини кўришга шарт-шароитлар яратилди.

Маълумки, жамиятда коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширишда кенг жамоатчиликнинг иштироки таъминланмаса, ундан кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Мазкур қонуннинг эътиборли жиҳати шундаки, унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари каби фуқаролик жамияти институтларининг ҳам коррупцияга қарши курашишда иштирок этишига доир янги ҳуқуқий асос ҳамда қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Унга асосан кенг жамоатчилик, ўзини ўзи бошқариш органлари ёки нодавлат ташкилотлар қонунга мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши; коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Шунингдек, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ва ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, жумладан, ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни ҳам амалга ошириб боришлари назарда тутилди.

Қонунда таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни олиб боришга ҳам алоҳида урғу

---

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда.

берилди. Келгусида таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия давлат томонидан белгилаб қўйилган таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари белгилаб қўйилди.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имижини ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига қилган мурожаатномасида таъкидлаганидек: *“Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга зов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”*<sup>131</sup>.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши кураш конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга

---

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <https://www.press.uz/>. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий веб-сайти.

қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, мазкур фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида *Коррупцияга қарши кураш Агентлиги* ташкил этилди.

Фармон билан, Агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди.

Мазкур Фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

- 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;
- коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш<sup>132</sup>.

---

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020-й., 06/20/6013/1002-сон.



Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларига асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишни таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этади.

коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир<sup>133</sup>.

Қайд этиш лозимки, олиб борилаётган ислоҳотларни амалий ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2020 йил 4 февралда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий чора-тадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизмлари жорий этилганлиги аҳамиятлидир. Хусусан бугунги кунда:

– Омбудсманнинг “10-96” ишонч телефони ва виртуал қабулхонаси фаолият юритмоқда;

– фуқаролар ва юридик шахслар вакиллариининг коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳамда ходимларнинг бошқа қонунга хилоф ишлари тўғрисидаги мурожаатлари таҳлил қилиниб борилади, уларнинг натижалари одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

– Омбудсман котибиятига ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, таъқиқлар, чекловлар, талаблар ва идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти 3 иш кунидан кечиктирмай тушунтирилади.

– Вакилга коррупция билан боғлиқ бўлган мурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилнинг 6 ойи давомида “коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ Омбудсман томонидан Бош прокуратурага 17 та

<sup>133</sup> Внедрение системы комплаенс-контроля // <https://schneider-group.com/ru/news/vnedrenie-sistemy-komplaens-kontrolja-s-snegu-nacnat/>

мурожаат юборилган (2019 йил – 21 та). Ушбу муροжаатлардан 2 таси ўз тасдиғини топган<sup>134</sup>.

Соҳада амалга оширилаётган ушбу мазмундаги ислоҳотларнинг натижаси сифатида *transparency International* халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “коррупцияни қабул қилиш индекси”да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 2017 йилда 157-ўрин, 2018 йилда эса 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 25 балл билан 153-ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди<sup>135</sup>.

Бундан ташқари, *Жаҳон одил судлов лойиҳасининг ҳуқуқ устуворлиги индексидаги “коррупциядан ҳолилик” индикаторида* Ўзбекистон 2019 йилда 0,38 балл билан 95-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил бўйича 128 давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаб, 6 поғонага кўтарилганлиги<sup>136</sup> малакатимизда коррупцияга қарши тизимли олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарасидир.

мамлакатимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чоратadbирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлик ҳолатлари ҳали-ҳамон учрамоқда. Статистик маълумотларга кўра, *2017–2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг* пора олиши билан боғлиқ жинойий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги, *2019 йилнинг дастлабки олти ойида жами 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга* нисбатан коррупция билан боғлиқ 590 та жиноят ишлари қўзғатилганлиги, коррупцияга қўл урган ва жинояти фoш қилинган мансабдор шахсларнинг *25 нафари республика, 36 нафари вилоят ва 476 нафари туман-шаҳар миқёсидаги* вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келганлиги, коррупция жиноятларининг асосан тиббиёт, таълим, давлат хизматини кўрсатиш, хусусан, тadbиркорлик субъектлари фаолиятига лицензия ва руҳсат бериш билан боғлиқ соҳаларда<sup>137</sup> ҳалиям камаймаётганлиги ташвишлидир.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан, Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда “Давлат хизмати тўғрисида”ги, “Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, шунингдек судьяларнинг

<sup>134</sup> Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (Омбудсман) расмий сайти // <http://www.ombudsman.uz/uz>

<sup>135</sup> Transparency International // <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

<sup>136</sup> World Justice Project // <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan>

<sup>137</sup> Бош прокуратура коррупция етказган зарар миқдорини маълум қилди. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/07/31/corruption/>.

хатти-ҳаракат меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур нормалар билан давлат хизматчиларининг олиши мумкин бўлган совға ёки ҳадяларнинг аниқ миқдори ҳам белгилаб қўйилган. масалан, АҚШда ушбу миқдор 20 АҚШ долларини, Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт, Россияда 3000 рубл этиб белгиланган, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян тақиқланади, Сингапурда давлат бошқарувида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг гонорар, займ, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши таъқиқланган<sup>138</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юқоридаги хориж тажрибаси вазирлик тизимида жорий қилинган бўлиб, унга кўра ходимларнинг фуқаролар, бошқа ташкилотлар ходимлари, жумладан, турли жойлар ва хорижий мамлакатларга уюштириладиган хизмат сафарлари давомида совғалар олиши тақиқланди. Хорижий сафарлар давомида олинган совғалар, вазирликка ўтказиладиган тартиб жорий қилинди.

Шуни унутмаслик керакки, коррупциянинг энг катта душмани бу – инсоннинг ўзидир.

Халоллик ва масъулият, фуқаролик жамияти, ҳуқуқни қўллашнинг самарали тизими, ижтимоий-сиёсий институтларнинг ривожланиш даражаси, ошкоралик ва ахборот эркинлиги коррупцияга қарши муҳим тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда.

Демократия ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги асосий тўсиқ бу коррупцияга олиб келадиган нотўғри бошқарувдир. Аксинча, адолатли бошқарув давлат ресурсларидан жамоат манфаати учун фойдаланиш ва инсон капиталига сармоя киритишни ўз ичига олади. Коррупция инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келишини инобатга олсак, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра, ҳуқуқ ва эркинликларни чекловчи давлат ва унинг айрим вакиллари ҳисобланди. Худди шундай, коррупция таркибини ўз ичига олган жиноятларда ҳам бевосита давлат амалдорлари иштирок этади. Шундай қилиб, давлат вакиллари ҳам инсон ҳуқуқларининг бузилишида, ҳам коррупция билан боғлиқ жиноятларда иштирок этадилар.

---

<sup>138</sup> Исмоилов Б., Йўлдашов Ф. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/oz/posts/>.

Бу ҳолатда эса, немис файласуфи Гегелнинг: “*Давлат инсон учун мавжуд бўлади, инсон давлат учун эмас*” деган иқтибосини келтириб ўтиш ўринлидир. Кўпинча эътибордан четда қоладиган ушбу постулатдан келиб чиққан ҳолда, давлат (унинг вакиллари томонидан ҳам) инсон ҳуқуқларига риоя қилиш учун шарт-шароит яратиш, шу жумладан, ушбу юксак миссияни амалга ошириш йўлида тўсқинлик қилаётган коррупцияга қарши курашиш учун барча саъй-ҳаракатларини амалга ошириши зарур.

## II боб бўйича хулоса

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Женева конвенцияларида ва БМТнинг турли шартномавий ҳужжатларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари омили бугунги кунда нафақат халқаро ҳуқуқ тизимини, балки замонавий халқаро муносабатлар доирасини ҳам шакллантирувчи муҳим асослардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, ҳозирда глобал миқёсида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш борасида бир қанча ташкилотлар фаолият олиб борса-да, улардан иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: (1) *БМТнинг Халқаро Суди* – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий суд органи бўлиб, глобал юрисдикцияга эга ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан бошқарилади. Халқаро суд халқлар ўртасидаги низоларни ҳал қилади, лекин шахслар устидан юрисдикцияга эга эмас; (2) *Халқаро жиноий суди* – ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши жиноятлар ўз юрисдикцияси доирасида содир бўлган тақдирда тергов қилиш ва ҳукм қилишга масъул орган бўлиб, 2002 йилда ташкил этилганидан бери содир бўлган бундай жиноятлар учун жавобгарларни жазога тортиш ваколатига эга.

Демократия ва қонун устуворлиги тушунчалари маълум даражада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни тушуниш билан боғлиқдир. Ҳар қандай шахс маълум даражада эркинлик билан таъминланган. Бироқ, шахс ўз манфаатларини рўёбга чиқаришда бошқа шахсларнинг – жамиятнинг ўзи каби аъзоларнинг манфаатларини ҳисобга олиши даркор. Бу шахс эркинлигини маълум даражада қонун билан чеклашни ҳам англатади.

Шу ўринда алоҳида тушунчаларнинг ягона маъно ва мазмунда акс этиши муҳим аҳамиятга эга. Масалан, умумқабул қилинган тизимга кўра: *эркинлик* – бу шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда ихтиёрий танлаш қобилияти ва имконияти ҳисобланади. Бу инсоннинг ташқи шарт-шароитлардан маълум бир мустақиллигини назарда тутаяди.

Ҳуқуқ эса ҳар доим эркин фуқароларнинг биргаликда яшаши учун зарур бўлган шахсий эркинликни қисман чекланишини англатади. Ҳуқуқ тоифалари учта асосий турга бўлинади: ажралмас ҳуқуқлар (таянч), вақтинча дахлсиз ва тўлиқ дахлсиз ҳуқуқлардир.

Бугунги глобаллашув шароитида асосий эътибор иқтисодий юксалиш ва янги бозорлар учун рақобатнинг авж олиши билан изоҳланади. Бу борада турли трансмиллий корпорациялардан инвестицияларни жалб қилиш учун давлат жамият манфаатлари ва ушбу корпорациялар манфаатлари ўртасида маневр қилишга мажбур бўлиб, паст ставкали солиқлар, ижтимоий суғурта, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида қулайроқ инвестиция шароитлари яратиб бермоқда. Мазкур ҳолатда нафақат давлат ҳокимиятининг чекланиши, балки ушбу давлат ҳудудида яшовчи инсонларнинг айрим ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилишига ҳам олиб келмоқда. Бу борада Ж.Сорос таъкидлаганидек: *“бозорлар мукамалликдан йироқ. Улар фақат шахсий эҳтиёжларни қондиришга қодир, жамоатчиликни қондириш эса уларнинг имкониятларидан ташқарида”*.

Бундай шароитда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида глобал фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси нафақат давлат, балки турли трансмиллий ташкилотлар фаолиятини чеклаш ва назорат қилиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши лозим. Бу муаммони ҳал қилиш ва инсониятнинг келажақдаги жаҳон сиёсий ташкилоти учун ишончли пойдевор яратиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишни таъминлаш, ўз халқи ишончига эга бўлган давлатлар ва турли жамоат бирлашмалари ўртасидаги ҳамкорликка ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Айни пайтда, афсуски, максимал фойда олишга интилишдан келиб чиққан иқтисодий глобаллашув даражаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги глобаллашув даражасидан ошиб кетмоқда. Бунга эса, ўз навбатида, турли жамоат бирлашмаларининг миллатлараро ҳамкорлиги орқали қарши туриш мумкин. Дунёнинг ҳар бир минтақасида ўз марказларига эга бўлган ва ўзига хос муаммоларни жойларда ҳал этувчи миллионлаб одамларни ўзига жалб қилган инсон ҳуқуқлари ҳимояси тармоқлари фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда ва глобал дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга катта таъсир кўрсатади.

Бу борада Мартин Шуманнинг қуйидаги сўзлари жуда ўринли деб билдик: *“Глобал миқёсда фикр юритиш, лекин маҳаллий даражада ҳаракат қилиш, албатта, яхши, лекин чегаралар бўйлаб биргаликда ишлаш яхшироқдир”*.

# III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА ИНСОН ХУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ

## 3.1§ Давлат ва жамият бошқаруви фаолиятида ҳуқуқий саводхонликнинг ижтимоий аксиологик омиллари

Ҳуқуқий саводхонлик ва бошқарув фаолияти бир-бирига диалектик боғлиқ, аммо алоҳида қаралиши мумкин бўлган косубстанционал воқеликлардир. Ҳуқуқий савобхонлик ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа, ҳуқуқий ҳодисаларга шахснинг, жамиятнинг махсус, ҳуқуқий билимларга, ҳуқуқий хабардорликка, ҳуқуқий ахборотларга асосланган муносабатларининг ифодасидир. Бошқарув фаолияти кишилар хатти-ҳаракатларини маълум бир мақсадга йўналтириш учун қўлланиладиган ташкилий, социопсихологик ва ижтимоий-сиёсий таъсир усуллари ҳисобланади. Уларнинг ижтимоий аксиологик (социоаксиологик) қадриятлар тизимидаги ўрнини очиб беришдан аввал косубстанционал хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш даркор.

Ҳуқуқ феномени шахс, жамият ҳаётига бевосита таъсир этмайди, у бир қатор усуллар ва механизмларни тақозо этади. Улардан бири ҳуқуқий саводхонликдир.

Ҳуқуқий саводхонлик иккита тушунча “ҳуқуқ” ва “саводхон”дан иборат. Унинг ядросини, ўзагини ҳуқуқ ташкил этади. Илм фанда И.Кантнинг ҳуқуқ феноменига берган таърифи кенг тарқалган. Файласуф “ҳуқуқ нима” деган саволни қўяди ва унга қуйидагича таъриф беради: *“Ҳуқуқ, деб ёзади Кант, бир шахс ўзбошимчалигининг бошқа бир шахс ўзбошимчалиги билан умумий эркинлик қонуни нуқтаи назаридан таққослаш мумкин бўлган шарт-шароитлар йиғиндиси (мажмуаси)дир”*<sup>139</sup>.

Шу билан бирга, Кант ҳуқуқнинг социоаксиологик жиҳатларини ҳам кўрсатиб ўтади. Улар ҳуқуқнинг: “биринчидан, шахслар ўртасидаги амалий муносабатларга тааллуқли, чунки уларнинг хатти-ҳаракатлари (бевосита ёки билвосита) бир-бирларига таъсир этиши мумкин. Иккинчидан, ҳуқуқ тушунчаси шахснинг истакларига (демак, соф эҳтиёжга) ўзбошимчаликнинг, эзгу амаллар ва қаҳрли хатти-ҳаракатларда учраб турганидек, муносабати эмас, балки фақат бошқа шахснинг ўзбошимчаликка муносабатидир. Учинчидан, мазкур ўзаро ўзбошимчаликларда ўзбошимчаликнинг ҳатто материяси ҳам ҳисобга

<sup>139</sup>Қаранг: Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Часть 2.–Москва: Мысль, 1965. - С. 139.

олинмайди. Масалан, объектга нисбатан мақсадига эргашадиган ҳар ким, мен сотаётган нарсадан у фойда олиши мумкинми ёки йўқ деган саволни ўз олдига қўймайди. Масала икки томон ўзбошимчалиги шакллари ҳақидадир, чунки улар мутлақ эркилик, ҳамда ушбу эркинлик бошқанинг эркинлигига, умумий қонунга мувофиқми деган тарзда қўйилади”.

Демак, гап ҳуқуқнинг бир томонлама англаниши устида эмас, балки бошқа “Мен”, яъни “умумий қонун” билан диалектик боғлиқликда қарашни тақозо этади. Бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқи билан таққосланиши, улар ўртасидаги меъёрий муносабатлар сифатида қаралиши зарур. Бу ўз навбатида, ҳуқуқни биринчидан, бошқанинг ҳуқуқи билан қарашни, иккинчидан, умумий қонунга мувофиқлигини ҳисобга олишга ундайди. Ҳуқуқ фақат бир шахсга тааллуқли воқелик эмас, у барчага, умумга тааллуқлидир. Шахснинг ҳуқуқи мана шу умум ичида, у билан мунтазам муносабатда намоён бўлади.

Шунинг учун И.Кант ушбу қоидадан ҳуқуқнинг умумий принципини келтириб чиқаради. Бу принцип қуйидагича: “Кишининг эркин ўзбошимчалиги бошқанинг эрки билан, умумбутун қонунга мувофиқ бўлса, ҳар қандай хатти-ҳаракат тўғридир”. И.Кантнинг фалсафий ҳуқуқий меросини махсус тадқиқ этган академик А.Х.Саидов ёзади: файласуф назарда тутган ҳуқуқ ва унинг социоаксиологик қадрлилиги: *“биринчидан, шахс хусусий мулки ва шахсий ҳуқуқларининг кафолатланган мақоми; иккинчидан, жамият аъзоларининг қонун олдида тенглиги; учинчидан, низоларнинг суд йўли билан ҳал этилиши; тўртинчидан, мажбурий суръатда амалга ошириладиган қонунларнинг мавжудлиги”*<sup>140</sup> дадир.

Шу тариқа И.Кант “ҳуқуқ инсонларнинг ўзаро бирга яшаши, мавжудлигининг ташқи муҳитга, жамиятда бир бирига алоқадор бўлган турли-туман шахсларнинг эркин иродаси ва ўзбошимчалигининг ўзаро чегараланиши ва таққосланишига дахлдор, деб ҳисоблаган”<sup>141</sup>. Мазкур таъриф кенг қабул қилинган. Ҳуқуқий саводхонлик ушбу фундаментал аҳамиятга эга таърифдан келиб чиқади ва уни махсус саъй-ҳаракатлар, билимлар, тарғиботлар орқали англашни билдиради.

“Савод” у ёки бу нарсани билиш, предмет ҳақида маълум бир тасаввурларга эга бўлиш, ўз қарашларини изоҳлаш даражасига оид тушунча. У билиш жараёни билан боғлиқ бўлса-да, гносеологик нуқтаи назардан, билишнинг тўла, айнан ўзи эмас, балки унинг маълум бир

<sup>140</sup> Саидов А. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. 3- нашри. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012., – Б. 63.

<sup>141</sup> Қаранг: Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. Часть 2. – Москва: Мысль, 1965. – С. 64.

даражаси ҳисобланади. Бу даража мудом субъектив хусусиятга эга, унда шахсий тажрибаси, ички аффе́ктив кечинмалар муҳим ўрин тутди. Ижтимоий тажриба ҳам ана шу шахсий аффе́ктив изланишлар синтездан ўтади ва у орқали зарур кадриятга айланади.

“Саводхон”(“саводхонлик”) ушбу билим даражасининг шахс онгида, қарашларида, хатти-ҳаракатларида намоён бўлишини англатадиган тушунча. Ҳуқуқ ҳақидаги ҳар қандай билим, қараш, тасаввур шахснинг ҳуқуқий саводхонлигидан дарак беради. Мавҳум ҳуқуқ йўқ, ҳуқуқ мудом шахснинг шахсга, “Мен”нинг бошқа “Мен”ларга, ижтимоий борлиққа муносабатлари тарзида келади. И.Кант ҳуқуқ феноменини *“шахс ўзбошимчалиги бошқанинг ўзбошимчалигига таққослашуви”* негизда шаклланишини, юзага келишини таъкидлаганида ҳуқуқнинг амалий фаолият эканига эътибор қаратган. Бу амалий фаолият эса шахслараро муносабатлар, инсон билан жамият ўртасидаги алоқалар демакдир. Ҳуқуқий саводхонлик ушбу алоқаларнинг даражаси, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги нормаларнинг шахс онги (ҳуқуқий онг) ва хатти-ҳаракатлари (ҳуқуқий хулқ-атвор)да намоён бўлишидир.

Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий саводхонликни ҳуқуқий маданият тизимига киритишади. Ҳақиқатан ҳам, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий саводхонлик ижтимоий аксиологик моҳиятига кўра, ҳуқуқий маданиятга оид ҳодиса. Пировард натижада улар ҳуқуқий маданият билан ўлчанади. *“кенг фалсафий маънода айтганда, – деб ёзади юридик фанлари доктори, профессор Ҳ.Б.Бобоев, – одам ўз эркини бошқа одам эркидан фарқлаган, бошқа одамлар ижтимоий муносабатларга киришган ва бу муносабатларнинг маълум бир юридик қонунларига қурилиши зарурлигини ёки қурилганини англаган заҳоти, унинг ҳуқуқий маданияти намоён бўлади”*.

Ҳуқуқда нормал тенг ҳуқуқлилиқ, яъни ҳуқуқий нормалар, қонунлар асосий ўринда туради. Маданиятда эса бойликлар яратиш омили устиворлик касб этади. Шунинг учун жамиятнинг ҳуқуқий маданияти унинг ҳуқуқий бойликларида акс этади, бу бойликларнинг давр талаби ва эҳтиёжларига мос келиши жамият ҳуқуқий маданият даражасини билдиради<sup>142</sup>. Сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос ҳуқуқий билимни алоҳида ижтимоий-ҳуқуқий воқелиқ сифатида тадқиқ этмайди, аммо уни ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисми тарзида қайд этиб ўтади. Шунга яқин ёндашувни У.Тожихонов ва А.Саидовнинг китобларида ҳам учратамиз. Масалан, улар “Ҳуқуқий маданияти назарияси” дарслигида

<sup>142</sup> Бобоев Ҳ. ва бошқалар. Маданиятшунослиқ. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 178.



ҳуқуқий билимнинг кенг тизимга кириши, унинг ҳуқуқий онг ва жамиятдаги ижтимоий маданият билан боғлиқлигини таъкидлайдилар<sup>143</sup>.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “халқ, аҳоли, кишилар турли қатламлардан иборат, уларнинг барчаси бир хил тасаввур ва билимларга эга эмас, ҳуқуқ ҳақида махсус билимларга, тажрибаларга эга қатлам (уларга зиёлилар, ҳуқуқшунос олимлар, юридик институтлар ва уларнинг ходимлари, суд-ҳуқуқ тизими мутахассислари, ички ишлар идоралари, уларда фаолият олиб бораётган ходимлар ва бошқалар киради) қолган аҳоли қатламларида юридик билим, ҳуқуққа оид тасаввур ва хулқ-атвор нормалари ҳақида кўникмалар шакллантириши мумкин. Айнан шу нуқтаи назардан қараганда, жамият, халқ, аҳоли, кишилар ҳуқуқий маданиятнинг ҳам субъектлари, ҳам объектларидир.

Бироқ бундай дуалистик ёндашув махсус институтлар, субъектлар ва билимлар ролини камайтирмайди. Ҳуқуқий маданиятнинг ижтимоий долзарблашуви ва шакллантириш, юксалтириш айнан ушбу институтлар, билимлар ва субъектларга боғлиқдир<sup>144</sup>. Бу ўринда гап учта объект: ҳуқуқ, аҳоли, ҳуқуқий кадрият устида кетмоқда. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқ феномени аҳоли томонидан эъзозланадиган кадриятга айлансагина аҳамиятли, ижтимоий аксиологик моҳиятга эга. Ҳуқуқнинг соционормативлиги унинг социоаксиологик моҳияти ҳамдир, яъни ҳуқуқ ижтимоий фойдали эканлиги билан бошқарув фаолиятида муҳим ўрин тута олади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий саводхонликнинг ўзи социоаксиологик аҳамиятга эга, яъни ҳуқуқий билим “бошқа ўзбошимчаликлар” билан таққосланиб, қайси хулқ-атвор ёки жамиятга, муҳитга фойдали эканини кўрсатади.

Аксиологиянинг ҳар қандай изчил концепцияси (А.Саидов фикрига кўра, бундай концепциянинг асосчиси И.Кант ҳисобланади), жумладан, юридик аксиология ҳам кадриятлар ва баҳоланаётган воқеа, далил, асос (ходиса, объект, муносабатлар ва ҳоказо)ни кадриятларнинг тегишли иерархияси ва тизими унинг қиймат жиҳатидан мазмун-моҳияти ва аҳамияти нуқтаи назаридан фарқлаш ва аниқлашни кўзда тутади. Бунда кадрият уни эмпирик мавжудот, ҳақиқатга мувофиқлик соҳасидан ажратишда мақсадлар, маъно-мазмун, аҳамият, бўлиши

<sup>143</sup> Тожионов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. II том. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 1998. –Б. 57-59.

<sup>144</sup> Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадриятларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари). –Т.: “Университет”, 2017. –Б.59-60.

лозимлик, муқаррарлик, нормативлик, расмий тартиб қоида ва ҳоказолар соҳасига тааллуқлидир.

Шу хилдаги фарқлаш нафақат (лозимликни мавжудликдан, кадриятлар дунёсини ҳодиса ва ҳоказолар оламидан ажратишнинг энг сўнгги шаклидаги) Кантча ёндашувга, балки тўғридан-тўғри қарама-қарши, объектив идеалистик дунёқарашга ҳам хос (Афлотундан тортиб, то Гегель ва уларнинг замонавий издошларига қадар), унга кўра, борлик бойлик (яъни кадриятлар)дир, бироқ борлик деганда эмпирик воқеялик эмас, балки чин, ҳақиқий мавжудлик, яъни борлик ғояси, мазмун-моҳияти, муқаррарлик, бинобарин, қиймат жиҳатидан аҳамиятлилик кўринишидаги мавжудлик тушунилади<sup>145</sup>. Демак, соционормативлик ва социоаксиологик моҳият мазмунига кўра, бир бирига яқин воқеликлар, уларнинг яқинлиги маълум бир қийматга эга эканлигидадир.

Ҳуқуқий саводхонлик ва бошқарув ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида эъзозланадиган кадриятлар сифатида шаклланган. Уларнинг социоаксиологик воқеликлар экани исбот талаб этмайдиган аксиомадир. Улар негизи, субстанционал асоси – давлат ва жамият, уларнинг бутун организм сифатида яшаши талабидир. Айнан ушбу талаб кишиларни бошқарув институтларига ишончини шакллантирган, эркин шахс, субъект сифатида ижтимоий муносабатларга киришиб яшашига имкон берган.

Хўш, ҳуқуқий саводхонликнинг имманент хусусиятлари ва бошқарув фаолиятидаги ўрни нималарда акс этади? Уларнинг социоаксиологик тизимдаги қиммати қандай, нималар билан ўлчанади? Кадриятларнинг эътирофи эмас, балки И.Кант назарда тутган “амалий тажриба”, эмпирик қиймати муҳим бўлса, бу тажриба ва қийматга қандай, нималар воситасида эришилади? мазкур саволлар, аввало, илмий методологик аҳамиятга эга. Уларни шу пайтгача на ҳуқуқшунослик, на ҳуқуқ фалсафаси ёки ижтимоий-сиёсий фанлар кун тартибига қўйган. Шунини тан олишимиз зарурки, юқоридаги саволларга жавоб топиш осон эмас, топилган жавоблар ҳам турли эътирозлар уйғотиши, ҳатто танқидга учраши мумкин.

Шундай бўлса-да, биз уларни излашга уриниб кўришимиз, бу борадаги қарашларимизни тартибга солиб, тизимлаштириб, ранг-баранг воқеликларни эса социоаксиологик нуқтаи назардан гуруҳлаштириб, илмий муаммоларга аниқлик киритишимиз зарур. Шунинг учун биз ҳуқуқий саводхонлик ва бошқарув фаолиятига оид имманент

---

<sup>145</sup>Саидов А. Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. 3-нашри. –Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2012., -Б. 69-70.

хусусиятларни маълум бир соціоаксіологик негизларда қарашимиз лозим бўлади. Ушбу соціоаксіологик негизларни биз:

- ижтимоий-ҳуқуқий борлик;
- демократик ҳуқуқий давлат;
- инсон ҳуқуқлари;
- бошқарув институтлари;
- иерархия ва координация;
- конституционализм;
- лидерлик ва масъуллик кабиларда деб биламиз.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, ҳуқуқий саводхонлик ва бошқарув фаолияти фақат ижтимоий кадриятлар сифатида эъзозланганида, ушбу кадриятлар сифатида кишилар ва жамият ҳаётига таъсир этганида эътиборлидир. Улар мудом соціоаксіологик борлик билан ҳамоҳанг, маълум бир ижтимоий кадрият сифатида ижтимоий онга ва кишилар хатти-ҳаракатларига, институтлар фаолиятига таъсир ўтказди. Юқоридаги негизлар соціоаксіологик борликдаги объектлар ва механизмлардир. Улар мазкур борликда бўла туриб ҳуқуқ ва бошқарув фаолияти учун негиз, таянч вазифасини ўтайди.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлик ҳуқуқ феноменини ҳам, бошқарув фаолиятининг зарурлигини ҳам кун тартибига қўювчи соціоаксіологик негиздир. Ҳуқуқ феномени ва бошқарув фаолиятига тааллуқли барча нарсалар, хусусиятлар ва функциялар ана шу борликдан ўсиб чиқади, ушбу борлик талабларининг ифодаси сифатида келади.

Сиёсий ва фалсафий фанларда кенг қўлланиладиган “ижтимоий борлик” тушунчаси ҳуқуқ феномени талабларига қурилганида ёки ушбу талабларни ўз ичига олганида ижтимоий-ҳуқуқий борлик касб этади. Унда ижтимоий талаблар билан ҳуқуқий талаблар сингармоник бирликни ташкил этади, лекин ҳуқуқ асосий мезон, бирлаштирувчи ядро ҳисобланади. Бундай борликдаги барча хатти-ҳаракатлар, фаолият турлари, эришилган натижалар ҳуқуқий мезонлар билан ўлчанади. Барқарор ҳуқуқий кадриятларга амал қилиш, уларни сақлаш ва кўпайтириш, субъектлар фаолиятини ҳуқуқий талабларга мувофиқ ташкил этиш, бошқариш одатий ҳолдир. Ҳуқуқий кадриятларнинг қатъийлиги, ўзгармаслиги, барқарорлиги ҳеч кимда эътироз уйғотмайди, балки уларнинг етишмаслиги кишиларда саволлар уйғотади<sup>146</sup>. Шунинг учун ижтимоий-ҳуқуқий борлик ўзини ўзи ҳуқуқий кадриятлар билан тўлдириб боради, бу кадриятларни эъзозлашни фуқаролар бурчига айлантиради.

---

<sup>146</sup>Қаранг: Современное государство и право: вопросы теории и истории. – Владивосток, 1992. – С. 21-25.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиққа қараб кишилар жамият ва давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий мақсадини англайди. Ҳар бир жамиятда шундай ҳуқуқий кадриятлар ва уларга таъсир этувчи етакчи омиллар бўлади-ки, айнан улар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг асосий хусусиятларини аён эттиради. Масалан, шўролар давридаги ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ хусусий мулкни инкор этиш, давлат бошқарувини партиялаштириш, барча ҳаётни ижтимоийлаштириш, ҳуқуқнинг жазолаш функциясини мутлақлаштириш, формал демократияга таяниш кабиларда намоён бўлган. Мазкур борлиқда ҳуқуқ субъекти асосан битта – партия бўлган. Барча қарорлар, қонунлар, дастурлар партиянинг ижозати ва қўллаб-қувватлаши орқали ҳаётга жорий этилган. Бозор демократияси бу тартибларга ўзгаришлар киритди, энди мулкий плюрализм мавжуд, хусусий мулк тан олинди, бошқаришнинг ранг-баранг кўринишлари шаклланди, ҳуқуқ институтлари партия таъсиридан, унинг қарорларига бўйсунидан озод қилинди ва суд, қонуннинг мустақиллиги таъминланди. Бундай умумий ҳолатлар ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг энг асосий белгиларидир. Ҳуқуқий саводхонликнинг имманент хусусиятлари ушбу белгилардан келиб чиқади ва ҳуқуқ феноменини ижтимоий борлиққа узвий боғлайди.

Ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ давлат ва жамият бошқаруви институтлари фаолиятини, кишилар ўртасидаги алоқаларни, шахс ва давлат муносабатларини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини соционормативлик принципига мувофиқ таъминлайдиган ижтимоий макондир. Бу маконда нафақат ҳуқуқ феномени, шунингдек, маънавий-ахлоқий кадриятлар ҳам фаол қатнашади, эъзозланади. Маънавий-ахлоқий кадриятларнинг соционорматив фаоллиги ҳуқуқий кадриятларга ҳалақит бермайди, балки улар бир бирларини қўллаб-қувватлашади. Ҳуқуқий кадриятлар тўла таъсир этмаган жойда маънавий-ахлоқий кадриятлар ёрдамга келади, ҳуқуқ феноменини тўлдириб, унга таъсирчанлик, ҳозиржавоблик, динамизм бахш этади.

Шунинг учун ижтимоий-ҳуқуқий борлиқнинг энг эътиборли томони ҳуқуқий кадриятлар билан бирга маънавий-ахлоқий кадриятларни ҳаракатга келтириш, натижада жамиятни бошқаришда олдинга қўйилган мақсадга етишнинг самарали усулларини кашф этишдадир. Ҳуқуқнинг мажбурлов механизми демократия шароитида кутилган натижа беравермаслигини халқаро тажриба кўрсатади, гуманистик ғояларнинг кенг тарқалиши гуманитар ҳуқуқни кадрлашга

ундамоқда. Бу мақсадга фақат ҳуқуқни инсонийлаштириш орқалигина эришиш мумкин<sup>147</sup>.

Ижтимоий-ҳуқуқий борликда кенг маънодаги ижтимоий муносабатлар устувор бўлади, шунинг учун бу муносабатларнинг барча соҳаларга детерминистик таъсири ҳақида тўхталиб ўтиш даркор. Чунки ҳар бир жамиятда шундай ижтимоий муносабатлар шаклланган бўлади-ки, уларни назардан қочириш жамият тараққиётига нотўғри ёндашишларни келтириб чиқаради. Илмий адабиётларда ўта ривожланган давлат, ривожланган давлат, ривожланаётган давлат, қолоқ давлат деган сўзлар беҳуда келтирилмайди, улар жамият тараққиётининг турли даражаларини ифода этади. Мазкур давлатлар ва жамиятларда ижтимоий муносабатлар ҳам турлича намоён бўлади, бирида постиндустириал муносабатлар, иккинчисида индустриал муносабатлар, учинчисида ярим индустриал ва феодал муносабатлари аралаш келади, яна бирида эса қолоқ феодал патриархал муносабатлар устун туради.

Ижтимоий-ҳуқуқий борликни фақат ҳуқуқ, унинг социологик моҳияти шакллантирмайди, унда аввало сиёсий бошқарув, сиёсий қадриятлар муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар эса уни янги масалалар ва қирралар билан бойитади. Ҳуқуқнинг интегратив хусусияти, функциялари ҳам ана шу ранг-баранг муносабатларда кўзга ташланади, намоён бўлади.

Демократик ҳуқуқий давлат ҳуқуқ ва бошқарувнинг намоён бўлишига хизмат қиладиган навбатдаги социологик негиздир. Ҳуқуқ ва бошқарув фақат давлат асосида, давлатнинг қўллаб-қувватлаши орқали ўзини тўла намоён эта олади. Шунинг учун “ҳуқуқий давлат бу инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар бўйича яшовчи, тегишли қонунларга эга бўлган, самарали давлат тизимида эга, энг муҳими шу ҳуқуқларга эҳтиёж сезадиган фуқароларга эга давлатдир. Давлат, унда инсон ҳуқуқлари қанчалик даражада тан олинмиши, амал қилиниши ва ҳимоя этилишига қараб, шунчалик ҳуқуқий деб аталиши мумкин”<sup>148</sup>.

Давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, барча соционорматив тартибларни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиши, механизмлари орқали кишилар онига сингдириши, зарур пайтларда мажбурлов воситаларидан фойдаланиши, гоҳо эса уларни бекор қилиши давлатни энг таъсирчан сиёсий институтга айлантиради. Инсониятнинг бугунги

<sup>147</sup> Ханс Петер Гассер. Международное гуманитарное право. Введение.—Москва: Юристь, 1999. - С. 125-126.

<sup>148</sup> Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. —Т.: ЎзР ИИВ Академияси, 2012., —Б. 15.

тараққиёт босқичида ҳуқуқ ва бошқаришнинг бирорта ҳам шакли давлат ёрдамсиз, қўллаб-қувватлашсиз тўлақонли амалга ошолмайди. Айнан давлат бош ислоҳотчи бўлган ва ислоҳотларга бош-қош бўлган жойда модернизациялашиш кутилган натижаларга олиб келади.

Сиёсатшунос ва файласуф олим Ф.Мусаевнинг ёзишича, давлатнинг етакчилик роли, аввало, унинг ислоҳотлар учун масъулликни ўз бўйнига олганида намоён бўлади. “Эски тоталитар парадигмадан янги цивилизацияли демократик тараққиёт парадигмасига ўтаётганда мураккаб ва зиддиятларга тўла жараёнларни уюштирувчи, жамиятни демократик тараққиёт йўлига олиб чиқишни ўз зиммасига олувчи кучга эҳтиёж сезилади. Бу куч давлатдир. Шундай ижтимоий сиёсий институт бўлмаган жойда энг эзгу ғоялар ҳам орзу бўлиб қолаверади”<sup>149</sup>.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат демократияни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган институтдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, у бошқаришни йўлга қўяди, кишилар ташаббусларини умуммақсадларга йўналтиради, конституциявий нормаларга риоя этиш чора-тадбирларини кўради. “Давлатнинг асосий функцияларидан бири одамларни зўравонликдан ҳимоя қилишдир. Бироқ ҳокимият ва давлат мажбурлашни, зўравонликни ўзининг монополиясига айлантирмаслиги лозим. Бу хусусда Ф.Хайекнинг “Озод инсонлар жамияти” асаридан қуйидагиларни келтириб ўтмоқчимиз,— деб ёзади Ф.мусаев,— ҳокимиятни чеклаш XVII-XVIII асрлардаги конституцион ҳукуматларнинг улуғ мақсади бўлган. Аммо бу ҳаракатлар моҳиятан ҳокимият устидан назорат ўрнатиш уни чеклаш етарли, деган нотўғри фикрдан келиб чиққан.

Шу тариқа кўпчиликнинг ёки кўпчилик номидан ҳаракат қиладиган ва қонунлар ишлаб чиқадиган вакиллик органларининг зўравонлиги юзага келган. “Оқибатда, дейди Ф.Хайек, биз бугун демократик деб атаётган ҳокимият кўпчиликнинг эмас, балки тазйик ўтказётган ва ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтож бўлмаган гуруҳларнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Шахс эркига қарши юзага келаётган бу хавфни фақат сўқир кишигина кўрмаслиги мумкин”<sup>150</sup>.

Демократик ҳуқуқий давлат ҳисобланган, ўта ривожланган АҚШда ҳам бу жараёнлар ўз тақомилига етган эмас. Э.Тоффлернинг ёзишича, “оммавий ишлаб чиқариш, оммавий истеъмол ва оммавий ахборот

<sup>149</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти.— Тошкент: O'zbekiston, 2007. — 102 б.

<sup>150</sup> Ўша асар. — 103 б.

воситалари кўп мамлакатларда уларга монанд бўлган тизимни оммавий демократияни вужудга келтирди”.

Аммо Э.тоффлер бутун оммавий демократия “ранг-баранг демократия”га айланиб бормоқда, деб башорат қилади. Унинг назарида йирик давлатлар (империялар) мустақил давлатларга, йирик корпорациялар маҳаллий фирмаларга, йирик бизнеслар майда бизнесларга бўлинмоқда, “концентрациялашган ҳокимият янгича синтезлашаётган икки бутунлай қарама-қарши тенденция” кўринишига ўтмоқда. Ушбу жараён “куч (зўравонлик), фаровонлик ва билим” орқали содир бўлмоқда”<sup>151</sup>.

Олим давлатнинг мажбурлов кучи, фаровонлик ва билим демократия учун хавф уйғотмоқда, йирик давлатлар ана шу уч куч орқали бошқа давлатларга тазйиқ ўтказмоқда, деб билади. Уларнинг учови ҳам ҳуқуқ ва унинг социоаксиологик аҳамияти нуқтаи назаридан хавфли эмас, балки демократик тараққиёт учун муҳим.

Демократик тараққиёт моделлари кўрсатадики, давлатнинг самарали фаолият юритиши фақат ижтимоий-сиёсий институтларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ эмас, бу институтлар фаоллиги, ижтимоий кучларни ҳаракатга келтириш ва уларнинг салоҳиятларидан, фидойилигидан, креатив ташаббусларидан керагича фойдаланса-да, умуммақсад нуқтаи назаридан самара бермаслиги мумкин. Чунки, бошқарув ишларида, шу жумладан, давлат фаолиятида ҳам, сиёсий омиллардан ташқари бошқа омиллар ҳам мавжудки, улардан фойдаланмай умуммақсадга эришиш қийин.

Демак, демократик ҳуқуқий давлат ҳуқуқий қадриятлардан тўла фойдаланган ҳолда бошқарув институтлари тепасига келишга қодир шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратади, уларни ноодатий, ностандарт, инновацион фикрлашини қўллаб-қувватлайди, улардаги креативликни янги поғонага кўтаради. Бу ўринда гоҳо демократия билан ҳуқуқ бир-бирларига мутаносиб келмай қолиши мумкин, бу тарзда якуний хулосани давлат раҳбари ёки олий органлар чиқаради. Бизнинг фикримизча, бундай номуносив ҳолларнинг юзага келишидан қўрқмаслик лозим, уларни мудом раҳбар иродаси билан ижобий ҳал этиш мумкин. Бу аслида шарқона демократияга хос хислатлардан биридир.

Навбатдаги социоаксиологик негиз ҳуқуқ феномени ва бошқарув фаолияти таянадиган инсон ҳуқуқларидадир. Бугун ҳеч бир ижтимоий-ҳуқуқий борлик, ҳуқуқий нормалар, бошқарув институтлари инсон

<sup>151</sup> Мусаев Ф. Демократик давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти.– Тошкент: O’zbekiston, 2007., –Б. 104.

ҳуқуқларини четлаб ўтолмайди. Инсон ҳуқуқлари,— дейилади “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да,— “инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос кадр-қиммат ва уларнинг тенг, ажралмас ҳуқуқларини тан олиш эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси”эканлиги қайд этилади<sup>152</sup>.

Ушбу ҳужжатда барча кишилар ўзининг кадр-қимматига эга, эркин ва тенг, бир-бирларига биродар, ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсиз, ҳеч ким қийноққа олинishi мумкин эмаслиги эътироф қилинган. Жумладан, ушбу ҳужжатнинг 7 моддасида, “Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун билан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Барча одамлар ушбу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситишдан ва шундай камситишга ундайдиган ҳар қандай гижгижлашдан тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир”<sup>153</sup>.

Инсон ҳуқуқлари – умуминсоний қадрият. Унинг ушбу социологик жиҳати ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ ва бошқарув институтлари фаолияти учун дастуруламал ва ҳар қандай зиддиятли вазиятларда таянилиши зарур бўлган ҳужжатдир.

Инсон ҳуқуқларининг шахс ва индивид ҳуқуқларига муносабатлари, улар ўртасидаги фарқлар ва муштаракликлар юридик адабиётларда таҳлил қилинади. Жамиятшуносликда эса, кўпроқ шахс ва шахсий манфаатлар тилга олинади. Мазкур йўналишда инсон ҳуқуқларига оид нормаларнинг шахсга татбиқ этилиши, шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаш муаммоси пайдо бўлади. Мутахассисларнинг фикрича, шахснинг ҳуқуқий мақомига қуйидагилар киради:

- 1) шахснинг ҳуқуқий лаёқатини белгиловчи ҳуқуқий нормалар;
- 2) шахснинг ҳуқуқлари;
- 3) шахснинг мажбуриятлари;
- 4) ҳуқуқ субъектлиги (ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати);
- 5) фуқаролик;
- 6) юридик жавобгарлик;
- 7) ҳуқуқий муносабатлар;
- 8) қонуний манфаатлар;
- 9) ҳуқуқ тамойиллари<sup>154</sup>.

Мазкур шартлар шахс олдига маълум бир мажбуриятлар ва масъулиятлар юклайди, у томондан амалга ошириладиган хатти-

<sup>152</sup> Қаранг: Право человека: – Тошкент: Адолат, 1992. – С. 9.

<sup>153</sup> Ўша асар. – С. 11.

<sup>154</sup> Қаранг: Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012. 38-39 б.



ҳаракатларга, айниқса бошқарув фаолиятига йўналиш беради. Уларни бузиш бошқариш фаолиятини бузиш, унинг самарали кечиши учун зарур меъёрларга амал қилмасликни келтириб чиқаради. Шунинг эсдан чиқармаслик керакки, “шахс ҳуқуқлари – қонун чиқарувчининг “туҳфаси” эмас, балки инсоннинг ҳаёт стандартини танлаши, муносиб ҳаёт билан таъминлашнинг реал имкониятидир. Қонун чиқарувчи ўзбошимчалик билан ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмини “қисқатириши” мумкин эмас, улар табиий ҳуқуқлар нормалари ва тамойиллари ҳамда инсонларнинг ўзаро ижтимоий алоқалари шартлари билан боғлиқдир. Шахснинг қонунчиликда бириктирилган реал имкониятларини чеклашнинг чегарадан чиқиши, бундай ҳуқуқларнинг ўзбошимчалик билан чекланиши охир-оқибатда ижтимоий бошқарув тизимининг ишдан чиқишига олиб келади”<sup>155</sup>.

Шунинг таъкидлаш лозимки, айниқса унга сиёсий-фалсафий ёндашганда “инсон ҳуқуқлари” жуда кенг воқелик эканига гувоҳ бўламиз. Гоҳо уни “инсон” тушунчаси билан айнанлаштиришга ёки инсон манфаатлари даражасига кўтаришга дуч келамиз. Бундай ёндашувларда ҳуқуқ ижтимоий ҳаётни йўлга қўйиш, ташкил этиш, субординация ва координация алоқаларини тизимга солиш усули, механизми экани унутилади. Ҳуқуқ феномени кенг маънодаги бошқарув фаолиятига хизмат қилади, унинг қабул қиладиган қарорларини самарали бажарилишини таъминлайди. Инсон ҳуқуқлари ёки жамиятни бошқариш тўғрисида гап кетганда ҳуқуқнинг ушбу функционал хусусиятларини унутмаслик керак.

Инсон ҳуқуқлари, аввало, қонунларни, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни, юридик амалиётни инсонпарвар қилишни назарда тутаяди. Инсонпарварлик у тарғиб этадиган асосий ғоя, фалсафий-ҳуқуқий ва аксиологик парадигма. Бу талабга амал қилмаслик нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътирозлар эшитишга олиб келади. Шунинг учун ҳуқуқ ва бошқарув фаолияти мудом инсонпарварлик тамойилига мувофиқ баҳоланади. Бу улардаги имманент хусусиятлар борлигини инкор қилмайди, балки ушбу хусусиятларга умуминсоний моҳият бахш этади.

Ҳуқуқ ва бошқарувни маълум бир институтларсиз, уюштирилган ижтимоий маконсиз тасаввур этиб бўлмайди. Институтционаллашув замонавий жамиятларнинг мавжудлик, самарали яшаш шартидир.

Ижтимоий ҳаракатлар, шахсий ташаббуслар уюштирилгани туфайли ижтимоий-ҳуқуқий аҳамият ва долзарблик касб этади. Давлат

---

<sup>155</sup> Ўша асар. – 39 б.

институтидан тортиб то фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаларигача ташкил этилсагина, яъни расмий нормативларга мувофиқ уюштирилсагина ижтимоий тараққиётга хизмат қилади. Уюштирилмаган, яъни расмий норматив асосда ташкил этилмаган гуруҳлар бирлиги, ташкилоти мавжуд тузум талабларига мувофиқ эмас. Айнан шунинг учун улар яширин, ижтимоий талабларга мувофиқ келмайдиган, расмий норматив талабларга жавоб бермайдиган ташкилот ҳисобланади. Деструктивлик, экстеримизм авж олган давлатларда бундай, расмий тан олинмаган ташкилотларнинг вужудга келиши табиий ҳолдир. Бу ўринда Сурияда юзага келган “Ислом давлати” каби экстремистик ташкилотнинг қандай фожиаларга олиб келганини эслаш ўринли.

Институтлашув, ҳуқуқий ва сиёсий нуқтаи назардан, амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этилганлик ҳисобланади. Ташкил этилган институт расмий қонунлар талабларига мувофиқ бўлиши ва ўз фаолиятида ижтимоий тараққиётга хизмат қилиши шарт. Бу умумижтимоий талаб институтционал бўлинишни рад этмайди, чунки бутун жамият яхлит уюшма сифатида учрамайди. Ички дифференциациялашув турли ташкилотларни ва бўлимларни юзага келтиради, плюралистик бошқарув бундай ташкилотларнинг имманент хусусиятларига айланади.

Ҳатто яхлит сиёсий бирликнинг, уюшганликнинг намунавий тимсоли бўлган давлат ҳокимияти ҳам турли институтларга бўлиниши демократик тараққиёт талабидир. Мазкур феноменнинг бевосита ҳуқуқ ва бошқарув фаолияти билан боғлиқ масалалари ҳақида тўхталиб сиёсатшунос Ф.Жўрақулов ёзади: “Ҳокимият бўлиниши тизимига оид қарорларни қабул қилиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: (1) муаммоли вазиятни ифодалаш; (2) ривожланиш ва такомиллаштириш борасидаги мақсадларни аниқлаш; (3) қарорнинг оптимал вариантыни топиш; (4) қўйилган мақсадларга эришиш мезонларини аниқлаш; (5) қарорларни асослаш учун моделлар қуриш; (6) қарорларни имкон қадар демократик принципларга асосан мувофиқлаштириш; (7) қарорларни тасдиқлаш; (8) қарорларни амалга ошириш учун тайёрлаш; (9) қарорни амалга ошириш жараёнини бошқариш ва қарор самарадорлигини якуний текшириш<sup>156</sup>.

Бу йўналишлар нафақат давлат ҳокимияти институтларининг бўлинишига, шунингдек, ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ва функционал вазифаларига кўра, маълум бир ишлаб чиқариш, хизмат

<sup>156</sup> Жўрақулов Ф. Ҳокимият бўлинишининг ижтимоий фалсафий асослари: хориж тажрибаси ва миллий амалиёт. –Т.: “Нишон ношир”, 2015. –Б. 81.

кўрсатиш, ўзини ўзи бошқариш орқали маданий ривожланишга эришиш, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришга қаратилган барча институтларга тааллуқлидир. Албатта, бошқариш институтлари ўзининг маҳаллий, миллий ва этномаданий жиҳатларига эга. Ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари умумий парадигмал хусусиятларга эга бўлса-да, ҳар бир ижтимоий муҳит ўзининг этногеографик ва этносоциал талабларига мувофиқ тизимлар яратади.

Демак, бошқариш институтлари ижтимоий муҳит ва ундаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун мавжуд. Аслини олганда ҳар қандай демократик ҳуқуқий давлат бошқариш институтларини аниқ ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун ташкил этади ва уларнинг фаолиятини жуғрофий аниқ, маълум бир ижтимоий муҳитда яшовчи аҳоли, кишиларнинг эҳтиёжларини тўла қондиришга йўналтиради.

Бошқариш ишлари иерархия (субординация) ва координация принципларига қурилади. Иерархия субординация принципи ижтимоий бошқарув тизими субъектларини бирининг иккинчисига бўйсунити, кичик вазифалардагиларнинг юқори вазифалардагиларга итоат этиши, қуйи институтларнинг юқори ёки олий бошқарув институтларига боғлиқлигини англатади. Иерархия субординация ижтимоий бошқарув фаолиятига оид қадриятлар ҳисобланади, бирорта жамият ва давлат уларсиз фаолият юритган, вазифаларини бажарган эмас. Уларнинг социологик аҳамияти ҳуқуқ ва бошқарув фаолиятини тизимли тарзда бир-бирларига боғлайди, қабул қилинган қарорнинг изчиллик ва ҳар бир поғонада керакли даражада бажарилишини таъминлайди. Ҳуқуқ феномени ҳам, бошқариш фаолияти ҳам биринчи навбатда иерархия субординация алоқаларини йўлга қўйишни кўзлайди, режалаштирилган вазифаларини шу заҳоти тизимлар ва институтлар ўртасида тақсимлашга киришади.

Иерархия субординация принципнинг ишламаслиги бошқарув институтининг ишламаслиги демакдир. Яхши ташкил этилган ва режадаги вазифаларини кўнгилдагидек бажарадиган бошқарув институти аслида иерархия субординация ишларини йўлга қўйган ташкилот ҳисобланади. Мазкур фикр бизни, ҳуқуқ – ана шу иерархия субординация принципини йўлга қўювчи, бутун ташкилий бошқарув ишларини ушбу принципга мувофиқ амалга оширишни таъминловчи восита, деган хулосага етаклайди. Ҳуқуқнинг регулятив функцияси биринчи навбатда иерархия субординацияни ташкил этишга қаратилади. Шунинг учун ҳуқуқ ҳақида гап кетганида, унинг ташкилий тизимлар ўртасидаги алоқаларни, қуйи ва ўрта, юқори тизимлар ўртасидаги функционал боғлиқликларни эсан чиқармаслик керак.

Иерархия субординация маъмурий буйруқбозлик бошқаришига яқин туради. Ҳар қандай маъмурий бошқарув иерархия субординацияни тақозо этади. Аммо уни координацион бошқариш принципи билан тўлдириб, бойитиб бориш мумкин. Демократик ҳуқуқий давлат иерахик бошқарувни координацион бошқариш усуллари билан қўшиб олиб боришни тақозо этади, иерархик бошқариш тизимининг самарали ишламаслиги унинг координацион алоқаларнинг етарли эмаслигидадир.

Координацион бошқариш ижтимоий тизимдаги турли мақсадларга эга институтларнинг функционал яқин фаолият йўналишларини уйғунлаштиришни, бирлаштиришни назарда тутди. Масалан, автомобиль ишлаб чиқаришни мақсад қилган ишлаб чиқариш корхонаси ўзининг асосий мақсадидан ташқари ишчи-хизматчиларининг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш ишларини ҳам бажаради. Шундай эҳтиёжларни қондиришга маданият ва маънавият марказлари ҳам йўналтирилган. Шу фаолият йўналишида автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси билан маданият ва маънавият маркази уйғун ҳаракат қилиши мумкин. Бундай ҳамкорлик ва бу борадаги ташкилий ишлар координацион бошқарувни ифодалайди.

Ҳуқуқ ва бошқарув фаолиятининг навбатдаги социологик негизи конституционализмдир.

Конституционализм қабул қилинадиган қонун, қарор, фармон каби меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлатда амал қилинадиган Конституция (Асосий Қонун)га асосланиши, ундаги нормаларга риоя этилиши ва уни норматив қўллаб-қувватланишини аниқлатади. Асосий Қонунда кўрсатилган нормаларга таяниш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишда улардан келиб чиқиш, агар қабул қилинган ҳужжатлар Асосий Қонунга зид келса, улардан воз кечиш конституционализм тамойилидир. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида “...Бирорта ҳам қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас”<sup>157</sup>, деб белгилаб қўйилган.

Конституционализм – бошқарув фаолияти учун ҳам социологик негиз бўлиб хизмат қилади. Давлат ва жамиятни бошқарув Асосий Қонунда<sup>158</sup> “Конституциянинг қадриятлиги унинг бутун жамият, давлат, ижтимоий муносабатлар, ички ва ташқи сиёсат, бошқариш тизими, социум ва демократияга тааллуқли стратегик аҳамиятга эга дастуруламал эканида. Бундай ёндашув Конституцияга

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018., –Б. 4 .

<sup>158</sup> Одилқориев Х.Т., Якубов Ш.У. Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий қадриятлар. Монография.– Тошкент: SM ASIA, 2010. – 400 б.

нафақат юридик догматика (юриспруденция) нуқтаи назаридан, шунингдек, фалсафий аксиологик ёндашиш зарурлигини кўрсатади”<sup>159</sup>.

Чунки Конституция “биринчидан, умумий ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқий борлиқ яратади. Бу борлиқ айрим норматив ҳужжатлар, қонунларнинг ўзидан ҳам, улар шакллантирадиган институтлар ва хатти-ҳаракатлардан ҳам кенг; иккинчидан, Конституция прогностик ҳужжат, у келажакни яратиш стратегиясини, ушбу мақсадга эришиш технологиясини ифода этади; учинчидан, “Конституциядаги нормалар, меъёрлар илмий ва ғоявий изланишлар маҳсули ҳисобланади. Уларни биз қанчалик реал ҳаёт, объектив борлиқ ва ижтимоий эҳтиёжлар билан боғламайлик, уларнинг илмий ва ғоявий изланишлар маҳсули эканини инкор қилолмаймиз. Конституция бизга, энг аввал, илмий ва ғоявий қарашлар сифатида таъсир этади, у ўз даврининг сиёсий ҳуқуқий фалсафасидир”<sup>160</sup>; тўртинчидан, “Конституциявий нормалар бевосита амал қилади, яъни ҳеч қандай кўшимча шарҳсиз, қонуности ҳужжатисиз, бошқа норматив ҳужжатлар орқали тасдиқланмай, амалга жорий этилади. Унда белгиланган тартиб, қоида, нормалар шубҳа остига олинмайди, бошқа ҳужжат ва меъёрлар билан тўхтатилиб, бажарилишига тўсиқ қўйилмайди.

Конституция ўз мавжудлигича амал қилади, у “ўзи ўзига баҳо, ўзи ўзига меъёрдир”. Халқ ақлу иродасини, орзу-истаклари ва хоҳишларини ифода этган Конституция мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилиниши юридик догматикада, юриспруденцияда эътироф этилган воқелик”<sup>161</sup>.

Конституционализм ўрнатилган нормаларга тўла-тўқис амал қилиш тамойили ҳисобланади. Унинг баъзи моддалари илмий баҳс уйғотганида ҳам ўша нормага тўла риоя этиш талаб қилинади. Шу нуқтаи назардан конституционализм меъёрий-ҳуқуқий нормаларга амал қилиш тамойили, юридик догматикани эътироф этиш шартидир.

Бошқарув фаолияти билан амал қилиниши шарт тартиблар, меъёрий нормалар ўртасида баъзан номутаносибликлар, ҳатто зиддиятлар пайдо бўлиши мумкин. Агар бу номутаносибликлар, зиддиятлар миллий ҳуқуқий тизимда ҳал этилмаса, ҳалқаро ҳуқуқ ёки умуминсоний ахлоқий нормалар орқали ечилиши кенг тарқалган. Буни конституционализм тамойили ҳам тасдиқлайди. Энг муҳими имплементация ижодий, креатив жараён бўлиши лозим.

---

<sup>159</sup> Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадрятларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари).– Тошкент: Университет, 2017., –Б. 49.

<sup>160</sup> Атауллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадрятларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари).– Тошкент: Университет, 2017., –Б. 50-52.

<sup>161</sup> Ўша асар. –Б. 55.

Бошқарув фаолиятининг марказида лидер, унинг фазилатлари туради. Лидерлик ва етакчилик фазилатлари аввало субъектнинг меъёрий-ҳуқуқий нормалардан хабардорлиги, уларни жамоани ташкил этиш, уюштириш, бошқаришга татбиқ этишида кўзга ташланади. Ҳуқуқий саводхон лидер нафақат ўз хатти-ҳаракатларини, шунингдек, жамоа фаолиятини ҳам қонуний талабларга мувофиқ олиб боради. Лидерлик шунчаки ташкилотчилик ёки ташаббускорлик эмас, у давлат ва жамиятнинг қонуний талабларига мувофиқ яшаш, ишлаш, фикрлаш тарзи ҳамдир.

Демократик ҳуқуқий давлат, ижтимоий-ҳуқуқий борлик лидерга алоҳида масъулият юклайди. Биринчидан, унинг фаолияти қонуний бўлиши, конституциявийлик тамойилларига мувофиқ келиши; иккинчидан, назарда тутилган мақсад, эришиладиган марра жамиятнинг, давлатнинг умуммақсадидан келиб чиқиши; учинчидан, меҳнат низолари фақат қонуний йўл билан ҳал этилиши; тўртинчиси, бошқарув тизими демократия тамойилларига мувофиқ тузилиши; бешинчидан, иерархияда масъуллик лидер шахсига юклатилиши лозим<sup>162</sup>.

Етакчидаги фазилатлар қўл остидагиларга тез “юқиш” хусусиятларига эга. Бу фазилатлар баъзи ҳолларда ижтимоий-ҳуқуқий борлик талабларига мувофиқ келавермайди. Эгоистик эҳтиёжлар, ўз манфаатини кўзлаш бу фазилатларни жамоага қарши қўйиши кузатилади. Жамоа билан етакчи, раҳбар ўртасидаги зиддиятлар, низолар ана шу сабаб авж олади, бу аслида “инқирозли тўқнашувлар”дир. Ижтимоий-ҳуқуқий борликда амал қиладиган нормалар бу тўқнашувларни конструктив йўлга солиши учун аввало лидердаги “ҳуқуқий нигилизм”ни бартараф этиши зарур. Хусусий мулк мавжуд жамоада бунга эришиш осон кечмайди.

Ҳуқуқий саводхонлик бевосита зиддиятларни, низоларни бартараф этишга йўналтирилмаган, у бундай мақсадни ва вазифаларни ўз олдига қўймайди ҳам, у ушбу зиддиятлар ва низоларнинг олдини олувчи омил сифатида келади. Унинг бу хусусияти билимнинг хусусиятига ҳамоҳангдир, айнандир. Ҳуқуқий саводхонликдаги социоаксиологик моҳият ҳам шахсни ҳуқуқий билимли, саводли қилиш. Ҳуқуқий саводхонликдаги позитивлик шахсни фаолликка етакловчи куч, омил сифатида келишидадир. Лидерлик ва масъуллик ушбу кучга, омилга таянганида кишиларни қабул қилинган режалар, мақсад ва вазифалар

---

<sup>162</sup>Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу.– Москва: Рипор, 1992; Румянцева В. Лидер: опыт изучения психологии неформального лидерства.– СПб.: – Питер, 1996; Халипов В.Ф. Введение в науку о власти.– Москва: Феникс, 1996.

атрофида уюштиради, уларда эришилиши назарда тутилган муваффақиятларга оптимизм уйғотади.

### **3.2§ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини кафолатлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли**

Қадимги Рим алломалари айтганидек, ҳимоя воситалари бор жойдагина ҳуқуқ бўлади. Ва, аксинча: ҳимоя воситалари фақат ҳуқуқ мавжуд бўлган жойда бордир.

Том маънодаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаларини яратиш учун кўп меҳнат қилиш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, агар жамият аъзолари ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини яхши билсалар, инсон кадр-қимматини эъвозласалар, ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилишни билсалар, қандай ва қаерда ҳимоя қилишга тайёр бўлсалар фуқаролик жамияти самарали ва ишончли воситага айланади. Шунини таъкидлаш керакки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – инсоннинг кундалик ҳаёти бўлиб, қандалик прадокс бўлмасин, мансабдор шахслар, давлат органлари ва давлатнинг ўзи таҳдид солади. Ваҳоланки уларнинг ўзлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафили бўлиб хизмат қилиши лозимдир.

Табиийки, ҳуқуқлари бузилган ёки эркинликлари чекланган ҳар бир шахс вужудга келган вазиятни адолатли ва ҳалол кўриб чиқиб, ўзини ҳимоя қила оладиган ҳокимият вакиллари топишга интилади. Аввало, бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун миллий воситалар, яъни фуқаролик жамиятининг турли институтлари, давлат идоралари, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий механизмлар мажмуи ҳисобланди. Амалиётдан кўриниб турибдики, инсон ҳаёти, эркинлиги, хавфсизлигини ҳимоя қилиш ва ҳаёт учун нормал инсоний шароитлар яратилганига қарамай, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доимий таҳдид айнан айрим давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат хизматчиларидан келиб чиқади. Ўзини ва яқинларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиш учун ҳимояни кўпчилик ҳолларда фуқаролик жамиятидан излашлари кераклиги аён бўлади. Бир вақтлар давлат ва унинг машинаси ҳеч қандай раҳм-шафқат ва ҳимоя бўлмайдиган қудратли, шафқатсиз ва бераҳм ҳайвонни *Левиафан* деб номлангани бежиз эмас. Турли объектив ва субъектив омиллар сабаб одамлар ҳимоя механизмларини ўзлари яратиши зарур, деган фикрга келишади. Улар айнан турли фуқаролик жамияти институтлари, яъни: жамоат комиссиялари; ҳарбий хизматчилар, олимлар, шифокорлар ассоциациялари; ногиронлар, фахрийлар бирлашмалари; аҳолининг

турли гуруҳлари ва қатламларининг ташкилотлари, масалан, аёллар, турли соҳалардаги ишчилар, нафақахўрлар; шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳар хил марказлари ва ҳ.к.

Фуқаролик жамиятининг асосий ячейкаси ҳисобланган жамоат бирлашмалари турли хил миссияларни бажара туриб, давлат бошқарувидаги кўплаб камчилик (пробел)ларни тўлдириб боришади. Улар аҳолининг ижтимоий, сиёсий, маданий ва мафкуравий жиҳатдан уюшишига ҳамда шахснинг фаол фуқаро сифатида шаклланишига кўмак беради. Бу борада жамоат бирлашмаларига Р.Тернер ва Л.Киллиан берган таъриф ҳам диққатга сазовор. Улар: “жамоат бирлашмалари ва ижтимоий ҳаракатлар – бу узок муддат фаолият олиб борувчи, асосий мақсади жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларга ёрдам бериш (ёки қарши туриш) ҳисобланган жамоавий уюшмадир”<sup>163</sup>, дея таъкидлашади.

Фуқаролик жамияти институтларини самарали ва тўла маънода тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида иштирокини таҳлил қилиш мақсадида фуқаролик жамияти институтларини қуйидагича классификация қилиш мумкин:

1) *фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида фаолият олиб борувчи фуқаролик жамияти институтлари* – адвокатура, инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, нотариал идоралар ва бошқ.;

2) *сиёсий соҳада фаолият юритувчи фуқаролик жамияти институтлари* – сиёсий партия ва ҳаракатлар;

3) *ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий соҳада фаолият олиб борувчи фуқаролик жамияти институтлари* – нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ), жамоат фондлари, бирлашмалар, касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва б.

Демократик давлатнинг сиёсий тизимини шакллантиришда фуқаролик жамиятида аллақачон ўрнатилган муносабатлар даражаси ҳисобга олинади, бу эса ўз навбатида муносабатлар стереотипи, жамият аъзоларининг маълум фаолияти, ўрнатилган кадриятлар тизими, жамиятнинг ўзини ўзи ташкил этишининг реал даражаси ва шу билан бирга давлат машинасидан деярли мустақил равишда шакллантиради. Фуқаролик жамиятидаги кадрият ифодаси, унга хос бўлган тақдирда, жамоатчиликнинг ижтимоий муносабатлари даражасини, фуқароларнинг ташаббускорлигини, маълум бир фуқаролик жамиятида

<sup>163</sup> Turner R., Killian L. Collective behavior. — N.Y., 1972. — P. 308.



ўрнатилган кадриятлар тизимини, шунингдек, давлат билан муносабатларда ўз аксини топади.

Фақатгина ҳақиқий демократиянинг эркин жамиятида инсон ҳақиқатан ҳам эркин бўлиши мумкин, унда давлат ва сиёсий ҳокимият жамият устудан эмас, балки жамият давлат устидан шартсиз устунликка эга бўлади. Бундай жамиятни яратиш тарихий жиҳатдан узоқ жараёни талаб қилиши аниқ ва у фуқаролик жамиятини шакллантириш асослари ва шартлари билан боғлиқдир.

Масалан, Т.Пейн ўзининг “Инсон ҳуқуқлари” (1791-1792) номли асарида фуқаролик жамияти қанчалик мукамал бўлса, у ўзини ўзи бошқаради ва ушбу жабҳада ҳукуматга кам имкониятлар қолдиради, дейди<sup>164</sup>. Унга кўра, агар табиий ҳуқуқлар инсонга табиатан хос бўлса, фуқаролик инсон ҳуқуқлари қабила жамиятидан давлатга ўтиш жараёнида одамлар ўз табиий ҳуқуқларининг бир қисмини “умумий фонд”га ўтказиш натижасида шаклланади. Шунинг учун ҳам у ҳокимият давлатга фақат уни исталган вақтда қонуний равишда қайтариб олишга қодир фуқаролар розилиги асосида берилишини таъкидлагани ҳолда, ҳукуматнинг мутлоқ ҳокимият юритишини истисно қилади.

Маълумки, фуқаролик жамияти инсониятнинг тарихий тараққиёти маҳсули сифатида ўз вақтида ҳуқуқий давлат шакллана бошлаган даврга тўғри келади. Фуқаролик жамияти пайдо бўлишининг зарурий шарти барча фуқаролар учун хусусий мулк асосида иқтисодий мустақиллик имкониятининг пайдо бўлиши ҳисобланади, гарчи бу жараён зиддиятли ва нафақат ижобий, айрим ҳолларда у ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Фуқаролик жамияти пайдо бўлиши ва шаклланиши учун зарур шартлар орасида энг муҳими, субъектдан унга тенг келадиган бошқа барча фуқаролар билан тенг қонуний ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган фуқарога айланадиган инсон шахсининг тобора ортиб бораётган аҳамияти бўлди. Фуқаролик жамияти билан параллель равишда вужудга келадиган қонун устуворлиги фуқаролик жамиятининг сиёсий асосидир ва давлат позициясидан келиб чиқиб, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Айнан шу шароитда инсоннинг хатти-ҳаракати унинг манфаатлари билан белгиланади, шу билан бирга, у бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш шарти билан ўз эркинлигини, инсоний кадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўяди.

Умум қабул қилинган хулоса шуки, инсон ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд бўлган фуқаролик жамияти фақат учта асосий

---

<sup>164</sup> Пейн Т. Права человека// Американские просветители. Избр. Произведения. М.:1969. –Т. 2.–С.64.

шаклда мужассам: фуқароларнинг соғлом ташаббусида; турли нодавлат, баъзан сиёсий бўлмаган ташкилотларда фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари шаклида; ва оилавий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, маданий, диний ва бошқалар каби нодавлат ижтимоий муносабатларни ривожлантиришида, фуқаролик жамияти ушбу институтлари фаолияти турли хилликларнинг тўлиқ қондирилиши учун шароитларни таъминлашга қаратилган.

Бугунги кунда “учинчи сектор” дея номланувчи турли ННТларнинг энг муҳим вазифаларидан яна бири бу – жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ва дискриминацияга учраётган гуруҳлар манфаатларини ҳимоя қилиш (advocacy) ҳисобланади. Бундан ташқари, экологик муаммолар, инсон ҳуқуқларини ҳимояси, коррупцияни олдини олиш, жамоатчилик назорати каби «умумий фаровонликни кўзловчи» (watchdog) вазифаларни бажаришда ННТлар ҳам катта аҳамият касб этади<sup>165</sup>.

Ҳеч қандай шубҳа йўқ-ки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий миллий воситаси куч ва ваколатларни сиёсий жамиятнинг кўплаб субъектлари ва институтлари ўртасида тақсимлайдиган, уларни шакллантириш тартиби ва ўзаро таъсир усулларини белгилайдиган бу миллий конституциясидир. Ҳар бир муассаса фаолиятининг мақсади ва сиёсий муносабатлар тизимининг ҳар бир субъектининг мажбуриятлари аниқ белгиланган. Шу билан бирга, агар Конституциянинг ўзи ҳақиқатан ҳам оммавий, умуммиллий бунёдкорликнинг натижаси бўлса, унда маълум бир жамият учун сиёсий ташкилотнинг энг яхши шакли белгиланади ва иложи борича барча фуқароларнинг манфаатлари мувозанати давлат ҳудуди ҳисобга олинади, уларнинг барчаси қонуний ва ахлоқий, баъзан эса диний меъёр сифатида кузатилади ва унинг бузилиши одамлар томонидан оғир жиноят сифатида қабул қилинган, деб ҳисобланади.

Шахс фуқаролик жамиятининг асосий элементи сифатида тан олиниши шарти билан, унинг асосий элементлари шахсни, унинг манфаатлари, мақсадлари, интилишларини тўлиқ амалга оширишга ҳисса қўшишга мўлжалланган ижтимоий институтлар, ташкилотлар ва гуруҳлар шаклланади. Шахсий эркинлик ва хусусий мулк ғоялари фуқаролик жамияти концепцияси асосида ишчилар, фермерлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, турли касб вакиллари, масалан, шифокорлар, фуқаролик жамиятида муҳим ўринга эга бўла борди.

---

<sup>165</sup> Саидов С. Ижтимоий капитал – фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. -Т., 2019. –Б. 67-68.

Мамлакатимизда бугунги кунда демократик ривожланишнинг янги бир босқичига ўтиш жараёни юз бермоқда. Демократик сайловлар, кўппартиявийликнинг мустақамланиб бориши, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият доирасининг тобора кенгайиб бориши, парламентдаги партия фракцияларининг ижро ҳокимиятини шакллантиришдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини мустақамланиши – булар ҳаммаси ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги собит қадамлардир<sup>166</sup>.

Фуқаролик жамияти – ижтимоий ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларида асосий нодавлат тузилма (уюшма, партия)ларни вужудга келтирадиган жамиятдир. Мазкур жамият ўз фаолиятида давлатдан, унинг идораларидан холи бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтларнинг муштарак тизимидир. Фуқаролик жамиятини мамлакатдаги давлат-ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар жамулжами тарзида таърифлаш мумкин.

Давлат ва унинг органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги, ижтимоий шериклиги мамлакат тараққиётининг самарали кафолатларидан биридир. Табиийки, ушбу ҳамкорлик (шериклик) қонунлар доирасида, шунингдек, ахлоқ, маданият, урф-одат ва анъаналар асосида кечади. Бу жараёнда шунга урғу бериш керакки, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари турли мазмундаги ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва юридик масалалар бўйича мулоқотга киришар экан, улар ҳуқуқнинг тенг субъектлари сифатида майдонга чиқишлари назарда тутилади. Бунда ижтимоий шериклар ўз имкониятларини бирлаштириб уйғун ҳаракат қилиш баробарида, бир-бирини ўзаро назорат ҳам қилади.

Ҳозирга қадар мамлакатда давлат идоралари, жамият тузилмалари, фуқаролар фаолияти устидан давлат назоратининг қўйидаги турлари шаклланган, яъни конституциявий назорат, парламент назорати, Омбудсман назорати, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ назорати, суд назорати (контроли), прокурор назорати, молиявий (бюджет) назорат, ижро ҳокимияти тузилмаларидаги ички назорат, ички ишлар идоралари тизимидаги (маъмурий) назорат, экологик назорат, тоғ-кон назорати, санитария назорати ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан ижтимоий ҳаётда

---

<sup>166</sup> Yuridik fanlar axborotnomasi-Vestnik yuridicheskikh nauk-Review of Law Sciences 1 (2017) 25-32

адолат ва қонунийлик таъминланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари руёбга чиқарилиши борасида, жамият манфаатлари муҳофазаланиши юзасидан амалга ошириладиган *жамоатчилик назорати* ҳам давлат назорати каби кенг кўламли тарзда шакллантирилиши бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, фуқаролик жамиятининг муҳим хусусияти унинг давлат органлари фаолиятини самарали назорат қила олишидир. Фуқаролик жамиятида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати унинг институтлари томонидан амалга оширилади. Жамоатчилик назоратини кучайтириш – давлат органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашнинг ишончли механизми сифатида майдонга чиқади.

Шу муносабат билан фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бўлмиш “жамоатчилик назорати” тушунчасига тўғри ижтимоий-сиёсий таъриф берилиши амалий ва назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга масаладир. Чунки “жамоатчилик назорати” тушунчасига хорижий ва миллий адабиётларда берилган таърифларда олимлар яқдил фикрда эмас. Бу борада муайян бир ёндашувни шакллантириш учун ўқув ва илмий адабиётларда жамоатчилик назорати тушунчаси қай тарзда талқин этилиши борасида эътибор қаратиш зарур.

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида, жамоатчилик назорати – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (институтлари), шунингдек давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат, деб қайд этилган.

Р.Ҳақимовнинг фикрича, жамоатчилик назорати кучли фуқаролик жамиятининг ажралмас белгиларидан бўлиб, фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик томонидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, уларнинг мансабдор шахслар фаолиятини қонунга мувофиқлик нуқтаи назаридан мунтазам назорат қилишни англатади<sup>167</sup>.

Айрим олимларнинг фикрича, жамоатчилик назорати – бу сиёсий партиялар, турли жамоат бирлашмалари, кўнгилли ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар, яъни жамоатчилик назорати субъектлари томонидан давлат органлари фаолиятида қонунийликка ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга риоя этилиши устидан амалга оширадиган ижтимоий назоратдир. Жамоатчилик назоратини ижро ҳокимияти устидан амалга ошириш масалаларини монографик

---


<sup>167</sup> ҳақимов Р. мамлакатни модернизатсия қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда жамоатчилик назоратини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари // Фуқаролик жамияти. – 2011. – №10. – В.5.

жиҳатдан ўрганган Х.Р.Мухамедходжаеванинг фикрича, “Жамоатчилик назорати жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, олимлар жамияти, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар ҳамда уларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа уюшмалар томонидан назорат қилинаётган давлат органи фаолиятида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, кучайтириш мақсадида амалга ошириладиган назоратдир”<sup>168</sup>. Мазкур таърифда тадқиқотчи жамоатчилик назорати субъектларини номма-ном келтириб ўтади.

Профессор О.Оқюлов жамоатчилик назоратини иқтисодиёт соҳаси билан чеклаган ҳолда кўрсатади, яъни “фуқаролик жамиятида илгари давлат бошқарувида бўлган ишларни бир қисми жамоа бошқарувига ўтади, шунингдек, кучли жамоат назорати тизими амал қилади. Иқтисодиёт соҳасида, масалан, ҳакамлар судлари ва халқаро арбитражлар томонидан низоларни ҳал этиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат бирлашмалари фаолият юритиши бунга яққол мисол бўла олади”<sup>169</sup>, деб таъкидлаб ўтади.

### 3.1-Жадвал.

#### Жамоатчилик назоратининг асосий субъектлари



<sup>168</sup> мухамедходжаева Х.Р. Ёро ноқимйати фаолияти уузасидан жамоатчилик назорати: назариуноқуқий муаммолар. Юрид. фанлар номз. дис... автoref. – Тошкент, 2011. – В.16.

<sup>169</sup> Оқюлов О. Фуқаролик жамияти ва еркин иқтисодийот // “О‘збекистонда фуқаролик жамияти институтларини снақллантириш масалалари: назариya ва амалийот” мавзусидаги илмиy-амалиy конференсиya материаллари. – Т., 2007. – В.51.

Б.И.Исмоилов жамоатчилик назорати тушунчасини фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари ва бошқаруви устидан назоратидир<sup>170</sup>, деб тавсифлайди.

тадқиқотчи Ж.Чоршанбиев фуқаролик жамиятини шакллантиришда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳақида фикр юритиб, “жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат барқарор бўлишида шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик бўлиши учун хизмат қиладиган муҳим омилдир. У инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланиши, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор бўлишини таъминлайди. Жамоатчилик назорати – фуқаролар томонидан амалга ошириладиган назоратдир”<sup>171</sup>.

тадқиқотчи Ш.Бафаев жамоатчилик назорати ҳақида мушоҳада этиб, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш нафақат давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорлари қанчалик сифатли чиқарилиб, ижрочиларга етказилишигагина боғлиқ бўлмасдан, балки аҳолининг мазкур ижтимоий-иқтисодий қарорларнинг ҳокимият томонидан кўзда тутилган ечимларига муносабати ҳамда аҳоли давлат-ҳокимият ваколатларга эга бўлган давлат органлари таъсир кўрсата оладими ва уларнинг фаолиятини назорат қила оладими, деган масалаларга ҳам боғлиқдир<sup>172</sup>. Шунга кўра бугунги кунда кун тартибида биринчи ўринга давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан фуқаролик жамияти институтлари томонидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш масаласи қўйилмоқда.

Ҳуқуқшунос олим Ж.Абдуллаев фуқаролик жамиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни масаласида фикр юритади. “Давлат ҳокимияти органлари устидан кучли жамоатчилик назоратининг мавжудлиги – фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир. Бинобарин, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг фаоллиги, ижтимоий ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги ҳамда ҳар бир давлат хизматчиси ўз

---

<sup>170</sup> Ismailov B. Davlat faoliyati ustidan jamoatchilik nazoratini amalga oshirishning amaliy jihatlari // “O‘zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarini shakllantirish masalalari: nazariya va amaliyot” mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T., 2007. – B. 44–49.

<sup>171</sup> Chorshanbiyev J. Jamiyatni demokratlashtirish, inson huquqlarini himoya qilishda jamoatchilik nazoratining roli // Jamiyatni demokratlashtirish va inson huquqlarini ta'minlash – O‘zbekiston tajribasi mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – T.: Snaşma Print, 2009. – B.336.

<sup>172</sup> Bafayev Sh. Obsnyestvenniy kontrol kak vajniy faktor postroyeniya demokraticeskogo pravovogo gosudarstva i grajdanskogo obsnyestva // Obsnyestvennoye mneniye. Prava cheloveka. – T., 2007. № 1. – S.30.

фаолиятининг жамоатчилик назорати остида эканлигини чуқур ҳис этиши муҳим аҳамиятга эгадир”<sup>173</sup>.

Жамоатчилик назорати борасида қатор илмий изланиш олиб борган В.В.Федоров уни кенг ва тор маъноларда тушуниш лозимлигини таъкидлар экан, кенг маънодаги “жамоатчилик назорати”га давлатнинг жамият олдидаги ўз мажбуриятларини таъминлаш учун давлатга фуқаролик жамияти томонидан таъсир ўтказиладиган усул, восита, тамойил ва шакллар йиғиндиси сифатида таърифласа, тор маънодаги жамоат назоратига жамият ва давлат ўртасидаги норматив белгиланган муносабатларнинг амалга оширилишини таъминловчи фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти<sup>174</sup> сифатида изоҳлайди.

Фуқаролик жамиятининг муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт-шароитлар ҳам ажратилган бўлиб, улар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) биринчи навбатда мулк, бу биринчи шарт бўлган мулкдир, яъни мулкнинг мавжудлиги мажбурийдир. Ушбу шарт фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси ўзларини мустақил фуқаро сифатида ҳис қилиш ҳуқуқини берадиган мол-мулкка эга бўлишини, яқин атрофдаги ва уларнинг шахсий мулкларига нисбатан бир хил ҳуқуқларга эга бўлган кишиларнинг мулкига ҳурмат кўрсатилишини назарда тутди; 2) иккинчи шарт турли хил ижтимоий-сиёсий ижтимоий тузилманинг етарлича ривожланишини назарда тутди, жамиятдаги барча манфаатларнинг кўплигини ифода этади, бу, авваламбор, сиёсий гуруҳлар, иттифоқлар, партиялар, ташкилотлар, босим гуруҳларининг хилма-хиллиги. Объектив равишда ушбу тузилма шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларда ифодаланган мавжуд вертикал алоқалар билан бир қаторда жамиятдаги горизонтал алоқаларни ҳам яратади ва уни янада уюшган, бардошли ва етарлича барқарор қилади, иккинчиси бўлмаган тақдирда, фуқаро тўғридан-тўғри давлат билан боғлиқ бўлиб, кейин кескин зиддият пайдо бўлади; 3) шахсни ривожлантириш, жамоат ўзини ўзи бошқаришда фаол, онгли иштирок этиш – бу учинчи шарт бўлиб, фуқаролик жамиятини фақат шундай ривожланиш даражасидаги шахс билан яратиш мумкинлигини ҳисобга олсак, уни биз ҳам ижтимоий, ҳам шахсият деб атаймиз маънавий ва психологик маънода, бу ҳар қандай фуқаролик жамиятининг у ёки бу институтида иштирок этиш билан тўлиқ ташаббусни назарда тутди.

---

<sup>173</sup> Abdullayev J.M. Fuqarolik jamiyatini shakllantirishda ommaviy aborot vositalarining roli (nazariy-huquqiy masalalar). Yurid. fan. nomz. ... dis. avtoreferati. – T., 2008. – B.27.

<sup>174</sup> Fedorov V.V. Obsnyestvenniy kontrol za deyatelnostyu ugovovno-ispolnitelnoy sistemi kak forma vzaimodeystviya grazhdanskogo obsnyestva s gosudarstvom. Avtoreferat dissertatsii na soiskaniye uchlenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk – Vladimir, 2006. – S.4.

Давлат раҳбари томонидан мамлакатни ўрта истиқболда тараққий эттиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича бош дастури – Ҳаракатлар стратегияси, унинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси” тақдим этилар экан, бу ҳужжатларда ҳам жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситаларини ролини ошириш, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, барча соҳаларда жамоатчилик назорати тизимини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш масалалари асосий вазифа сифатида қайд этилганини кўриш мумкин.

Бу борада, энг аввало, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти самарадорлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ташаббускорлигини рағбатлантиришга қаратилган зарур институционал базани мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилган.

Шунингдек, янги босқичдаги ислоҳотлар жараёнида давлат органлари томонидан халқ билан мулоқот ўрнатиб, муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларда қарорлар қабул қилишда, аввало, аҳолининг фикрини инобатга олиш тизими шакллантирилди. нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиғини мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш, ёш авлодни баркамол вояга етказиш ҳамда фуқароларнинг тиббий, ҳуқуқий билимларини ошириш ва бошқа қатор ислоҳотларда фаол иштирок этишига кенг йўл берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев илгари сурган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”<sup>175</sup>, деган ташаббус асосида фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини амалда таъминлаш масаласи кун тартибига олиб чиқилганидан сўнг демократик ислоҳотларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг фаоллиги сезиларли равишда оша бошлади.

Жумладан, халқ манфаатларини кўзлаб қабул қилинаётган қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилаётгани, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётгани, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда давлат органлари ва уларнинг раҳбар-мутасаддилари ишига аҳоли томонидан

---

<sup>175</sup> Туляков Э. Давлат бошқаруви тизимидаги ислоҳотлар учинчи ренессанс сари дадил қадам. <https://strategy.uz/index.php?news=1070>



билдирилаётган танқидий муносабатлар натижасида кўплаб камчилик ва муаммолар, қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда.

Ўз навбатида, инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, халқнинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш ва ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал<sup>176</sup> ва Халқ қабулхоналари<sup>177</sup> ташкил этилди. Мазкур тузилмалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлиги, шунингдек, жойлардаги муаммоларни чуқур таҳлил этиш механизми ва давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонига айланди. Мурожаатлар билан ишлаш тизимининг қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда<sup>178</sup> қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча вилоят, шаҳар ва туманларидаги Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишнинг фаол тизимига ўтиб<sup>179</sup>, аҳоли билан бевосита мулоқотни, жойларда юзага келган камчиликларни бартараф қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда. Халқ қабулхоналарига давлат органларининг фаолиятини ўрганиш, уларга тақдимномалар киритиш, қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларни лавозимидан озод этишгача интизомий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш ваколати берилди.

Биргина ўтган 2021 йилда Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 1,2 миллионга яқин мурожаат бўлган. Президент Халқ қабулхоналари томонидан киритилган ахборот ва эшитилган ҳисоботлар натижасида мурожаатлар билан талаблар даражасида ишламаган 752 нафар масъул ходим жавобгарликка тортилган<sup>180</sup>. Шу билан бирга, кейинги вақтларда барча вазирлик ва идораларнинг расмий веб-сайтларида очилган виртуал қабулхоналар орқали ҳам фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятлари қабул қилиниб, уларга ўз вақтида тегишли муносабат билдириб бориш амалиёти йўлга қўйилганини кузатиш мумкин. Қолаверса, барча даражадаги масъул

<sup>176</sup>

Ахборот-ҳуқуқий

портал.

[https://www.norma.uz/uz/bizning\\_snarhlar/prezident\\_virtual\\_qabulhonasining\\_yangi\\_talqini\\_isnga\\_tushirildi](https://www.norma.uz/uz/bizning_snarhlar/prezident_virtual_qabulhonasining_yangi_talqini_isnga_tushirildi)

<sup>177</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4166958>

<sup>178</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3336169>

<sup>179</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/4166958>

<sup>180</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси сайти. <https://yuz.uz/news/2020-yilda-prezident-xalq-qabulxonalariga-1-milliondan-ortiq-murojaat-kelib-tushgan>

мансабдор шахслар жойларда маҳаллалар кесимида иш олиб бориб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш бўйича юзага келган камчиликларни аниқлаб, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида одамларнинг фикрини ўрганиб бормоқда ва шу асосда ўз ишини ташкил этиш ҳаракатида бўлмоқда<sup>181</sup>.

Бундан ташқари, Президент Администрацияси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ҳудудларда мунтазам равишда оммавий сайёр қабулларини ташкил этиш тизими шакллантирилди. Биргина ўтган 2020 йилда 19 мингдан ортиқ ана шундай сайёр қабул ўтказилиб, уларда 120 мингга яқин аҳоли вакилларининг 124 мингдан ортиқ муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилган<sup>182</sup>.

Янги Ўзбекистонни шакллантириш йўлидаги ислохотлар жараёнида, Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида қабул қилинаётган ҳар йилги Давлат дастурлари лойиҳасини тайёрлашда ҳам, биринчи галда аҳоли томонидан кўтариб чиқилган долзарб масалалар, ечимини кутаётган муаммолар эътиборга олинди, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат ташкилотларнинг таклифлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган танқидий чиқишлар инобатга олинмоқда. Дастур лойиҳаси ишлаб чиқилганидан сўнг ҳам у умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилиб, оддий одамларнинг, мутахассис-экспертлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакилларининг фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсиялари инобатга олинганидан сўнггина қабул қилиниб, ижрога йўналтирилмоқда<sup>183</sup>.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янгиланаётган Ўзбекистонда ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатишга бўлган конституциявий ҳуқуқи амалда таъминланаётгани халқаро ҳамжамият эътирофига тушди<sup>184</sup>. Хусусан, Президент талаби билан давлат бошқаруви органлари фаолиятидаги “ёпиқ эшиклар” очилиб, шаффофлик таъминланиши натижасида, айниқса, аҳолининг ўзи хоҳлаган мавзуда танқидий фикрларини эмин-эркин билдиришига “очиқ майдон” яратиб берилди. Давлат раҳбарининг шахсан ўзи ҳам жамиятда

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали. [https://gov.uz/uz/pages/government\\_sites](https://gov.uz/uz/pages/government_sites)

<sup>182</sup> Халқ қабулхоналарига билдирилаётган мурожаат ҳамда таклифлар йирик лойиҳалар ва дастурларга асос бўлиб хизмат қилмоқда. “Янги Ўзбекистон” газетаси, 2021 йил 5 январь, №2-сон. <http://online.anyflip.com/brpug/atkd/mobile/index.html>

<sup>183</sup> Тараққиёт стратегияси сайти. <https://strategy.uz/index.php?news=119&lang=uz>

<sup>184</sup> “Янги Ўзбекистон” газетаси сайти. <https://yuz.uz/news/soz-erkinligi-barqaror-taraqqiyot-masalalariga-namnafas>

учраётган ва оммани қийнаётган муаммолар ҳақида ижтимоий тармоқларда, миллий ва хориж ОАВлари ҳамда бошқа манбаларда бўлаётган чиқишларни мунтазам кузатиб боради, ушбу масалалар ечимида лоқайдлик қилаётган мутасадди раҳбарларга гоҳо танбех беради, гоҳо интизомий жазо чораларини қўллайди, ҳатто лавозимидан озод қилади ва бу жараёнларда фуқаролик жамияти институтларини муросасиз бўлишга даъват этади<sup>185</sup>.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йилда қабул қилинган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун<sup>186</sup>да бу институтнинг амалда ишлайдиган, самарали механизмлари жорий қилинди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролар, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатлари тартибга солинди. Президентимиз қарори билан давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари тузилди. Бу кенгашлар қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар ва лойиҳаларни рўёбга чиқариш бўйича давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирок этишмоқда.

Шундай қилиб, айна вақтда Янги Ўзбекистонда кучли ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида натижадор ҳамкорликни ташкил этишнинг, шунингдек, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашнинг муҳим воситаси бу – жамоатчилик назорати институти экани янгиланган сиёсатнинг ўзагини ташкил этмоқда.

Шу маънода, мамлакатда жамоатчилик назорати институти фаолиятини янада ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, фуқароларнинг давлат ва жамият

---

<sup>185</sup> Мирзиёев Ш. Халқимизга газ керак, уларнинг кўпчилиги бунинг учун тўловларни ўз вақтида ҳалол қилиб, тўлаб келмоқда. <https://review.uz/oz/post/xalqimizga-gaz-kerak-ularning-korpcniligi-buning-uchun-tolovlarni-oz-vaqtida-nalol-qilib-tolab-kelmoqda-shavkat-mirziyoyev>

<sup>186</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3679092>

ишларидаги иштирокини кучайтириш, давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш, мухтасар айтганда, давлат, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг тизимли мулоқотини йўлга қўйиш масалаларига устувор аҳамият қаратиб келинмоқда.

Очиқ тан олиш керак, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 9200 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари мавжуд бўлса-да<sup>187</sup>, уларнинг аксарияти жамият ҳаётида ўз ўрни ва ролини тополмаган, фаолияти сезиларли даражада эмасди. Шу билан бирга, жамоатчилик назорати субъектлари ҳисобланган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан ислохотлар жараёнида иштирок этиш масаласи ҳам бугунги замон талабларига жавоб бермасди. Айниқса, аксарият фуқаролик жамияти институтлари давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масалалар муҳокамаси бўйича жамоатчилик эшитувларини ўтказиш юзасидан қонуний ваколатга эга бўла туриб, бу нормани амалиётда ишлатишга етарли эътибор қарата олишмаётганди.

Шулардан келиб чиқиб, давлат раҳбарининг ғояси асосида мамлакатнинг барча ҳудудларида ННТлар уйлари барпо этилиб, биринкетин фуқаролик жамиятининг мустақил институтлари ихтиёрига топширилмоқда, уларга миллий ва халқаро грантлар танловларида иштирок этиб ғолиб бўлишлари йўлида ҳуқуқий билимлар бериб борилмоқда, халқаро ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйишларида амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. мухтасар айтганда, ижтимоий адолатни қарор топтириш учун шахс, жамият ва давлат алоқаларида мувозанат, тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликка хизмат қилувчи ННТлар ҳар томонлама фаол қўллаб-қувватланмоқда<sup>188</sup>.

Кўрилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, мамлакатда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аста-секинлик билан бўлса-да, жонланиш кузатилмоқда. Айниқса, ўтган йили – пандемия шароитида ННТлар ташаббуси билан коронавируsgа қарши кураш доирасида амалга оширилган ишлар, хайр-саховат, меҳр-оқибат акциялари, фуқаролар соғлиғини сақлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ниҳоятда самарали бўлганини таъкидлаб ўтиш лозим<sup>189</sup>.

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг нодавлат нотижорат ташкилотлар портали. <http://e-ngo.uz/>

<sup>188</sup> Саттарова Г. Давлат дастурида ННТларни қўллаб-қувватлаш хусусида... [https://uza.uz/uz/posts/davlat-dasturida-nntlarni-qollab-quvvatlash-xususida\\_240877](https://uza.uz/uz/posts/davlat-dasturida-nntlarni-qollab-quvvatlash-xususida_240877)

<sup>189</sup> Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди сайти. <https://obfm.uz/uz/news/2020/09/22/pandemiya-davrida-saxovat-va-комак-jamgarmasi-entiyojmand-oilalarga-qariyb-105-milliard-som-naqd-pul-tarqatdi>

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар ва дастурлар соғлиқни сақлаш, фан, маданият, таълим ва бошқа соҳаларда ўзининг сезиларли натижаларини бермоқда. Бу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, демократик кадриятларни ҳимоя қилувчи муҳим омил сифатида майдонга чиқмоқда.

2021 йилнинг март ойида Президент Ш.Мирзиёев томонидан соҳага оид яна иккита алоҳида муҳим ҳужжат – қарор<sup>190</sup> ва фармон<sup>191</sup> қабул қилинган фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни янада янги босқичга олиб чиқиш, хусусан, уларнинг фаолиятида очиқликни таъминлаган ҳолда жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамаш йўлида яна бир катта қадам бўлди.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш масаласи мазкур фармон билан тасдиқланган “2021–2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”нинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Фармонга кўра, 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг очиқлик индекси жорий қилинади ва ҳар йил якунлари бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар, ижтимоий шериклик даражаси, ажратилган субсидия, грант ва ижтимоий буюртмалар натижадорлиги ва бошқа муҳим фаолият кўрсаткичлари асосида уларнинг рейтинглари тузилади.

Шунингдек, бундан буён нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига оид маълумотларни ўз расмий сайти ва [www.e-ngo.uz](http://www.e-ngo.uz) сайтига ёки мазкур сайтга ҳавола берган ҳолда бошқа очиқ ахборот манбаларига жойлаштириши мумкин бўлади. Ушбу маълумотлар ва жамоатчилик томонидан берилган баҳолар асосида ҳар йил якунлари бўйича ННТларнинг очиқлик индекси аниқланади. Бунда асосий кўрсаткичлар реал вақт режимида умумлаштириб борилади ва барчанинг танишиши учун имконият яратилади. Очиқлик индексининг якуний натижасини аниқлашда эса, давлат ва нодавлат ташкилотлари, хусусан жамоатчиликнинг кенг иштироки таъминланади.

Очиқлик индекси натижаси бўйича “энг шаффоф нодавлат нотижорат ташкилотлари топ-20” ва “энг фаол нодавлат нотижорат ташкилотлари топ-20” рўйхатлари (рейтинглар) шакллантирилади. Мазкур рейтингларга киритилган нодавлат нотижорат

---

<sup>190</sup> Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти. [https://uza.uz/uz/posts/nodavlat-notizhorat-tashkilotlarini-davlat-tomonidan-qollab-quvvatlash-ularning-faoliyati-erkinligi-huquqlari-va-qonuniy-manfaatlarini-himoya-qilinishini-taminlashga-oid-qoshimcha-shora-tadbirlar-togrisida\\_245986](https://uza.uz/uz/posts/nodavlat-notizhorat-tashkilotlarini-davlat-tomonidan-qollab-quvvatlash-ularning-faoliyati-erkinligi-huquqlari-va-qonuniy-manfaatlarini-himoya-qilinishini-taminlashga-oid-qoshimcha-shora-tadbirlar-togrisida_245986)

<sup>191</sup> Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайти. [https://uza.uz/uz/posts/2021-2025-yillarda-fuqarolik-zhamiyatini-rivozhlantirish-konsepciyasini-tasdiqlash-togrisida\\_246489](https://uza.uz/uz/posts/2021-2025-yillarda-fuqarolik-zhamiyatini-rivozhlantirish-konsepciyasini-tasdiqlash-togrisida_246489)

ташкilotларининг амалга оширган ижобий ишлари жамоатчилик ўртасида оммалаштирилади; ижтимоий шериклик доирасида давлат грантлари ва ижтимоий буюртмалар олишга тавсиялар (йўлланмалар, сертификатлар) берилади; моддий-техник базасини (оргтехника, компьютер, бошқа техник воситалар, бино билан таъминлаш ҳамда бошқалар) мустаҳкамлашга белгиланган тартибда кўмак берилади; давлат органлари ва халқаро ташкilotлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш чоралари кўрилади.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистоннинг тадрижий тараққиёт йўлида учинчи секторнинг ўрни нақадар муҳим ва зарур эканини барчамиз теран англашимиз лозим. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёев давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш борасида долзарб ҳаётий ғоя ва ташаббусларни илгари суриб, уларнинг амалдаги ижросини таъминлаш йўлида самарали ҳаракатларни ташаббусқори бўлмоқда. Эндиликда эса мазкур вазифаларни ижтимоий ҳаётимизга самарали татбиқ этиш талаб этилади.

### **3.3§ Ўзбекистонда ҳуқуқ тартибот органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари**

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб ҳуқуқий-демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини куришни стратегик вазифа сифатида белгилаб олди. Бу борада давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ қилиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда бошқарув органлари фаолиятини оптималлаштириш ишларини амалга ошириш талаб қиланар эди. Шу ўринда, Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот органлари, айниқса, ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки, Совет Иттифоқидан қолган анъана ва меросга кўра милиция ҳар доим халққа эмас, балки сиёсий элитага хизмат қилиб келган.

Ўзбекистонда ички ишлар соҳасидаги ўзгаришларни шартли равишда уч даврга ажратишимиз мумкин.

*Биринчи давр* (1991-2009 йиллар). Давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва ўтиш даврида ички ишлар органларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, малакали миллий кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этишга қаратилган дастлабки ўзгаришлар амалга

оширилди. Жумладан, 1991 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 270-сонли қарори асосида Ўзбекистон ССР ИИВ – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига айлантирилди. Қарор билан вазирлик низоми ва структураси тасдиқланди. Кейинчалик ушбу сана Ўзбекистонда ички ишлар органлари ходимлари куни сифатида белгиланди.

Мазкур даврларга ҳамоҳанг равишда, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ оғир бир давр ҳукм сурди. Шунингдек, диний экстремизм ва терроризм хавфининг ортиши, мамлакатда оммавий тартибсизликларнинг пайдо бўлиши билан жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш қийинлаша борди. 1991-1996 йиллардаги Фарғона водийси вилоятларида кучайган “вахҳобийлик” диний-экстремистик ҳаракати, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрининг бир қанча ҳудудларидаги портлашлар, 2004 йил 30 июлда Тошкентдаги Исроил ва АҚШ давлатлари элчихоналари олдидаги портлашлар<sup>192</sup> ва бошқа воқеалар мамлакатда ҳуқуқ-тартибот органларини замонавий шаклда ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди.

Айнан мазкур даврда милиция тизимида кадрлар салоҳиятини ошириш ва тизимни малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари долзарб бўлиб келди. Бу борада 1994 йилда Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилган. Айнан шу йили Ўзбекистоннинг Интерполга аъзо бўлиши<sup>193</sup> республика ҳуқуқ-тартибот органларига хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик қилиш, уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкор давлатларнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш имконини берди.

*Иккинчи давр (2010-2016 йиллар).* мазкур давр ичида фуқаролар билан мулоқот жараёни, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш борасида, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва профилактикаси бўйича айрим ишлар амалга оширилди. Бу борада ўтказилган тадқиқот ва таҳлилий ишларнинг натижаси ички ишлар органлари фаолиятида бир қатор жиддий камчилик ва муаммолар тўпланиб қолганлигини кўрсатди. Жумладан:

- ички ишлар органларининг республика, ўрта ва қуйи бўғиндаги бўлинмалар ўртасида асосий вазифа ва функцияларнинг, шунингдек,

---

<sup>192</sup> U.S., Israeli Embassies hit In Uzbek Bomb Attacks. Prosecutor's Office Also Targeted With Terror Trial Ongoing // <https://www.washingtonpost.com/wp-dyn/articles/A26869-2004Jul30.html>

<sup>193</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан об образовании национального центрального бюро Интерпола в Республике Узбекистан //

<https://lex.uz/docs/707312?query=%D0%B8%D0%BD%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%BF%D0%BE%D0%BB>

амалдаги ташкилий-штат тузилмалари куч ва воситаларининг аниқ тақсимланмаганлиги;

- ИИВ органлари мансабдор шахслари, шу жумладан, профилактика инспекторларининг аҳоли билан мулоқоти йўлга қўйилмаганлиги, уларнинг аҳоли олдида ҳисобот бериб бориш амалиёти сустилиги, шунингдек, уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратининг самарали механизмлари жорий этилмаганлиги, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг етарли эмаслиги;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига нисбатан юзаки ёндашувлар фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқарганлиги;

- ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаб ва шарт-шароитларини таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича тизимли чоралар кўрилмаганлиги;

- ички ишлар органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермаслиги ва бошқалар<sup>194</sup>.

*Учинчи давр* (2017 йилдан бошланади). Мазкур давр бевосита давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ташаббуси билан бошланган давлат ва жамият бошқарувидаги кенг қамровли ислоҳотлар билан боғлиқдир. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди<sup>195</sup>.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тузилмаларида ислоҳотларнинг бошланишини 2017 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг кучга кириши билан боғлаш мумкин<sup>196</sup>. Экспертларнинг фикрига кўра, ушбу қонун мустақил Ўзбекистоннинг ички ишлар вазирлиги тарихида “олдин” ва “кейин” бўйича бўлиниш чизиғини белгилайди. Узоқ кутилган, 1990 йилда қабул қилинган “Ички ишлар вазирлиги фаолияти тўғрисидаги Низом”нинг ўрнини босувчи қонун, ички ишлар органларининг ваколатлари ва вазифаларини аниқ белгилаб қўйди. Бу воқелик маҳаллий ва халқаро экспертлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари томонидан оптимизм билан қабул қилинди. Кўп йиллар

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот-таҳлилий маркази томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари.

<sup>195</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // <https://lex.uz/docs/3107036>

<sup>196</sup> Закон Республики Узбекистан об органах внутренних дел // <https://www.lex.uz/docs/3027845>



давомида<sup>197</sup> мамлакатда инсон ҳуқуқларининг энг кўп бузилиши учун умуман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва хусусан милиция айбдор, деб ҳисобланилган.

Ушбу қонун қабул қилинганидан ҳаттоки ички ишлар ходимларининг ўзлари ҳам қувонишларини яширмадилар, чунки қонун шунингдек, ички ишлар органлари асосий контингентининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, кўп жиҳатдан ички ишлар идоралари ходимларининг 40 соатлик иш ҳафтаси, ишдан ташқари иш ҳақи ва бошқа нафақаларни мажбурий тўлаш ҳамда ўрта ва қуйи даражадаги ходимлар учун зарур яшаш шароитларини яратишни белгилаб қўйган<sup>198</sup>.

Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек: *“Ҳаммангизга аёнки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ички ишлар идоралари зоят муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан ўтган даврда ушбу идораларнинг фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Халқ манфаатларига хизмат қилиш улар фаолиятининг асосий мезони этиб белгиланди”*<sup>199</sup>.

Ушбу қонун қабул қилинганидан тўрт йилдан кўпроқ вақт ўтгач, реал натижалар шунини кўрсатадики, қонун ҳали жамиятда тўла-тўқис қўлланилмоқда, дейишимиз қийин. Эришилган ижобий ўзгаришлар асосан Ички ишлар вазирлигининг айрим соҳалари билан боғлиқ, масалан паспорт бериш ва яшаш жойини рўйхатдан ўтказиш (прописка) хизматлари, ва тизимли характерга эга эмас, тажриба шунини кўрсатадики, ушбу вазирликнинг энг оғриқли фаолият соҳалари ханузгача аҳоли ўртасида эътирозларни келтириб чиқармоқда.

Шулардан келиб чиқиб, ҳуқуқ тартибот органлари (асосан ички ишлар органлари)нинг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳақиқий ҳуқуқ-тартибот функцияларини бажариши учун фундаментал ислоҳотлар талаб этилади. Бу жараёнда “давлат – фуқаролик жамияти – халқаро ҳамжамият” форматидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот ишимиз давомида айнан шу мавзуда социологик изланишлар олиб бордик. Унда асосан сўров ва интервью методларини қўллаш орқали таҳлиллар ва илмий хулосалар чиқарилди.

1-савол. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини ислоҳ қилиш учун асосий мотивация нималардан иборат?

Сўровномада иштирок этган милиция ходимларининг фикрига кўра ислоҳотлардан асосий мақсад жамиятда осойишталик, ҳуқуқий

<sup>197</sup> Мирзиёев “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунни имзолади» <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-37395748>

<sup>198</sup> Реформа МВД в Узбекистане: оправдаются ли ожидания? // CABAR.asia

<sup>199</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси <https://president.uz/uz/lists/view/1328>

тартиб ва қонун устуворлигини ўрнатиш деб жавоб беришса, турли ННТ, ОАВ ходимларидан иборат фуқаролик жамияти вакиллари милицияга “халқнинг ишончини қайтариш” бу соҳадаги ислоҳотларда асосий мотивация бўлишини таъкидлашади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган муҳим бир шиор - «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак»<sup>200</sup> деган ғоя улкан аҳамиятга эга. Бу борада, 2016 йилнинг 28 декабрь куни қабул қилинган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан тткомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони<sup>201</sup> алоҳида таъкидлашимиз лозим. Мазкур ҳуқуқий асосларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «виртуал қабулхонаси» ва мамлакатимизнинг бутун ҳудудида «халқ қабулхоналари» ташкил қилинган.

Фуқаролик жамияти вакилининг фикрига кўра: *“мазкур халқ қабулхоналарининг тузилгани албатта ижобий хол бўлди. Лекин улар асосан ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишга хизмат қилмоқда. Фундаментал сиёсий ислоҳотлар қилиш, шу жумладан, ички ишлар тизими, давлат органларидаги коррупция холатларига кучи етмаяпти”*, деган фикрни билдиради. Милиция тизимида ишлаб нафақага чиққан ва ҳозирда Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ишлайдиган фуқаро *“...бўлаётган ислоҳотларнинг кўпчилиги асосан популистик руҳда кечмоқда. Милиция ва бошқа давлат органлари ўз фаолиятида турли янги услублардан кўра кўпроқ маъмурий-буйруқбозлик услубида иш олиб боришни авзал кўрмоқда”*, дея таъкидлайди.

Кўпгина кузатувчиларнинг фикрига кўра, давлат ҳаётининг барча соҳаларида зарур ислоҳотларни амалга оширишни чин дилдан хоҳлаган мамлакат Президенти Ш.Мирзиёев “халқнинг ишончини қайтариш”ни бутун ислоҳотларнинг асосий вазифаси сифатида белгилаб берди. Ушбу шиор билан давлат раҳбари сўнгги йилларда аҳолида мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жуда кўп салбийликлар тўпланиб қолганини тан олди.

Сўровномада иштирок этган респондентларнинг фикрига кўра, ички ишлар органларининг фаолияти самрадорлигини баҳолашда учта

<sup>200</sup> <https://kun.uz/news/2017/08/31/halk-davlat-idoralariga-emas-balki-davlat-organlari-halkimizga-hizmat-kilisi-kerak-prezident-nutki>

<sup>201</sup> «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони <https://lex.uz/docs/3089924>

бўгиндан: республика даражаси; вилоятлар даражаси; туман (шаҳар) даражасига бўлиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Масалан, вилоят ва туман даражасидаги ички ишлар органлари ишига ўзининг бошқарув ташкилотидан ташқари ҳокимиятнинг тўғридан-тўғри топшириқларини бажаришга мажбур бўлишади. Давлатнинг катта кампаниялари (масалан, пахта терими, ғалла ўрим-йиғими ва бошқа қишлоқ хўжалиги ишлари)га жалб этилади. Жиззах вилоятида ишлайдиган ички ишлар ходимининг фикрига кўра милиция ишидаги энг катта қийинчилик – бу иш соати ва вақтининг тартибга солинмагани, дея таъкидлайди. *“Биз айрим пайтда бир неча кун уйга ҳам келмаймиз, айрим пайтда хизмат вазифамизга кирмайдиган ишлар билан ҳам шугулланишга мажбур бўламиз”*<sup>202</sup> дейди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг собиқ депутатининг фикрига кўра: *“Ички ишлар фаолияти тўғрисидаги қонун мазкур соҳани тартибга солсада, унда кўплаб ҳавола қиладиган моддалар ҳам мавжуд. Кўпроқ соҳа қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинади. Яъни, айрим ҳолатларда қонун билан қонуности ҳужжатлар ўртасида номуносиблик ҳам мавжуд, улар бир-бирини зид қилади. Бу ҳуқуқий тизимнинг суст ривожини билан боғлиқ”*<sup>203</sup>, дея эътироф этади.

Ёшлар ташкилоти фаоли Зарина Лухманова: *“Милиция - қўрқув омили эмас, балки хавфсизлик омили бўлиши керак. Ислоҳотлар айнан хавфсизлик, ишонч ва барқарорликка қаратилиши лозим”*, деб баҳоласа, Олий ўқув юрти ўқитувчиси охирги уч-тўрт йил ичида милициянинг жамоатчилик билан алоқалари ижобий тенденцияга ўзгарганини айтади. Улар турли босимлар, айниқса, интернет ижтимоий тармоқларидаги жамоатчилик фикр-мулоҳазалари сабаб (жамоатчилик назорати) ўзгариб бормоқда.

2-савол. Жамият барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқ тартибот органлари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги.

Ички ишлар органлари тизимининг жамиятда самарали фаолият юргизиши кўп жиҳатдан бошқа субъектлар билан ҳамкорлиги ва ижтимоий шерикчиликка ҳам боғлиқдир. Жумладан, *“Ижтимоий шериклик тўғрисида”*ги қонунга кўра: *“Ижтимоий шериклик давлат органларининг (милиция ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам) нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг*

<sup>202</sup> Жиззах вилояти ИИБ ходими билан суҳбат. 2020 йил 14 ноябрь.

<sup>203</sup> Шуҳрат Якубов билан интервью 23 декабрь 2020 й. скайп орқали.

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир”<sup>204</sup>, дея белгилаб қўйилган.

Лекин, респондентларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда қонун ўз йўлига, амалиётда эса “ёзилмаган қонун-қоидалар” мавжуд, дея таъкидлашади. Масалан, журналист Наргиза Умарова: *“Милиция тизими жуда ётиқлиги ва ношаффофлиги билан ажралиб туради. Улар билан ҳамкорлик қилиш ҳақиқий фуқаролик жамияти аъзолари учун қийин масала. Мен мустақил журналист сифатида милиция ва бошқа давлат органларидан бирор информация ололмайман ёки ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишим қийин. Милиция тизимида собиқ Совет Иттифоқидан сақланиб қолган ётиқлик, маҳфийлик ва аҳолига нисбатан “юқоридан қараш” амалиёти ҳалиям мавжуд”*, дея эътироф этади.

ЮНИСЕФ ташкилотининг Тошкентдаги ваколатхонаси ходими билан суҳбатда, у: *“болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида биз турли давлат органлари, жумладан, ички ишлар вазирлиги билан ҳам доимий ҳамкорликда ишлаб келамиз. Ҳамкорлик масаласи ва формати жуда қийин кечган, лекин сўнгги 3-4 йил ичида бироз бўлсада улар билан ҳамкорлигимиз ижобий томонга ўзгарди, дейиш мумкин. Бу ҳамкорлигимиз асосан вояга етмаган болалар ҳуқуқбузарлигини олдини олиш, колониялардан чиққан ёшларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларга турли психологик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдамларни бериш кабилар киради. ЮНИСЕФнинг бевосита кўмиги ёрдамида жиноятда гумонланаётган вояга етмаган шахсларнинг тергов жараёнларида психолог иштирокини таъминлаш амалиёти Ўзбекистонга жорий этилди. Келажакда ҳам бундай ҳамкорлигимиз давом этишига умидворман”*<sup>205</sup>, дейди.

Агарда бу борадаги ижобий тажрибани таҳлил қилсак, жиноятчиликни олдини олиш ва профилактика ишлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Кейинги йиллардаги “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз туризм” каби янги лойиҳаларнинг жорий қилиниши бу борадаги ишларга ижобий таъсир ўтказди. Жойларда милиция органлари билан бирга миллий гвардия органлари ҳам фаол тарзда иш олиб бормоқда. Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистонда милиция ходимлари рейтинг тизимининг жорий этилиши, давлат органларининг ҳаракат ва мулоқот маданияти Кодексининг қабул қилиниши, ИИВ

<sup>204</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуни 3-модда. 2014 й. 28 августъ.  
<https://www.lex.uz/docs/2468214>

<sup>205</sup> Диана Исаева билан Скайп орқали интервью. 2020 йил 10 октябрь.

ходимларининг малакасини ошириш Институтининг ташкил этилиши каби янгиликлар ҳуқуқ-тартибот органлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга хизмат қилмоқда<sup>206</sup>.

Аммо, жамиятнинг турли жабҳаларида милициянинг иш фаолиятида кўплаб кемчиликлар ҳам мавжуд. Самарқанд вилоятида фаолият олиб боровчи инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси қуйидагича таъкидлайди: *“ИИБ тизимининг жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқ-тартиботни ўрнатилишида янги дунёқараш, янги фикрлайдиган кадрлар тизими керак. Афсуски, милиционерларнинг фикрлаши ва дунёқарашини эскича бўлиб қолмоқда, унда янги авлодлар ҳақида тушунча йўқ. Ва, албатта, коррупция ва унинг аломатлари ҳалигача сақланиб қолган”*. Тадқиқотчи ёш олим эса: *“Менимча, асосий камчилик – бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг қуйи даражасидаги бўшлиқларда кўринади, яъни ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспекторларнинг фаолиятида. Давлатнинг кўплаб моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашига қарамай, участка нозирлари (профилактика инспекторлари) жамоатчиликка, фуқароларга яқин бўла олмаяпти. Маҳаллаларда одамлар участка милиционерларини деярли танимайдилар, шароит талаб қилмагунча улар билан мулоқот қилмайдилар”<sup>207</sup>*, дея таъкидлайди.

Сўровномада иштирок этган Жиззах, Тошкент ва Фарғона вилоятидаги ички ишлар ходимларининг фикрига кўра, сўнгги йилларда турли тарғибот-ташвиқот ишларининг кучайиши, маънавий-маърифий ва тарбиявий тадбир ва давра суҳбатларининг ўтказилиши милициянинг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги ишларига ижобий таъсир қилди. Турли ташкилотлар ва маҳаллаларда “очиқ суд” мажлисларининг ўтказилиши ҳамда жинсий жавобгарликни либераллаштирилиши фуқаролар орасида тарбиявий аҳамият касб этиб, жамиятимизда ҳуқуқий тартибот, ижтимоий барқарорлик ва толерантлик муҳитини мустахкамлади.

Янги қондан жорий этиш тўғрисида барча даражадаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари депутатлар олдида ҳисобот беришни бошладилар. Ички ишлар вазири йилига икки марта Олий Мажлис Сенатида ҳисобот беради. Вилоят бўлимлари раҳбарлари йилига тўрт марта Жокарги Кенгаши ва халқ депутатлари Кенгашига ҳисобот беришади. Ҳисоботлар эришилган натижаларни тинглашдан кўра кўпроқ нарсага айланади – халқ вакиллари шахсий баҳо беришлари

<sup>206</sup> Реформы полиции в Узбекистане повысили безопасность и доверие к правоохранительным органам// [https://central.asia-news.com/ru/articles/cnmi\\_ca/features/2019/11/19/feature-01](https://central.asia-news.com/ru/articles/cnmi_ca/features/2019/11/19/feature-01)

<sup>207</sup> Дилшод Салаев билан интервью асосида. 2020 йил 20 ноябрь.

ва эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида тавсиялар беришлари мумкин. Сиёсатшунос, Евроосиё аналитик клуби раҳбари Никита Мендковичнинг фикрига кўра, мунтазам равишда ҳисобот бериш амалиётини жорий этиш Ички ишлар вазирлиги ишининг ошкоралигини оширади. “Ўз-ўзидан бу жуда яхши амалиёт – Ички ишлар вазирлиги фаолиятининг шаффофлиги бироз ошади, тўсиқлар ва муаммоли жойларни аниқлаш имконияти кенгаяди. Аммо, бундай эффектнинг тезлиги ва кўламини баҳолаш қийин – бу жуда кўп биргаликда амалга ошириладиган чора-тадбирларга боғлиқ”, дейди эксперт.

3-савол. Ҳуқуқ-тартибот органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда гендер муаммоларини ҳал қилишда иштироки.

Ўзбекистон гендер тенглигини ривожлантириш билан боғлиқ қатор халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Улар орасида: Пекин Декларацияси ва Ҳаракатлар Платформаси. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб (1995 йил 31 август) БМТнинг “Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча турларини йўқ қилиш тўғрисида”ги конвенциясини (CEDAW) ратификация қилди. Шунингдек, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактнинг 2 (1), 3 ва 26-моддаларига мувофиқ инсонни жинси бўйича камситиш тақиқланади.

2019 йилда мамлакатимиз парламенти томонидан иккита муҳим қонунлар қабул қилди: “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ва “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларда аёлларни таълим ва тарбия масалалари, гендер камситилиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликни таъминлаш ва аёлларга нисбатан зўравонликни олдини олиш каби кўплаб вазифалар белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда барча вилоят ва шаҳарларда шелтер-марказлари ташкил этилган бўлиб, улардан аёлларга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Муҳтож аёлларга ва қийин турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш, зиддиятли вазиятлар, оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш ва уларга шошилиш ёрдам кўрсатиш мақсадида “11-46” қисқа рақамида ишонч телефони ишга туширилган.

Бу ишларда Ички ишлар вазирлиги ҳам муҳим роль ўйнаб келмоқда. 2020 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан 360 та инспектор аёллар штати тузилиб, улар ҳуқуқий ва ижтимоий ёрдамга муҳтож аёллар билан ишлайдиган янги тизимни шакллантиришди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан биргаликда Ички ишлар вазирлигининг аёл инспекторлари учун оилаларга энг яхши тажриба ва профессионал ёндашувни жорий этишга қаратилган оилалар билан ишлаш бўйича тренинглари ўтказилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 495-сонли қарори асосида Ички ишлар вазирлиги жинойатчиликнинг олдини олиш тизимида аёллар билан ишлаш бошқармаси ташкил этилди.

Кўплаб ижобий ўзгаришларга қарамадан, бу борада ишлар самарадорлигини етарли деб баҳолаб бўлмайди. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2020 йилда ички ишлар органлари томонидан аёлларга нисбатан оилавий ва маиший характердаги 3261 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар, 164 та оғир ва ўта оғир жинойатлар рўйхатга олинган. Сўровнома жараёнида иштирок этган милиция ходимларининг фикрига кўра, Ўзбекистонда аёллар ўзига нисбатан содир қилинган ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўпчилик ҳолатда ҳуқуқ тартибот органларига мурожаат қилишмайди. Бунга миллий ва менталитет билан боғлиқ омиллар, шунингдек, бундай ҳолатларга нисбатан жамоатчиликнинг негатив фикри пайдо бўлиши каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Экспертлар ва фуқаролик жамияти фаолларининг таъкидлашича, шаҳарларда аёлларнинг ҳуқуқлари ва гендер тенглиги масаласи озми-кўпми таъминланади. Асосан қишлоқ жойларида аёллар ҳуқуқлари ва гендер масаласи оғир аҳволда. Бу борада ИИБнинг иштироқи деярли сезилмаяпти. Милиция гендер масаласидаги жинойатчилик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасига эмас, балки ҳуқуқбузарлик содир қилингандан кейин жазолаш ва турли жарималар солиш билан банд. Назифа Камалова: *“Давлатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёллар етарли даражада жалб қилинмаган. Буни сиёсий партияларнинг вилоят ва туман бўлимларида, сайловларда номзодларни илгари суришда, суд тизими ва бошқаларда кўриш мумкин. Масалан, Жиззах вилоятида ҳокимият ва бошқа бошқарув органларида бармоқ билан санайдиган аёллар ишлайди, асосий ролларда эркаклар туради”*<sup>208</sup>, дея таъкидлайди.

Самарқанд вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисининг эътирофича: «Гендер масаласи юзаки даражада қолиб келмоқда. Аввало, Ўзбекистондаги менталитет шундайки, у оиладаги масалаларни, жумладан, жинсий зўравонлик ёки бошқа муаммони кўчага (жамиятга) чиқаришмайди. Ушбу масала бўйича, ҳуқуқни муҳофаза қилиш

<sup>208</sup> Камалова Назифа билан суҳбат. 2020 йил 5 ноябрь.

идоралари ҳақида гапирмаса ҳам, маҳалла институти учун ҳам аҳоли билан алоқа қилиш қийин. Иккинчиси фақат ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир бўлганда ёки милицияга баёнот берилганда аралашади»<sup>209</sup>. Мустақил журналист, “Америка овози” мухбири Навбахор Имамова: *“Милиция органлари бу борада кам ишлайди, улар асосан расмийлик юзасидан турли тадбир ва кўргазмалар ишлар билан банд. Охириги йилларда Ўзбекистонда гендер масаласи, оилавий зўровонлик масаласи кўпроқ муҳокама қилинмоқда. Масалага эътибор юқорида даражада. Лекин, бу асосан ОАВ даражасида ва кўпроқ декларатив характерга эга”*<sup>210</sup>, дея таъкидлайди.

Халқаро ташкилотлар, маслаан ЮНФПА, ЮНИСЕФ ва бошқалар гендер тенгли борасида у ёки бу шаклда ИИВ билан ҳамкорликни ўрнатган. Уларнинг таъкидлашича, халқаро ташкилотлар асосан консултатив, информатив ва турли ижтимоий ёрдамларни бериши мумкин, лекин, бу борада давлат томонидан фундаментал ислохотларни ўтказмасдан туриб вазиятни яхшилаб бўлмайди.

Масалан, 2018 йилнинг 4 июль куни “Озодлик” радиоси Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги иккита милиция ходими ўғирликда гумон қилинган бир аёлни қип-яланғоч ечинишга мажбур қилгани тасвирланган видеони эълон қилди<sup>211</sup>. Ички ишлар ходими аёлни шу аҳволда кўчага ҳайдамоқчи бўлади ва бу жараёни видеого олади. Бу ҳолат эса жамоатчиликда милицияга нисбатан шундоқ ҳам катта бўлган қаҳр-ғазабни янада ошириб юборади.

Шунидай қилиб, бугунги кунга келиб ички ишлар тизимида жамоатчилик билан ҳамкорликда гендер тенглиги ва аёллар ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоялаши борасида кўплаб муаммолар мавжуд. Айрим ҳолларда милиция ходимларининг ўзлари ҳуқуқ бузувчи ва жиноят содир қилувчи субъект бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам аёллар ўртасида ва умуман жамиятда милицияга нисбатан ҳурмат ва ишонч суст ҳолатда, дейишимиз мумкин.

4-савол. Жамоатчиликнинг ижтимоий тартиботни сақлашда иштирокининг муҳимлиги.

Маҳалла фаоллари, турли эксперт ва олимлар ҳамда милиция ходимларининг барчаси мамлакатда ҳуқуқ тартиботни сақлаш ва мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг иштироки жуда муҳим, деб ҳисоблашади. Жиззах шаҳрида ишлайдиган милиция ходимининг фикрига кўра: *“Биз жойлардаги ўз фаолиятимизда асосан маҳалла*

<sup>209</sup> Гулсара Абдуллаева билан суҳбат. 2020 йил 15 ноябрь

<sup>210</sup> Навбахор Имамованинг сўровномага берган жавоби.

<sup>211</sup> “Озодлик” радеоси // [www.ozodlik.com](http://www.ozodlik.com)



*институтига таянамиз. Маҳалла вакиллари ўз ҳудудидаги ҳар бир оила, ҳар бир фуқарони яхши билади. Турли миллат вакиллари, турли диндаги фуқаролар билан мулоқот қилишда, ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ва жамоат тартибини сақлашда маҳалла ва жамиятга таяниб иш кўрамиз”,* дея таъкидлайди.

Сиёсий партия вакилининг фикрларига кўра, фуқаролар давлатнинг барча ҳудудида – қишлоқдаям, шаҳардаям, чекка ҳудуд ёки пойтахтдаям бир хил ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши лозим. Бунда милиция органлари билан жамоатчиликнинг алоқаларини кучайтириш талаб этилади. Улар бир-бирига нисбатан муҳолиф эмас, балки ҳамкор тизимлар сифатида ишлаши лозим. Агарда милиция органлари ўз ишини чин кўнгилдан, қонуний амалга оширса жамиятда уларнинг имижи ҳам яхшилана боради. Бу эса ижтимоий барқарорликни сақлашда муҳимдир<sup>212</sup>. Ўзбекистондаги Тожик миллий-маданий маркази раҳбари Жаъфар Холмўминов: *“жамиятда ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашда турли миллат вакиллари ўртасидаги толерантлик катта аҳамиятга эга. Чунки, Ўзбекистон кўп миллатли давлат бўлиб, унда миллатларларо муносабатлар ҳар доим актуал бўлиб келган. Ҳуқуқ тартибот органлари миллий-маданий марказлар билан ҳамкорлиги бугун яхши йўлга қўйилган. Биргаликда турли тарғибот-ташвиқот ишлари, асосан чегараолди ҳудудлардаги ҳамкорлик жуда муҳимдир”*<sup>213</sup>, дея эътироф этади.

5-савол. Ҳуқуқ тартибот органларининг шаҳар ва қишлоқ жойларидаги фаолияти.

Жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқ тартиботни сақлашда милиция ходимлари айрим фикрларни билдиради. Масалан, қишлоқ жойларида ресурсларнинг етишмовчилиги (транспорт масаласи, ходимларни уй-жой билан таъминлаш ва моддий рағбатлантиш масалалари) катта муммо бўлиб турибди, дея таъкидлайди Ички ишлар вазирлиги мансабдор ходими. Унинг фикрига кўра ИИВ Академиясини тугатиб милицияга ишга кираётган ёш ходимлар қишлоқлар ва чекка ҳудудларда ишлашни исташмайди, улар асосан шаҳар ва марказда ишлашни хоҳлайди<sup>214</sup>.

Фуқаролик жамияти вакилларининг фикрига кўра, шаҳарларда милициянинг фаолияти анча ҳаракатчан кўринади, чунки кадрларнинг асосий қисми шаҳарларда тўпланган. Қишлоқ жойларида тарқоқлик

<sup>212</sup> Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши раис ўринбосари Шохрух Абдурахманов билан суҳбат. 2020 йил 21 октябрь

<sup>213</sup> Жаъфар Холмўминов билан суҳбат. 2020 йил 25 октябрь

<sup>214</sup> ИИВ мансабдор ходими билан суҳбат. 2020 йил 11 ноябрь.

бор, дейишса, айримлари қишлоқ жойлари аҳолиси милициядан кўпроқ кўрқади, яъни қишлоқда кўрқинч ва ишончсизлик даражаси нисбатан юқори.

Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида ишловчи милиция ходимлари ўз фаолиятига тегишли бўлмаган ишларга ҳам жалб қилинишидан эътироз билдиришади. Уларга кўра, милиция ходимларини ўз хизмат вазифаларидан ташқари қишлоқ жойларида ободонлаштириш ишлари, пахта ва ғалла ўрим-йиғимлари, аҳолини иш билан таминлашга кўмаклашиш каби турли вазифаларга ҳам жалб қилишади<sup>215</sup>. ИИВ тизими ўз иш фаолиятида асосан маъмурий-буйруқбозлик методларини қўллаши сабаб уларга нисбатан жамиятда негатив қарашларни шакллантиради.

б-савол. Ҳуқуқ-тартибот органларининг очиқлиги ва ҳисобдорлиги.

Кейинги йилларда интернет ижтимоий тармоқларининг кенг ривожланиши, оммавий ахборот воситалари ва сўз эркинлигига бир мунча эътибор берилиши ички ишлар тизимини ҳам очиқликка ва шаффофлаштиришга ундамоқда. Деярли ҳар куни у ёки бу шаклда ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган милиция ходимларининг коррупция, зўровонлик ва бошқа ноқонуний ҳолатлари билан боғлиқ видео, фото ва аудио материаллар жамоатчиликда милицияга нисбатан талабчанлик руҳини орттирмоқда.

2019 йил декабрь ойидан бошлаб Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларини кўкрак видеорегистраторлар билан жиҳозлаш бўйича қарор қабул қилинди. Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича бу камералар асосан ЙПХ инспекторлари фаолиятининг шаффофлиги учун ишлатилади. Шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари энди Ўзбекистонда очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш тизими шакллантирилди<sup>216</sup>.

Халқаро ташкилот вакилининг фикрига кўра, милиция органлари ҳозир нисбатан очиқроқ, лекин умуман олганда ҳамон энг ёпиқ тизимлардан бири ҳисобланади. Милиция тизимининг жамиятга очилиши шарт. Бу борада халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотлари томонидан кўплаб тавсиялар берилган, уларни ҳисобга олиш зарур. Энг аввало, ички ишлар органларининг молиялаштиришни, солиқ тўловчиларнинг қанча маблағлари сарфланаётгани ҳақида ҳар бир фуқаро билиши зарур. Мустақил журналист Наргиза Умарова: *“Менинг фикримча, бугунги кунда милиция одамлар олдида эмас, балки*

<sup>215</sup> Фарғона вилоятида милиция ходимлари билан суҳбат. 2020 йил 5 декабрь.

<sup>216</sup> ИИВ пресс-хизмати ходими билан интервью. 2020 йил 2 декабрь.

фақат юқори раҳбарият олдидан жавоб беради. Ҳуқуқни муҳофиза қилиш идоралари сифат жиҳатидан эмас, балки миқдорий кўрсаткичлар бўлган статистик маълумотлар устида ишляпти деган фикр пайдо бўлади”<sup>217</sup>, дея таъкидлайди.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Улуғбек Адиловнинг таъкидлашича: “Мен маҳалла кўмитасига раис бўлганимга 4 йил бўлди, лекин бирор бир раҳбар органлари маҳаллага келиб аҳоли билан учрашув қилмади, ҳисобот топширмаган. Бир томондан телевидение орқали “халқ билан мулоқот”, “хар бир раҳбар ўз ҳудудидаги маҳаллага бориб ҳисобот бериши” каби баландпарвоз гаплар айтилади, лекин амалда ҳеч бир иш қилинмаяпти. Ички ишлар органлари раҳбарлари ҳам маҳаллага келинмаган. Кўпчилик ИИБ раҳбар лавозимидагилар ўз ишига совуққонлик билан қарашади, кўп иш фақат номига қилинган”, дея эътироф қилади. Фуқаролик жамияти эса шаффоф ва ҳисобдор бўлган ҳуқуқ тартибот тизимини кутмоқда.

7-савол. Ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини баҳолаш ва ўлчов мезонлари.

Парламент вакиллари эътироф этишича, мамлакатда ҳуқуқ тартибот органлари, шу жумладан, милиция ходимлари фаолиятини баҳолаш бўйича аниқ механизм ва индикаторлар ҳалиям йўқлигига ҳамда ишлаб чиқилмаганига урғу беришади. Агар парламент ёки жамоатчилик институтлари милицияни назорат қилмоқчи бўлса бунга ҳуқуқий асослар ҳам етарли эмас. Милиция амалда ижро этувчи ҳокимиятнинг қўлидаги восита бўлиб қолган, дейиш мумкин.

Вилоятларда ўтказилган тадқиқот жараёнида қатнашган ИИБ ходимларининг фикрига кўра ички ишлар органлари ва уларнинг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолиятини баҳолашда бир қанча омилларга эътибор бериш лозим, булар: 1) жойларда (туман, шаҳар ёки маҳаллада) жиноятчиликнинг ҳолати; 2) ҳуқуқбузарликни олдини олиш борасида олиб борилаётган профилактика ишларининг самарадорлиги; 3) милиция органлари ишига жамоатчиликнинг фикри ва уларнинг иштироки кабилар. Шунингдек, аҳолининг маҳаллий давлат органлари ва милиция фаолиятдан хабардорлиги ҳам жуда муҳимдир.

Эксперт Фарход Толиповнинг фикрига кўра: “Ички ишлар идораларининг самарадорлиги ва натижадорлигини кенг қамровли тадқиқотлар ва ижтимоий сўровлар ўтказиш йўли билан ўрганиш ва

<sup>217</sup> Наргиза Умарова билан суҳбат. 2020 йил 15 ноябрь.

ўлчаши мумкин. Бу энг ишончли йўл”<sup>218</sup>, дейди. Адлия вазирлиги тизимида фаолият олиб борувчи ходимнинг фикрига кўра: “Милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини баҳолашда вилоятлардаги “халқ қабулхоналари” ва президентнинг “виртуал қабулхона”сига келаётган мурожаатлар орқали ҳам белгилаш мумкин. Қайси шаҳар ёки вилоятдан мурожаат ва шикоятлар кўп тушаётган бўлса, демак шу ҳудудда давлат органлари, милиция тизими самарасиз иш олиб бормоқда”<sup>219</sup>.

Фуқаролик жамияти фаоллари ва халқаро ташкилот вакилларининг фикрига кўра, ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш, коррупцияга йўл қўймаслик ва қонун устуворлигини ўрнатиш баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади. Кўпчилик ҳолатда жиноятчиликка қарши курашувчи милиция органларининг ўзлари жиноят содир қилиб қўйишади. Шунинг учун Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган коррупцияга қарши кураш борасидаги ислоҳотларни<sup>220</sup>, энг аввало, милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот органларидан бошлаш зарур. Бу борада жамоатчилик вакилларидан иборат кенгашлар тузиш, жамоатчилик экспертизаларини ўтказиш ва умуман олганда жамоатчилик назоратини рўёбга чиқариш жуда муҳимдир.

8 - таклиф ва тавсиялар.

Мамлакат ички ишлар органлари фаолиятидаги барча камчиликларга қарамай, шуни ҳам эътироф этиш керакки, Ўзбекистон кўп йиллар давомида хавфсизлик нуқтаи назаридан дунё давлатлари орасида энг илғор ўринларни эгаллаб келмоқда. Ҳатто кўплаб мамлакатларга ташриф буюрган Тошкентдаги тажрибали хорижий дипломатлар ҳам Тошкент ва Ўзбекистон тинч яшаш учун хавфсиз жой эканлигини тан олишади. Масалан, 2019 йил учун “Global Law and Order” глобал рейтинги Ўзбекистоннинг хавфсиз мамлакат сифатида позициясини тасдиқлади. Ушбу рейтингда Ўзбекистон дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлари сифатида Туркменистон ва Швейцария билан тўртинчи ўринни эгаллаб турибди.

Давлат ҳуқуқ тартибот органлари учун кўплаб имтиёз ва приференциялар – ойлик маошини ошириш, милиция ходимларини уй-жой билан таъминлаш, хизмат ва шахсий автомобиллар бериш каби йўналишларда қўллаб-қувватлаётган бўлса-да, милиция тизимининг ўзида фундаментал ислоҳотлар амалга оширилмади. Фуқаролик

<sup>218</sup> Фарход Толипов билан суҳбат. 2020 йил 18 ноябрь.

<sup>219</sup> Гульшан Батирова билан интервью. 2020 йил 22 ноябрь.

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

жамияти ва халқаро ташкилот вакиллари нинг таъкидлашича, нодавлат нотижорат ташкилотларига ички ишлар ва бошқа куч ишлар тарганлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳуқуқини бериш ислохотларнинг самадорлигини белгилаши мумкин.

Бу борадаги ишларни яхшилаш бўйича турли соҳа вакиллари куйидаги таклифларни беришган: 1) жамиятда гендер тенглиги, зўровонликларга йўл қўймаслик ва оилавий зўровонликларни олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим. Бу борада милиция органларининг Ёшлар иттифоқи, Хотин қизлар қўмитаси, Маҳалла ҳайрия жамоат фонди ва бошқа бир қатор ташкилотларнинг ҳамкорлигини кучайтириш зарур; 2) таълим муассасаларида жинсий тарбия, гендер тенглиги ва зўровонликни олдини олишга қаратилган махсус дарслар жориш қилиш; 3) гендер зўровонлигини олдини олиш борасида хорижий тажрибани ўрганиш ва бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Респондентларнинг фикрига кўра, ИИБ ходимларига шаҳар жойларида ишлаш қулай ва улар йирик шаҳар ва пойтахтда ишлашга интилишади. Қишлоқ жойларида милиция ходимлари ўз функционал вазифаларидан ташқари бошқа ишларга – пахта терим кампанияси ёки бошқа қишлоқ хўжалиги ишларига ҳам жалб қилинади.

Лекин, сўнгги йилларда давлат чекка қишлоқ жойларида ишловчи ҳуқуқ тартибот ходимларига қўшимча имтиёзлар – хизмат уйлари, автомобил ва ойлик маошига қўшимча устамалар беришни жорий қилмоқда. Қишлоқ жойларида жамоавийликнинг юқори бўлганлиги сабаб милиция органларининг жамоатчилик билан алоқалари нисбатан яхши йўлга қўйилган. Қишлоқ жойларида “оила-мактаб-маҳалла” ҳамкорлиги тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу борада милиция органлари учун ҳам яхши самара бермоқда.

Шунингдек, айрим экспертларнинг фикрига кўра, қишлоқ жойларида аҳоли орасида ишсизлик юқори даражада сақланиб қолиши, оғир ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабаб жиноятчилик ҳам ўсиб бормоқда. Буни олдини олиш мақсадида давлат ва жамият томонидан қўшимча ресурсларни жалб қилиш талаб этилади. Жумладан, қишлоқларда инфраструктурани яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш нафақат аҳоли турмуш тарзига, балки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Тадқиқот иштирокчиларининг фикрига кўра, милициянинг турли жамоат ташкилотлари, маҳаллалар ва таълим муассасалари билан ҳамкорлигини ўрнатиш яхши натижаларга олиб келади. Бу кўп

жиҳатдан кадрлар салоҳиятига боғлиқ. Милиция органларига қабул қилинаётган кадрларни ишга олишда шаффофлигини таъминлаш, замонавий билим ва тажрибага эга ёш, профессионал ходимларни ички ишлар тизимига ишга жалб қилиш лозим.

Жамиятда ҳуқуқ тартибот органлари, жумладан, милициянинг обрў-эътиборини оширишга қаратилган ҳақиқий ислоҳотлар ўтказиш лозим. Уларнинг имижини кўтариш, халқ орасида милицияга нисбатан ишончни орттириш ва милициянинг турли ижтимоий-ҳайрия акцияларига жалб қилиш ижобий натижалар беради.

- Ҳуқуқ-тартибот тизимидаги ислоҳот, аввало, унинг бутун фалсафасини ўзгартиришдан бошланиши лозим. Ички ишлар органларида ходимларни танлаш, тайинлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимларида тўлиқ шаффофлик ва адолат таъминланиши керак. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда янги фалсафага эга бўлган ҳуқуқ-тартибот органлари синфини шакллантириш ҳозирги ривожланиш босқичида стратегик вазифага айланмоқда. Шунингдек:

- Ички ишлар ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини режалаштириш ва баҳолаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда маълум бир шаҳар ёки қишлоқда фаолият олиб борадиган милиция ходимларининг фаолиятини объектив баҳолашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмас. Шу фонда ҳуқуқ-тартибот институтлари фаолиятини қонунчилик даражасида ўлчаш учун конструктив ва демократик мезонларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардандир.

- ИИБ ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш лозим. Мазкур жамоатчилик кенгашлари ишини фақатгина номигагина ташкил қилмасдан, ҳақиқий ишлайдиган ижтимоий механизмга айлантириш зарур.

- Гендер зўравонлигини олдини олиш ва жамиятда ёшлар ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириш лозим. Милиция ходимларининг университетлар, коллеж ва мактабларда ҳар ойда бир маротаба шу мавзуларда “очиқ дарслар” ўтказиши ижобий натижалар бериши мумкин.

- Жамоатчилик билан ҳамкорликда ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш бўйича халқаро ҳамжамият, турли донор ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Уларнинг ҳуқуқ тартибот органларига маслаҳат, информатив ва консултатив ёрдам кўрсатиш борасидаги ишларини кучайтириш зарур.


- Кўпчилик респондентларнинг фикрига кўра, милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот органларининг жамиятда ҳисобдорлигини ошириш талаб этилади. Масалан, уларнинг маҳаллаларда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида ва турли жамоат ташкилотлари олдида жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш, ижтимоий мониторинг олиб бориш ва жамоат назоратини ўрнатиш зарур. Бу борада парламент назорати ҳам ижобий натижалар бериши мумкин.

- Милиция ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари тизимида мавжуд бўлган маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллатларини йўқотиш талаб этилади. Айрим ИИВ ва бошқа юқори лавозимда ишлайдиган мансабдор шахслар ўз қариндош-уруғи ва яқинларини милиция органларига ишга киритиши асосида ҳақиқий билим, кўникма ва интилишга эга кадрлар мазкур соҳадан четда қолмоқда. Бу эса жамиятда ҳуқуқ тартиботни сақлашга ҳам салбий таъсир қиладиган омилдир.


Ички ишлар ва бошқа ҳуқуқ тартибот органлари фаолияти оҳирги йилларда муайян даражада очиқланган бўлса-да, улар умумий ҳолатда жуда ёпиқ ва ношаффоф ҳисобланади. Милиция фаолияти билан боғлиқ расмий маълумотларнинг жуда камлиги боис аҳоли орасида айрим ҳолларда нотўғри ва салбий информациялар тарқалади. Замонавий ахборот технологиялари, ижтимоий тармоқлар ва интернет технологияларидан фойдаланган ҳолда уларнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш тавсия қилинади. Бу борада ОАВларининг компетенциясини ҳам ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

“*Ҳуқуқ тартибот органларининг жамоатчилик билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқларини таъминлаш муаммолари*” мавзусида ўтказилган социологик сўров ва интервьюда иштирок этган респондентлар (жами 100 нафар).


Респондентларнинг фаолиятлар кесими бўйича



### Респондентларнинг гендер кесими бўйича



### Респондентларнинг яшаш жойи бўйича кесими



### III боб бўйича хулоса

Замонавий дунёда давлат ва ҳуқуқ умумий инсоният маданияти билан мураккаб ва ноаниқ ўзаро таъсир доирасига эга бўлиб бормоқда. Маданият ўзининг энг умумий кўринишида инсон томонидан яратилган, инсон руҳида асосга эга бўлган ва унинг ижодкорлиги натижаси шаклланган воқеликлар мажмуаси сифатида намоён бўлади. Инсоният маданиятининг ривожланишидаги тараққиёт одамларнинг маънавий ва моддий ютуқлари, уларнинг ҳаётини яхшилаш, яшаш шаклларини такомиллаштиришдаги муваффақиятлари билан белгиланади. Бу жараёнда инсоннинг ҳуқуқий билими, сиёсий иштироки ва бошқарувчанлик қобилияти муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари фақат фуқаролик жамиятидагина тўлиқ рўёбга чиқиши мумкин ва бу фойдалилик даражаси фуқаролик жамияти



институтларининг барқарорлиги, фуқаролик сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Фуқаролик жамияти инсон ҳуқуқларининг кафолати бўлиб, айти пайтда уларнинг амалга оширилиши натижаси ҳам ҳисобланади. Шунга кўра, ХХІ асрда фуқаролик жамияти ғояси инсон ҳуқуқлари назариясига асосланади.

Фуқаролик жамиятини нодавлат институтлар мажмуи сифатида такомиллаштириш шахсий эркинликка асосланади ва шахсий эркинликни маънавий ва ахлоқий имкониятлари ҳамда моддий имкониятларининг ўзаро уйғунлиги сифатида кўриш мумкин. Бу икки йўналиш фуқаролик жамиятини мазмун ва шакл сифатида қаралиши мумкин бўлган маънавий институтлар ва ташкилий чора-тадбирлар йиғиндиси сифатида белгилашга қаратилган. Шунга кўра, фуқаролик жамиятининг моҳияти одамларни бирлаштирувчи ғоядан иборат бўлиб, улар асосида давлат институтлари шаклланади ва шахс эркинлиги ўлчови омиллари белгиланади. Фуқаролик жамиятини бирлаштирувчи ғоя конкрет тарихий ҳусусиятга эга бўлиб, ушбу жараёнларнинг бари жамият маданияти билан белгиланади.

Ўзбекистонда сўнгги йиллар ичида давлатимизни изчил тараққий этаётган мамлакатлар қаторига қўшиш, адолатли қонунлар ҳукм сурадиган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида бир қатор муваффақиятларга эришилди. Аммо мамлакатда ўз ечимини кутиб турган муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Булар айниқса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида кўзга ташланади. Масалан:

1) Инсоннинг диний ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ давлат сиёсати бир қанча ўзгарган ва янгиланган бўлишига қарамай, бу борадаги муаммолар ўз ечимини тўла топмаган.

2) Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, хорижий ва мустақил ОАВларига қўйилган турли тўсиқларни олиб ташлаш каби масалалар.

3) Инсоннинг айбсизлик презумпцияси тўла маънода таъминлаш. Суд-ҳуқуқ тизимини шаффофлиги ва адолат мезонларини янада мустаҳкамлаш.

4) Жамиятда ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий маданият ва бу борадаги таълим дастурларини ривожлантириш. Бунинг асосида тарғибот-ташвиқот фаолиятида замонавий сиёсий технология ва механизмларни қўллаш зарур.

## **IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФЕНОМЕНИ**

### **4.1§ мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган сиёсий ислоҳотлар**

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантаний давоми сифатида қабул қилинган тараққиёт стратегиясининг мазмун-моҳияти тўлалигича Янги Ўзбекистон истиқболини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўзининг бой тарихига таяниб, порлоқ истиқболини кураётган давлат, ҳамжихат халқ сифатида дунёга танилди. Шу билан бирга, мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини бунёд этишга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожлантиришга, халқнинг осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишга, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Айтиш мумкин, эришган марралар ва йўл қўйилган камчилликларни мунтазам таҳлил қилиш, яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган фаолиятни пухта ўйланган режалар асосида олиб бориш талаб этилади. Чунки, ижтимоий-сиёсий ҳаёт доимий ўзгариш ва ривожланишдан иборат. Бу тараққиёт ва истиқбол учун курашдир. Бу ҳаёт фалсафаси, унинг зиддиятларга тўла томонларини диалектик тафаккур юритиш асосида ечиш тақозо этилади.

Тараққиёт ва юксак ривожланишга эришган давлатлар тажрибасига назар ташланса, ҳар бир халқ ўз олдига улуғ ва юксак мақсадларни қўйиб, уни амалга ошириш салоҳиятлари билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаб келишган. Ҳозирда Ўзбекистон ҳам ўз тарихининг ана шундай масъулиятли чорраҳасида турибди. Бинобарин, Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи миллий ғояга айланмоқда. Юртбошимиз раҳбарлигида ҳаётга татбиқ этилаётган изчил ислоҳотлар, амалий саъй-ҳаракатлар янги тараққиёт марраларини эгаллаш, замон шиддатига мос тарзда ривожланиш, халқимиз манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда “Халқ ҳокимият манбаини ташиқил этади”, “Инсон манфаатлари ҳар нарсадан улуг”, “Жамият – ислоҳотлар ташаббускори”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”, “Энг катта бойлик - инсонларнинг саломатлиги”, “Халққа тинчлик ва омонлик керак” каби ғояларни акс эттирган тамойилларга қанчалик даражада амал қилинаётганлигини танқидий таҳлил қилиш асосида англаб олиш ҳамда танлаган йўлимиздаги ривожланишимизни янги босқичга кўтаришни ҳаётнинг ўзи зарурият сифатида кун тартибига қўймоқда.

Изчиллик ва қатъият билан амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида “одамлар ўзларининг ҳаётидан рози бўлиши керак”, деган ҳаётбахш ғоя ётади. Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам одамларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш, фаровонлигини ошириб бориш асосий вазифа ва бош мақсад сифатида белгиланди.

Ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – инсон ва унинг манфаатлари ифодаси экан, унинг так замирида: “инсон ҳуқуқ ва эркинликлари”, “қонун устуворлиги”, “очиқлик ва ошкоралик”, “сўз эркинлиги”, “дин ва эътиқод эркинлиги”, “жамоатчилик назорати”, “гендер тенглик”, “хусусий мулк дахлсизлиги”, “иқтисодий фаолият эркинлиги” сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар”<sup>221</sup> ётишини тушиниб етмоғимиз лозим.

Президентимиз ўзининг Олий Мажлисга йўллаган бир қанча мурожаатномаларида танқидий таҳлил натижалари, мамлакатимиз ривожланишига тўсқинлик қилаётган ҳолатларни яққол кўрсатиб берди. Бундай ҳолатларнинг объектив ва субъектив сабаблари сифатида:

- одамларнинг ўз касби ва қизиқишига мос иш жойларининг етарлича яратилмаганлиги, яъни ишсизликнинг тугатилмаганлиги;

- фуқароларнинг яхши яшашлари, самарали меҳнат қилишлари учун барча қулайликларга эга уй-жойлар, тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимлик суви, газ ва электр энергиясиси билан таъминланмаганлиги ва бошқа маданий-маиший шарт-шароитларнинг тўлиқ қониқарли даражада яратилмаганлиги;

- инсон саломатлигини сақлаш учун етарлича шарт-шароитлар: дори-дармонларнинг ҳаддан ташқари қиммат нархларда сотилиши, тез ёрдам соҳаси ходимларининг етарли даражада фаолият юритмаслиги,

---

<sup>221</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda\\_293336](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336)

жойларда малакали шифокор мутахассисларнинг етишмаслиги, тамагирликнинг авжига чиқиши;

- ҳар бир инсоннинг табиий яшаш ва шахсий ҳуқуқ ҳамда бурчларини оғишмай бажариши, уларни бузувчиларга нисбатан мурасасиз кураш олиб бориш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва уларнинг ходимлари томонидан ўз хизмат вазифаларини суистеъмол қилиш, ғайриқонуний ишлар содир этиш, айниқса, адолат мезонларини атайлаб бузиш ҳолатларининг мавжудлиги;

- илм-фанни ривожлантиришда ҳақиқий олимнинг ижодий меҳнатини қадрламаслик, ўзини ҳаммуаллиф сифатида тикиштириш, жонкуяр ташкилотчи олимлар устидан ҳар хил иғволарни уюштириш, таълим муассасаларида таълим-тарбия бериш ўрнига, юзсизларча таъмагирлик қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Буларнинг так замирида мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини том маънода таъминлаш масаласи ётади. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, ҳуқуқий давлатни яратиш йўлидаги сиёсий курсни амалга ошириш жараёнида энг жиддий хавф, уни фақат расмий шаклини ҳақиқий имконият, деб ҳисоблаш бўлади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий давлат жавоб бериши керак бўлган энг умумий талаблар сифатида қуйидагиларни таснифлаш мумкин:

1. Фуқаролар асосий ҳуқуқларининг ҳар томонлама кафолати, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалда рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун самарали ишлайдиган, содда ва ошқора бўлган юридик механизмнинг мавжудлиги.

2. Қонунчиликнинг барча синфлар ва ижтимоий қатламларнинг энг муҳим манфаатлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва жамиятдаги ахлоқий-психологик вазиятга мувофиқлиги.

3. Долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг амалий жараёни контекстида қонунчиликни органик равишда такомиллашуви.

4. Конституция ва амалдаги қонунчиликнинг қонуности ҳужжатларига нисбатан устуворлиги, ҳуқуқнинг мутлоқ устуворлиги.

6. Қонун ҳужжатлари барқарорлиги ва динамизмининг диалектик бирикмаси.

7. Фуқароларнинг қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этиши учун амалий демократик процедураларнинг мавжудлиги.

8. Жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш.

9. Давлатнинг қонун ижодкорлиги, ташкилий, мафкуравий ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бирлиги.

10. Сиёсий, давлат ва ижтимоий тизимнинг барча даражаларида ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги зиддиятли ва низоли вазиятларни ҳал қилишнинг мукамал ҳуқуқий механизмининг мавжудлиги.

11. Давлат аппарати ва жамоат ташкилотлари ходимларининг касбий ва маънавий етуклиги, уларнинг касбий вазифаларини сифатли бажаришга интилиши.

12. Мамлакат фуқароларининг юқори ҳуқуқий билим ва ҳуқуқий маданияти<sup>222</sup>.

Шундай қилиб, ижтимоий муносабатларни ислоҳ қилиш орқали шахс ҳуқуқлари муаммосини ҳар томонлама ва изчил бартараф этиш учун муҳим имкониятларни яратиш мумкинлиги ҳақидаги тезисни тан олган ҳолда, ушбу имкониятлар фақат тегишли сиёсий ҳаётни амалга ошириш орқали яратилишини унутмаслик керак. Бундай таъсирнинг табиати, унинг самарадорлиги тахминан бир хил ижтимоий-иқтисодий шароитларда турлича бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда, маълум бир ижтимоий ҳақиқатдан келиб чиқиш муҳимдир, чунки ҳар қандай индивидуал ҳуқуқ мақсадга мувофиқ бошқариш фақат энг кенг ижтимоий-сиёсий йўлларда самарали бўлган кўплаб ва баъзан қарама-қарши омилларнинг мураккаб ўзаро таъсирининг натижасида ҳосил бўлади.

Айнан шу омилларни тўла маънода англаб етмасдан туриб, мамлакатимизни янги сифатий тараққиёт босқичига олиб чиқиш мумкин эмас. Бу эса, ўз навбатида, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, ҳолисона баҳолаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ марраларини белгилаш вазифасини қўйди<sup>223</sup>.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясининг мақсадига кўра олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатдир.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизни ривожлантиришнинг етти устувор йўналиши белгилаб берилган бўлиб, улар: 1) инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; 2) мамлакатимизда адолат ва

<sup>222</sup> Gewirth Alan. The Basis and Content of human Rights n human Rights Nomos. N.Y.: New York University Press. 1998. -P. 121.

<sup>223</sup> Жураев Н. Тамаддунга даъват. Т., “Ўзбекистон”, 2018. –Б. 7

қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; 3) миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; 4) адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; 5) маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш; 6) миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; 7) мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш <sup>224</sup> кабиларни қамраб олади.

Тараққиёт стратегиясидаги ҳар бир вазифа инсон манфаатлари устуворлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, одамларнинг орзу-интилишларини юзага чиқаришга яқиндан кўмаклашиш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ижобий ўзгаришларга эришишга хизмат қилмоқда.

Президентимиз таъбири билан айтганда: *“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренесанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”*<sup>225</sup>. Демак, мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қамраб олган Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармон диққат билан ўрганиб чиқилса, унда нафақат 2022-2026 йиллар, балки келажакдаги ўн йилликлар ҳам эътиборга олинганлигини англаш мумкин. Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотларнинг пировард натижаси сифатида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ғоясига асосланган эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлатни шакллантиришдан иборатдир.

Шубҳасиз, бу жараёнларда мамлакатимиз Конституцияси фундаментал асос бўлиб хизмат қилади. Бош Қомусимизда давлатимизнинг тараққиёти, юксалиш йўлидаги буюк мақсад ва вазифалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ҳамда демократия тамойилларига ҳамоҳанг ифода этилган.

конституциянинг иккинчи бўлими “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланади. 7 бобдан иборат ушбу бўлимда фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва

<sup>224</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони 28.01.2022. // <https://lex.uz/docs/5841063>

<sup>225</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат мирзиёевнинг Олий мажлисга Мурожаатномаси. “Хуррият” газетаси. -Т., 2020 йил, 30 декабрь.

эркинликларининг кафолатлари ҳамда фуқароларнинг бурчлари белгилаб берилган<sup>226</sup>.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари алоҳида бўлимда мустақамланиши халқаро экспертлар томонидан ҳам юқори баҳолаб келинмоқда. Жумладан, мутахассислар таҳлилига кўра, дунё конституцияларида жами 117 турдаги инсон ҳуқуқлари ҳақида сўз боради. Франция Конституциясида 13, АҚШ Конституциясида 35, Буюк Британия конституциявий аҳамиятдаги ҳужжатида 44, Германия ва Япониянинг асосий қонунида 48 турдаги ҳуқуқ тилга олинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эса 55 турдаги ҳуқуқ акс этган.

Халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият қаратилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан инсон ҳуқуқларига оид 70 га яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан 160 дан зиёд, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан ортиқ, ЮНЕСКО томонидан эса 70 дан зиёд халқаро конвенция, декларация, пакт қабул қилинган. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид халқаро ҳамжамият томонидан ишлаб чиқилган, умумэътироф этилган тамойил ва асосий қоидалар қонунимизда мужассамлашганини алоҳида таъкидлаш керак<sup>227</sup>.

Конституциямизда акс этган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини улуғловчи инсонпарвар ғоялар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимизнинг фаровон ҳаёти ва муносиб турмуш тарзини таъминлаш борасидаги эзгу сайъ-ҳаракатларда намоён бўлмоқда, десак тўғри бўлади.

Янги Ўзбекистон сиёсати жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олишга қаратилган. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд ва кўмакка муҳтож оилалар яшаш шароитини яхшилаш, адашиб жиноят йўлига кирган шахсларни авф этиб, уларга ҳаётини тиклаш имконини бериш, озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаб бериш тартиби жорий қилинган. Ўн мингга яқин ҳамюртимизга Ўзбекистон Республикаси фуқароси мақоми берилиши, ўзга юртлардаги, хусусан, уруш ва зиддиятлар ўчоғи бўлган Яқин Шарқ ҳамда Афғонистондан аёллар ва болаларнинг Ватанга

<sup>226</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>

<sup>227</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳуқуқий ҳужжат мавжуд // [https://uza.uz/uz/posts/inson-nuquqlari-boyisna-400-ga-yaqin-xalqaro-nuquqiy-nuzhnat-mavzud\\_327610](https://uza.uz/uz/posts/inson-nuquqlari-boyisna-400-ga-yaqin-xalqaro-nuquqiy-nuzhnat-mavzud_327610)

қайтарилиши билан боғлиқ ижобий амалиёт ҳам дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Умуман олганда, конституция сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатидир.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнининг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган Тараққиёт стратегияси “миллий ривожланишимизнинг янги босқичини бошлаб бериш, бизни бундан буён фаолиятимизни “инсон-жамият-давлат” деган янги тамойил асосида ташкил этишга”<sup>228</sup> ундайди.

Бундан деярли 6 йил олдин қабул қилинган, жамият ва давлатни барқарор ривожлантириш бўйича устувор дастурий ҳужжат бўлган Ҳаракатлар стратегияси доирасида бошланган, мамлакатимиз равнақини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга кўтариш ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш, Учинчи Ренессансга мустаҳкам асос яратишга қаратилган туб демократик ислохотлар бугун ўз натижасини бермоқда, дейиш мумкин. Жумладан, 2020 йилда Ўзбекистон тарихида илк маротаба БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо этиб сайланди. АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги “махсус кузатувдаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилди. Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг олий минбаридан илгари сурган глобал ва минтақавий ташаббуслари дунё ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қабул қилиниб, қўллаб-қувватланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ноёб механизмини такомиллаштиришга оид аниқ ташаббус ва таклифлар берилди. Шу билан бирга, БМТ шафелигида “Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим” глобал форуми, Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжуманини ҳамда Диний эркинлик масалалари бўйича минтақавий конференцияларни ўтказиш белгиланган<sup>229</sup>. Мазкур ташаббуслар, энг аввало, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатига қаратилган, дейишимиз мумкин.

Тараққиёт стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари

<sup>228</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz\\_318163](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islohotlar-yolini-qatiy-davom-ettiramiz_318163)

<sup>229</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 // <https://president.uz/uz/lists/view/4057>



доирасида суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, жумладан, соҳада йиллар давомида ечим топмаган муаммоли масалаларни ҳал қилиш борасида одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган урта кодекс янгидан қабул қилиниб, қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ўз навбатида, ўндан ортик Президент фармон ва қарорлари, шунингдек, бу йўналишдаги устувор масалалар юзасидан 40 дан ортик қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тузилди. Суд тизимини бошқаришдаги бир-бирини такрорловчи функцияларни бартараф этиш ҳамда ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди<sup>230</sup>.

мамлакатимиз тарихида илк бор давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш мақсадида маъмурий судлар ташкил этилди. Жиноят ишини қўшимча тергов юритишга қайтариш институти бекор қилиниб, далилларга баҳо бериш институти такомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда оқлов ҳукмлари кўпайишига асос яратди.

Шуниси диққатга сазоворки, ўтган тўрт йилда 2770 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2687 нафар шахс суд залидан озод қилинди, 5225 нафар фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган айбловлар олиб ташланган<sup>231</sup>.

Сўнгги йилларда судлар фаолиятида рақамли технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Масалан, судлар ўртасида маълумот алмашиш ва иш юритиш электронлаштирилди, ишларни судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш, суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини мажбурий ижрога электрон шаклда юбориш амалиёти жорий этилди. Давлат божи ва

<sup>230</sup> Комилов Қ. Ҳаракатлар стратегиясининг тўрт йиллик самараси ва жорий йилдаги вазифалар // <https://strategy.uz/index.php?news=1229> - “Тараққиёт стратегияси” маркази ахборот хизмати.

<sup>231</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотномаси // [www.sud.uz](http://www.sud.uz)

бошқа йиғимлар ҳисобини юритишнинг ягона электрон тўлов тизими ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун интерактив хизматлар портали ишга туширилди. Бу қулайликлар фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилишни эркинлаштириш, умуман, одил судловга эришиш ҳамда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш имконини берди. Хусусан, ўтган беш йил давомида 24 мингдан ортиқ суд мажлислари видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиб, 52 мингдан ортиқ тарафларнинг вақти ва маблағи тежалди<sup>232</sup>.

Инсон ҳуқуқларининг том маънода таъминланиш йўлида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал ҳамда Фуқаролик процессуал кодексларига суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштиришдан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Натижада, “бир суд – бир инстанция” принципи яратилиб, суд қарорларини қайта кўриш жараёнида йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларнинг ечимига эришилмоқда. Бу тамойил ушбу тизимни тубдан такомиллаштиришга замин яратди. Бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилиб, халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли миллий суд тизими яратилди.

Бу борада фикр билдирар экан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: *“Аждодларимиз азалдан “Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт”, деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик. Хусусан, “Судьянинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида – поклик бўлиши керак” деган зояни илгари сурдик ва амалга оширишни бошладик. Шу ўринда, дейди у, мамлакатимизда давлат ва ҳокимият идоралари узоқ вақт давомида халқ ҳаётидан узилиб қолганини қайд этиш лозим. Сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлатга “халқ хоҳиши-иродасини ифода этадиган орган” деб таъриф берилади. Давлатни ким шакллантиради? Халқ ва унинг мухтор вакиллари. Бинобарин, давлат ва унинг органлари аввало кимга хизмат қилиши керак? Албатта, халққа, турли мансаб эгаларига овоз берган ва ишонч билдирган фуқароларга”<sup>233</sup>*, дея эътироф этади.

<sup>232</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди малумотлари // <https://sud.uz/ru/>

<sup>233</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda\\_293336](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda_293336)

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиши билан бу борада ислохотларнинг янги дебочаси очилди, дейиш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёев мазкур кенгашнинг 46-сессиясида нутқ сўзлаб, мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва инсон ҳуқуқлари доирасидаги фаолиятимизнинг бир қанча устувор йўналишларини белгилаб берди:

*биринчидан*, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради. 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади;

*иккинчидан*, биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз;

*учинчидан*, алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади. Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилди. Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамиз;

*тўртинчидан*, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда. Жорий йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинди. Бу борада биз: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш; БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш; шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз;

*бешинчидан*, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик. Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди. 2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз;

*олтинчидан*, “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз. Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз хиссамизни қўшмоқчимиз;

*еттинчидан*, Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади<sup>234</sup>.

Ўзбекистон ютуқлари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 34-сессиясида юқори баҳоланди. Хусусан, БМТ Тараққиёт дастури раҳбари Хелен Кларк қайд этганидек, БМТ Тараққиёт дастури 2008 йилдан бери юздан ортиқ мамлакатларнинг миллий инсон ҳуқуқлари ташкилотларига кўмак бериб келади. Фуқаролик жамияти билан ҳамкорлик масалаларида катта тажриба тўпланди. У Ўзбекистонда 2014 йилдан бери амалга ошириб келинаётган лойиҳаларни намуна қилиб кўрсатди. Шартномавий органларнинг, шу жумладан, Универсал даврий ҳисоботлар доирасида билдирган тавсиялари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш бўйича миллий ҳаракатлар режаси биргаликда ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Хелен Кларк ушбу ҳужжат 40 дан ортиқ миллий муассасалар ва ташкилотларнинг кенг иштирокида тайёрланганини алоҳида таъкидлади. БМТ Тараққиёт дастури раҳбари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши юқори даражасининг йиллик мунозараларида ҳам Ўзбекистон саъй-ҳаракатларини яна бир қарра эътироф этди<sup>235</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш сессиясида БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн йиллик маърузаси билан чиқиш қилди. У маърузасида, жумладан, шундай деди: “Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан БМТнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш механизмлари тавсияларига мувофиқ, бир қатор қонунлар ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди. Яқинда эълон қилинган суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳақидаги Фармонда одил судловни ва судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун шароит яратиш

<sup>234</sup> Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясидаги нутқи. 22.02.2021 // <https://president.uz/uz/lists/view/4179>

<sup>235</sup> Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари. “Халқ сўзи”, 11 Март 2017

кўзда тутилган. Ушбу ҳужжатларнинг амалга оширилиши бутун мамлакат халқи учун ижобий натижа келтиради”<sup>236</sup>.

Республикамизнинг БМТ билан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама этиш мақсадида Ўзбекистон делегацияси Зайд Раад ал-Ҳусайн билан учрашув ўтказди. Учрашувда Олий комиссар юртимизда жамият ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан батафсил таништирилди<sup>237</sup>. Унга фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, одил судловга эришиш, суд иш юритувининг самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар борасида маълумотлар берилди.

Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли органга сайланиши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланилаётганининг ёрқин тасдиғи ва эътирофи бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз БМТ Низоми ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мақсадлари ва тамойилларига қатъий содиқлиги ҳамда бу борадаги халқаро мажбуриятларига қатъий риоя қилишининг далилидир.

Инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда демократия ва инсон ҳуқуқларининг замонавий мезонларига жавоб берадиган барқарор сиёсий тизим шаклланди. миллий қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида инсон ҳуқуқлари стандартларининг тизимли ва изчил амалга оширилишини таъминлаш учун ноёб модел ишлаб чиқилди. Буларнинг бари инсон ва унинг ҳуқуқ-манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсади асосида кечмоқда.

#### **4.2§ Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг истиқболлари**

Ҳар бир соҳада бўлгани каби инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳам аниқ дастурий ҳужжатнинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 2020 йилнинг 22 июнида

<sup>236</sup> The Office of the High Commissioner for Human Rights // <https://www.ohchr.org/EN/AboutUs/Pages/WhoWeAre.aspx>

<sup>237</sup> Қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари. “Халқ сўзи”, 11 Март 2017

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши айнан бу борада фундаментал асос бўлиб хизмат қилади.

*“Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, кейинги даврда давлатимиз раҳбари бошчилигида бутун халқимиз Янги Ўзбекистонни бунёд этиш учун шиддатли ва қамровдор ислоҳотларни амалга ошираётганига эътибор қаратиш лозим, – дейди А.Саидов – ана шу тизимли ислоҳотлар талаби, жумладан, мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини янада такомиллаштириш масаласини кун тартибига қўйди”<sup>238</sup>.*

Ушбу вазифа 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳамда унинг мантиқий давоми сифатида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ўз аксини топди. Президентимизнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мазкур вазифани самарали ва ўз вақтида амалга ошириш зарурлиги қатъий таъкидланди.

Шу давр мобайнида миллий стратегия лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун [regulation.gov.uz](http://regulation.gov.uz) сайтига, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг расмий сайтига 2 марта, яъни дастлабки ва таклиф-мулоҳазалар билан такомиллаштирилган вариантлари жойлаштирилди. Муҳокамалар жараёнида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларидан кўплаб таклифлар олинди.

Бундан ташқари, лойиҳа юзасидан Миллий маслаҳатлашув ташкил этилди. Унда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари фаол қатнашди. Ушбу иштирокчилардан ҳам Стратегия лойиҳасини янада мукамаллаштириш юзасидан қимматли таклиф ва тавсиялар олинди.

Шу маънода, Миллий стратегияда “халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси,

---

<sup>238</sup> Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан суҳбати шу фармон мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида бўлди.// [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

ҳалқаро ва миллий маслаҳатлашувлар натижасида ишлаб чиқилган”<sup>239</sup>, дея эътироф этилади.

Бугунги кунда жамиятимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг норматив ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик борасида ҳам ривожланишнинг янги босқичига кўтарилгани эътироф этилмоқда. Мамлакат халқаро норма ижодкорлиги фаолиятининг етакчи иштирокчиси сифатида янги халқаро шартномаларнинг ташаббускори сифатида жаҳон майдонига дадил чиқаётгани буни тасдиқлайди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу халқаро ташкилотнинг 73-сессиясида илгари сурган ташаббус ҳаётга татбиқ этилганига яққол амалий мисолдир. Бу муҳим ютуқ Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалишига катта туртки берди.

Янгиланган Ўзбекистоннинг ташаббуслари БМТ даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимизга БМТ Бош котиби, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, БМТнинг Диний эътиқод бўйича махсус маърузачиси ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачисининг амалга оширган ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари бўйича 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга, жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда.

Мамлакатда мазкур халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни

---

<sup>239</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2020 йил 22 июнь, ПФ-6012-сон.

ривожлантириш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси айнан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми имзоланган тарихий кун арафасида тасдиқланганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Буни бир қанча жиҳатларига урғу бериш лозим:

*биринчидан*, БМТ Низомининг 1945 йил 26 июнь куни имзолангани жаҳон жамоатчилиги учун қанчалик улкан тарихий аҳамият касб этган бўлса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси халқимиз ва жамиятимиз учун шунчалик муҳим тарихий қимматга эгадир;

*иккинчидан*, БМТ Низомида акс этган халқаро принцип ва нормалар ер юзидаги инсонларнинг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигига таянади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўз Низомида тақдим этилган ваколатлари ва ўзининг ноёб халқаро хусусиятидан келиб чиқиб, тинчлик ва хавфсизлик, инсон эрки ва қадр, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш, фуқаролар ҳуқуқлари, қуролсизлантириш, терроризм, гуманитар ва фавқулодда вазиятлар, гендер тенглик, бошқарув, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ХХI асрда инсоният олдида турган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиши мумкин.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро мажбуриятларга риоя этилиши бўйича Парламент комиссиясини тузиш тавсия этилган. Шу биргина далилнинг ўзиёқ, фикримизча, Миллий стратегияда белгилаб берилган вазифалар ҳам глобал ҳамкорлик принципига таянишини яққол англайтиб турибди;

*учинчидан*, БМТ Низоми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида глобал қўллаб-қувватланган биринчи ҳужжатдир. БМТ Низоми матнида “инсон ҳуқуқлари” атамаси етти маротаба келтирилгани БМТ фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий тамойилларидан бири инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш эканидан далолат беради. 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари тушунчасини халқаро ҳуқуқ соҳасига киритди. Шундан бери БМТ ўз Низоми доирасида тегишли ҳуқуқий воситалар ва бир қатор аниқ чора-тадбирлар орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги мамлакатимиз позицияси БМТ Низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси



қоидалари, улардан келиб чиқадиган халқаро келишувларга асосланади. Айниқса, Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегияси тасдиқлангани мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларнинг ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институционал механизмларини яратишнинг муҳим босқичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларда белгилаб берилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона ва мувофиқлаштирувчи сиёсатнинг самарали воситаси бўлишига шак-шубҳа йўқ. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг мақсади – Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш бўйича изчил олиб борилаётган давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосий вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишдир<sup>240</sup>.

миллий стратегиянинг асосий вазифалари ҳақида сўз борганда, куйидагиларни санаб ўтиш зарур:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мажбуриятларини, шунингдек, БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталарининг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш;

- 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишида парламент ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга мувофиқлаштириш;

- Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар, яъни қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жинойтчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакатлар қаторига киришини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, прокуратура органлари

---

<sup>240</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия: мазмун-моҳияти, аҳамияти, мақсади ва вазифалари <https://uza.uz/uz/posts/inson-u-u-lari-b-yisna-milliy-strategiya-mazmun-mo-iyati-a-a-26-06-2020>

фаолиятини такомиллаштириш ва одил судлов тизими ваколатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар фаолияти учун кенг шароитларни яратиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг миллий тизимини янада ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш;

- шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни ҳимоя қилишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хусусий сектор фаолиятининг очиклиги ва ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувларни ўтказиш амалиётини такомиллаштириш;

- жиноятчилик, айниқса одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

- аҳолининг имконияти чекланган, кам таъминланган гуруҳлар ҳуқуқларини БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни орқада қолдирмаслик” тамойилига мувофиқ ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва жамиятнинг алоҳида ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш;

- дин, сўз ва фикр эркинлиги, маълумот олиш, камситишга йўл қўймаслик, гендер тенглигини таъминлаш, барчанинг сифатли таълим ва тиббий хизматлардан тенг фойдаланиши, кекса одамларнинг ижтимоий интеграцияси, болалар, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

- оила институтини, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилада зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш даражасини ошириш;

- инсоннинг иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, хусусий мулкчилик ва давлат-хусусий шериклик алоқаларини ривожлантириш;

- таълимнинг сифати ва барча даражадаги қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, ўқитиш тизимининг инклюзивлиги ва ундан барчанинг фойдалана олишини таъминлаш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида ахборот-маърифий фаолиятининг сифати ҳамда манзиллигини яхшилаш;

- давлатлараро муносабатларни, халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш мақсадида инновацион тамойилларни жорий этиш.

Фармон билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясидан ташқари яна иккита муҳим ҳужжат ҳам тасдиқланди. Булардан бири – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” бўлса, иккинчиси – БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича устав органлари ва шартномавий қўмиталари хабарномалари ва қарорларини кўриб чиқиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом ҳисобланади<sup>241</sup>.

Шу ўринда миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг амалга оширилиши юзасидан асосий масъулият Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юкланганини қайд этиш лозим. Фармон билан ўрнатилган тартибга мувофиқ, Марказ бу борада мунтазам мониторинг олиб бориб, чора-тадбирларни сифатли ва ўз вақтида ижро этилиши бўйича таклиф ва тавсияларни тегишли вазирлик ва идораларга киритиб боради. Доимий равишда аниқ кўрсаткичлар ва эришилган натижалар акс эттирилган батафсил ахборотни матбуотда эълон қилиб боради.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларининг Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ижро ҳолати юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш зарурлиги кўрсатилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Миллий стратегия ва “Йўл харитаси”нинг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиш тавсия этилди.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари маданиятини оширишда кўрсатган хизматлари учун ҳар йили

---

<sup>241</sup> Ойбарчин Абдуллаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси // <https://parliament.gov.uz/uz/>

Халқаро инсон ҳуқуқлари кунида топшириладиган “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилади.

Ҳар икки йилда юқори савияда ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий давлатлар мутахассислари ва фахрий меҳмонлар иштирокида Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми ўтказиб келинмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқлари соҳасида узоқ муддатли стратегиянинг қабул қилиниши ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўси янада мустаҳкамланишига, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияда жиноятчиликнинг, айниқса, одам савдоси, коррупция, қийноққа солиш, уюшган ва трансмиллий жиноятчиликнинг олдини олиш ва бу иллатларга қарши курашиш, шунингдек, ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ва маҳкумларни сақлаш жойлари тизимида одил судловга ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш каби белгиланган йўналишлар ҳам бевосита омбудсманнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу йўналишларда у самарали ва таъсирчан фаолият юритиши мумкин. Чунки, у оддий халққа жуда яқин, мақбул ҳокимият ресурси ҳисобланади. Халқ дардига кулоқ солиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларни тиклаш орқали омбудсман институти фуқаролар ва давлат ҳокимияти ўртасидаги уйғунлик мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, у парламентнинг ижро ҳокимияти, айниқса, унинг ўрта ва қуйи бўғини фаолияти устидан парламент назоратининг таъсирчан воситасидир<sup>242</sup>.

Давлатимиз раҳбарининг парламентга мурожаатномасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилишга доир давлат сиёсатини ҳаётга фаол татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳам ўз олдига қатор вазифаларни белгилаб олди.

мурожаатномада белгиланганидек, омбудсман ҳузуридаги қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм доирасида вакил жамоатчилиқ вакиллари ва ОАВ билан биргаликда тергов изолятори ва жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг

---

<sup>242</sup> Феруза Эшматова, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/inson-huquqlarini-nimoya-qilish-znamiyatda-adolatni-qaror-topirish-faoliyatimizning-bosh-mezoni-boladi>

ташрифларини амалга ошириб, уларнинг яқунлари юзасидан парламентга ҳамда бошқа мутасадди вазирлик ва идораларга тахлилий маълумотлар тақдим этиб боради. Бундан ташқари, аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг тахлили ҳамда минтақавий вакилларнинг ахборотига асосланган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишига олиб келувчи омиллар, сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни парламент палаталарига тақдим қилиб бориш ва кўрсатилган масалалар юзасидан кўмиталар, фракцияларда ва комиссияларда масъул идора ва ташкилот вакилларининг эшитувини ташкил этиш амалиётини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, вакил номига келиб тушган мурожаатларнинг ҳудудлар кесимидаги тахлили асосида депутат ва сенаторлар, қолаверса, ижро органлари вакиллари билан биргаликда сайёр қабуллар ташкил этиб, муаммоларни жойида ҳал этиш амалиёти кучайтирилади. Энг муҳими, аҳолининг мурожаатлари билан ишлашда натижадорликка, ҳар бир мурожаат ечими топилишига асосий эътибор қаратилади.

Омбудсман институти бугунги кун талаби асосида ишлаши учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этиши даркор. Хусусан, мурожаатлар билан ишлаш жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари жалб этиш, ариза ва шикоятларни ижобий ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашда парламент, ННТ ва ОАВ билан ҳамкорликда самарали жамоатчилик назорати юритиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. мурожаатларни ўрганиш давомида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш юзасидан қонун ҳужжатларни такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тавсияларини бажариш самарадорлигини ошириш мақсадида турли илмий муассасаларнинг мониторинг-тахлил фаолияти кучайтириш ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ОАВ ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш истиқболдаги тараққиётга асос бўлиши мумкин.

мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлатнинг устувор сиёсий йўналиши сифатида янада такомиллаштириш истиқболларини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида ҳам тахлил қилишимиз мумкин. Жумладан, мазкур стратегиянинг “Адолат ва қонун устуворлиги – халқчил давлат қуриш, инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шарти” дея номланган II устувор йўналишида қуйидаги асосий тамойиллар ўз аксини топган:

- одил судлов тизимининг чинакам мустақиллиги ва очиқлигини таъминлаш;

- адвокатура институтини янада кучайтириш;
- суднинг хусусий мулк ҳимоясида туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини тиклаш орқали ижро идораларини қонун доирасида ишлашга мажбур қиладиган тизимни яратиш;
- коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини такомиллаштириш;
- халқпарвар давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш;
- фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва амал қилиш ҳиссини шакллантириш.

таъкидлаш лозимки, инсон асли ҳур яралган. Уни камситишга, ўз манфаати йўлида ҳуқуқларини поймол этишга, руҳан ва жисмонан қийноққа солишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шундай экан, турли давлат ва нодавлат институтлари инсон ҳуқуқларини тиклаш, адолатни қарор топтириш йўлида барча фидоий инсонларни, жамоат ташкилотлари масъулларини ҳамда халқнинг ишончли вакилларини ҳамкорликка бирлашиши лозим. Агар биргаликда ҳаракат қилинса, кўзлаган мақсадимизга албатта эришиш мумкин.

Буларнинг замирида, энг аввало, конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бу борадаги ислохотларнинг бош мезони бўлиб қолади. Президентимиз таъбири билан айтганда: *“Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз. Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз”*<sup>243</sup>.

#### **IV боб бўйича хулоса**

Бундан 30 йил аввал Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириб келди, нуфузли халқаро ташкилотларга тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб, икки ва кўп томонлама асосда фаол халқаро ҳамкорликни бошлади. Бирлашган миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Парламентлараро иттифок,

---

<sup>243</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islomotlar-yolini-qat'iy-davom-ettiramiz\\_318163](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-taraqqiyyot-strategiyasi-asosida-demokratik-islomotlar-yolini-qat'iy-davom-ettiramiz_318163)

ЮНЕСКО ва бошқа ташкилотларнинг юксак минбарларидан ўзбек дипломатиясининг фаол позицияси янграб келмоқда. Мамлакатнинг ташқи сиёсатдаги ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан тобора эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг асосида яратилган қонун ҳужжатлари, шунингдек, 2017 йилда қабул қилинган Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва унинг мантикий давоми сифатида 2022 йилда қабул қилинган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси жамиятимизни ислоҳ қилиш, демократлаштириш ва либераллаштириш, мамлакатимизни туб таркибий ўзгартиришлар ва модернизация қилишнинг чуқур ўйланган узоқ муддатли дастурига асос бўлиб, Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичи – Учинчи Ренессанснинг пойдеворга айланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари ва асосий йўналишлари янада такомиллаштирилди, хусусан:

*биринчидан*, демократия ва инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро мажбуриятларга содиқлик;

*иккинчидан*, кучли ҳуқуқий давлатчилик ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга асосланган миллий манфаатларнинг устуворлиги;

*учинчидан*, Ўзбекистон Республикаси конституциясида мустаҳкамланган шахс манфаатларининг жамият ва давлат манфаатлари билан уйғунлашуви ҳамда инсон-жамият-давлат платформасидаги ислоҳотларнинг натижадорлиги;

*тўртинчидан*, босқичма-босқичлик тамойили асосида давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш ва модернизация қилишнинг ўзига ҳос йўлининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда инсон ҳуқуқларининг норматив-институционал асосларининг ягона миллий тизимининг яратилиши;

*бешинчидан*, очиқлик ва шаффофлик тамойили, яъни бу борадаги барча муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш фуқаролик жамиятининг барча институтлари, шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан мулоқотда амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва, энг аввало, инсон манфаатларига йўналтирилган давлат бошқаруви тизимини татбиқ этиш ишлари амалга оширмоқда. Бундай ислоҳотларнинг натижадорлиги халқаро ташкилотлар доирасида фаол иштирок этиш ва инсон ҳуқуқлари

бўйича асосий халқаро ҳужжатларга риоя қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар бир ислоҳотдан кўзланган пировард мақсад – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига асосланган адолатли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатчиликни яратишдан иборат.



## ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот инсон ҳуқуқлари институти эволюцияси муаммоларини ҳар томонлама таҳлил қилишга ва замонавий дунёда ушбу ижтимоий-сиёсий воқеликнинг ривожланиш тенденцияларини илмий прогноз қилишга қаратилган.

Замонавий шароитларда инсон ҳуқуқларини назарий жиҳатдан англаш ва ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилиш муаммолари мисли кўрилмаган даражада долзарблашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида биз бу тенденция инсоният жамиятидаги глобал сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқлигини кузатишимиз мумкин. Таъкидлаш мумкинки, бугунги кунда бутун жаҳон ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий тизими сифат жиҳатдан трансформация ёқасида турибди. Бир томондан, умуминсоний қадриятлар бўлмиш – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини максимал даражада таъминлаш омиллари бўлса, бошқа томондан, айрим миллий ва диний қадриятлар тизимининг еврилиши жараёнлари кузатилмоқда.

Ушбу постулатнинг назарий ва абстракт кўринишига қарамай, реал ҳаётда деярли ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларининг бузилиши ва уларни ҳимоя қилиш зарурати билан дуч келади. Бу ҳолатлар, айниқса, глобал ва минтақавий сиёсий муаммолар ички масалалар билан чамбарчас боғлиқ бўлган Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатларга ҳам хосдир. Шунинг учун сўнгги йилларда сиёсатшуносликда замонавий жамиятнинг инсон ҳуқуқлари муаммоларини ҳал қилишнинг асосий жиҳатлари ва йўналишларини белгилаш, бу борадаги давлат сиёсатининг концептуал асосларини таҳлил этиш зарурати ушбу тадқиқотнинг бош ғояси бўлиб хизмат қилди.

Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инсон ҳуқуқлари жамият, социум, давлат соҳасини чегаралаш, мавжуд ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва янгиларини яратиш учун кураш муаммолари очик ёки яширин шаклда мавжуд бўлиши мумкин, аммо, фақатгина маълум сиёсий тизимгина уларнинг сифат хусусиятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Давлат сиёсий тизими қандай шаклда бўлиши (демократик ёки нодемократик) жамиятда инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва қонун устиворлиги тамойилларининг амалиётга жорий этилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, демократик тартиботнинг имитацияси эмас, балки том маънодаги имплементацияси инсон тараққиётида бош омил бўлиб хизмат қилади.

2. Инсон ҳуқуқларининг сиёсий-ҳуқуқий институт сифатидаги генезиси узоқ ва эволюцион жараён бўлиб, Ўзбекистоннинг

мустақиллик йилларида уни шартли равишда уч даврга бўлишимиз мумкин. *Биринчи давр* 1991-2010 йилларни қамраб олиб, миллий давлатчилик асослари билан бирга инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари яратилди; *иккинчи давр* 2010-2016 йилларда инсон ҳуқуқлари омили ташкилий ва институционал жиҳатдан мустаҳкамланди; 2017 йилдан бошланган *учинчи давр*да инсон ва унинг жамиятдаги қадрини мустаҳкамлашга қаратилган фундаментал ислоҳотлар бошланиши билан изоҳланади. Бу жараённинг асосий детерминант факторлари сифатида жамиятда ҳам ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши (иқтисодий базис), ҳам сиёсий маданият ва иштирокнинг ошиб бориши билан изоҳланади.

3. Инсон ҳуқуқлари структураси ўзида адолат, ижтимоий тенглик, миллий ва диний бағрикенглик каби антропоцентристик ғояларни қамраб олгани ҳолда, жамиятимизда бир нечта даражада – *микро* (“инсон-инсон” муносабати), *мезо* (“инсон-жамият” муносабати), *макро* (“инсон-давлат” муносабати) даражаларда мавжуд бўлади. турли жамиятларда инсон ҳуқуқлари институтининг турли даражада тараққий этиши, энг аввало, мамлакат сиёсий моделининг специфик хусусиятлари ва цивилизацион омилларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

4. Назарий ва методологик нуқтаи назардан, фан ва амалиёт бугунги кунда инсон ҳуқуқларининг учта назариясига асосланади: *классик*, *ноклассик* ва *пост-ноклассик*. Улар асосий парадигмалар мажмуасида фарқланади. Классик назария ҳуқуқларни индивидуализм нуқтаи назаридан тушунтиришга асосланса, ноклассик назария ижтимоий вазифаларни ҳуқуқларда кўради, пост-ноклассик назария эса уларни ижтимоий-гуманитар воқелик тарзда тақдим этади. Шулардан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқлари тизимида иккита – фундаментал ва махсус тамойил даражалари шаклланади. Фундаментал тамойиллар ҳуқуқларни асослайди, бу асосий ижтимоий ғоялар, улар ҳуқуқлар ҳақида бирламчи ва умумлаштирилган концептларни беради, умуминсоний қадриятларни ифодалайди. Улар сирасига: инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, эркинлик, тенглик, бирдамлик, демократия, бағрикенглик, адолат ғоялари қамраб олинса, махсус тамойиллар эса тўғридан-тўғри инсон ҳуқуқлари ғоясини ривожлантиради. Унинг замирида инсон ҳуқуқларини давлат ҳуқуқий бошқарув тизимидаги ўрни ва тараққиётни стратегик режалаштириш асослари киритилади.

5. Мазкур илмий категорияни тадқиқ этишда тизимли таҳлил, институционал ёндашув ва социомаданий концепциялар нуқтаи назаридан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Инсон ҳуқуқлари ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий тизимни қамраб олиб, жамиятда тартибга солувчи

функцияни бажаради. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари тамойилининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрнини мустаҳкамлашда маълум институционал ва социал асосларга таяниш муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий онг ва маданият, социал ҳамжиҳатлик, ижтимоий адолат ва сиёсий иштирок каби социомаданий омиллар эса, ўз навбатида, жамиятда инсон ҳуқуқларини кафолатловчи маънавий ўлчовлар бўлиб хизмат қилади.

6. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари институти эволюцияси ҳуқуқлар тизимини кенгайтириш, шахсий ҳимоя даражасини ошириш, эгалитар тенденцияларни кучайтириш йўлида ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шундай вазиятда жаҳон ҳамжамияти муқобил вариантга дуч келмоқда: иқтисодий ва маданий қарама-қаршиликларнинг кучайиши натижасида сиёсий қадриятларни сақлаб қолишдан бутунлай воз кечиш ёки иқтисодий глобаллашув, терроризм ва бошқа замонавий таҳдидлар билан боғлиқ муаммоларни ҳуқуқий ҳал қилиш учун инсон ҳуқуқлари концепциясини инновацион модернизация қилиш.

7. Инсон ҳуқуқлари концепциясини ижодий модернизация қилиш уларнинг расмийлаштирилиши, сиёсий рамзлар тизимига айланишини олдини олишнинг ягона йўлидир. Бундай модернизация фақат барча цивилизацияларининг маданий мулоқоти, инсон ҳуқуқларининг замонавий ғарб талқинини универсал эмаслигини тан олиш, шунингдек, фуқароларнинг реал сиёсий иштирокини кенгайтириш шарти билан амалга оширилиши мумкин.

8. Глобал ва минтақавий жараён мантиғига кўра, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ғоясини амалга ошириш кўп босқичли, ўрта ва узоқ муддатли стратегияларни ишлаб чиқишни талаб этади. Унинг бош омили – инсон ҳуқуқлари универсал характер касб этиши билан бирга, у Ўзбекистон жамиятида, ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ, чуқур тарихий, маънавий, диний ва миллий илдизларга асосланишини очиб беришдан иборатдир.

9. Демократик ҳуқуқий давлат етуқлигининг асосий кўрсаткичи инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг реал ҳимояланганлиги ҳамда хавфсизлиги даражасидир. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолатга баҳо бериш орқали жамият ҳаётининг барча жабҳаларидаги – сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳалардаги вазиятни кузатиш мумкин. Ўзбекистон давлатчилиги ривожланишининг ушбу босқичида давлат сиёсатининг асосий йўналиши, шубҳасиз, инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши ва шахснинг эркин ривожланишини таъминлашга қаратилган сиёсат бўлиши лозим. Замонавий воқеликлар шароитида самарали

ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсати, биринчи навбатда, аҳолининг энг кам ҳимояланган тоифасининг ижтимоий мавқеини ошириш билан боғлиқ бўлиши, шу жумладан, мамлакатимиз 60 фоиздан ортиқ аҳолисини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқ ва эркинлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

10. Бугунги кунда Ўзбекистонда нафақат давлат органлари, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим актори вазифасини бажариши лозим. Айнан улардан демократик кадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббус ва ғояларни ишлаб чиқиш ҳамда мазкур жараённинг фаол ижрочисига айланиши талаб этилади. Фуқаролик жамияти институтлари ҳар бир шахснинг манфаатларини инобатга олгани ҳалда жамият билан давлат ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини ўташи, инсонларда фаол фуқаролик позицияси ва дахлдорлик ҳиссини оширишда муҳим роль ўйнаши талаб этилади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т: «Ўзбекистон», 2017, –76 б;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни. «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сони;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни. 1991 йил 14 февраль.//Ўзбекистон Республикасининг қонунлари. 4-сон. –Т.: Адолат, 1993.–Б.153-178;
4. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил. 26 декабрь.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 2 (1250), 1997.–Б.11-19;
5. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуни.//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 5 (1277), 1999.–Б.61-73;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2017 йил 7 февраль.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 2022 йил 28 январь.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. 2020 йил 22 июнь.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сиёсий фанлар соҳасида кадрлар тайёрлаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2019 йил 29 январь.//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: ([www.lex.uz](http://www.lex.uz));

10. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Т.: «Ўзбекистон». 2017, –104 б;
11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Т.: «Ўзбекистон». 2016. –56 б;
12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови. –Т.: «Ўзбекистон». 2017. –48 б;
13. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. –Т.: «Ўзбекистон». 2017. –488 б;
14. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –364 б;
15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –429 б;
16. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –315 б;
17. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. –320 б;
18. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. –96 б;

## **II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар**

1. Абу Носир Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т., «Янги аср авлоди», 2016. –318 б;
2. Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. – Т.: 1963. Т.2. – С.147;
3. Билолхужаева Ш. Проблема взаимодействия морали и права в условиях формирования гражданского общества в Узбекистане. Автореф.дисс.на соис.кан.юрид.наук. –Т., 2005;
4. Бекмуродов М., Қуронбоев Қ., Тангриев Л. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. –Т., 2017. –92 б;
5. Джавакова К. Семья и тенденции духовного оздоровления общества независимого Узбекистана. Автореф.дисс. на соис.кан.филс.наук. –Т., 1994;

6. Жалилов Ш. Кучли давлатдан – кучли жамият сари. –Т.: Ўзбекистон, 2001. –160 б.;
7. Жалилов А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти асослари: ўқув кўлланма. –Т., 2015. –264 б.;
8. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида.–Т.: Шарқ, 1998. –154 б.;
9. Жўраев Н. Агар огоҳ сен...сиёсий эссе.–Т.: Шарқ, 1998. –256 б.;
10. Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоий асослари. –Т., 2003. –384 б.;
11. Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М., 1980.;
12. Исламов З. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага.–Т.: Тошкент Давлат юридик институти, 2002. –86 б.;
13. Исламов З. Общество, государство, право. Тенденции и перспективы развития.–Т.:Адолат,1997. –64 б.;
14. Кадырова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодёжи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. Автореф.дисс.на соис.док.филс.наук. –Т., 2000.;
15. Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиш муаммолари. Юридик фан.бўй.фан док.дисс. автореф.–Т., 2011.;
16. Мусаев Ф. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг фалсафий-ҳуқуқий асослари. –Т., 2007. –272 б.;
17. Мирзаев А. Фуқаролик жамияти ва демократик кадриятлар.–Т.: ТДТУ, 2005.–172 б.;
18. Муминов А. Национальная политика независимого Узбекистана и пути её реализации духовно-культурной сфере. Автореф.дисс.на соис.док.пол.наук. –Т., 1999.;
19. Навоий А. Ҳайратул-аброр.–Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти., 1974. –145 б.;
20. Насриддинова О.Т. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим омил (ёшлар мисолида). Юридик фан.бўй.фан ном. дисс.автореф.–Т., 2009.;
21. Наджимов Г. Роль народных традиций в культурной жизни обновляющегося общества (Социально-философский аспект). Автореф.дисс.на соис.док.филс.наук. –Т., 1993.;
22. Норкулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. –Т., 2015. –190 б.;
23. Нусупова Р. Педагогические основы подготовки будущих учителей в высших учебных заведениях к воспитанию толерантности у школьников. –Т., 2016. –170 б.;

24. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.—Т.: Шарқ, 2002. —320 б;
25. Пахрутдинов Ш. Таҳдид — ҳалокатли куч. —Т.: Академия, 2001. — 317 б;
26. Саидов С. Ижтимоий капитал — фуқаролик жамиятининг муҳим мезони. —Т., 2019. —174 б;
27. Сухомлинова М.В. Социальная активность женщин как фактор устойчивого развития общества. Автореф.дисс.на соис.док.соц.наук. — Т., 2004;
28. Темур тузуклари./Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. — Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт, 1991. —144 б;
29. Ўзбекистон на пути к гражданскому обществу — Ўзбекистон:фуқаролик жамияти сари: (Сборник статей). Отв.ред. Р.Алимов. —Т.:Шарқ, 2003. —304 б;
30. Фалсафа қомусий луғат. —Т., 2010. —344 б;
31. Фуқаролик жамияти институтлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга оид Ўзбекистон тажрибаси. Ўқув қўлланма. —Т., 2017. —184 б;
32. Холбеков А.Ж., Матибоев Т.Б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. —Т.: Янги аср авлоди, 2004. —186 б;
33. Хурельман К., Тешендорф П. Молодежь Центральной Азии. Узбекистан: На основе социологического опроса. —Алматы. 2016. —280 с;
34. Шарифходжаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане.—Т.: Изд. дом «Мир экономики и права»,2002. — 272 с;
35. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар.—Т.: Шарқ, 2002. —272 б;
36. Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. —Т.: Akademiya, 2004. —130 б;
37. Эргашев И.Э. Политика государства независимого Узбекистана на селе: теория и практика. Автореф.дисс. насоиск.уч. степ. докт. полит. наук. —Т., 1995;
38. Юлдашева Ф. Роль ценностей ислама в процессе духовного обновления общества. Автореф.дисс.на соис.кан.филс.наук. —Т., 2006;
39. Яхшиликков Ж., Муҳаммадиев Н. Миллий ғоя — тараққиёт стратегияси. —Т., 2017. —424 б;
40. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. —Т., «Ўзбекистон». 2010. —256 б;
41. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. —Т., «Шарқ». 1998. —160 б;



42. Қодиров А. Сиёсат фалсафаси.—Т.: ТДЮИ, 2005. —124 б;  
43. Ғуломов М. Маҳалла - фуқаролик жамиятининг асоси.—Т.: Адолат, 2003.—352 б.

### **III. Хорижий илмий адабиёт ва манбалар**

1. Абазов Р.Ф. Переосмысление прав человека//Полис, 1995, № 2.
2. Алексеева Т.А. Современные политические теории. М., 2000.
3. Almond G., Verba S. The Civic Culture: Political Attitudes and Democracy in Five Nations. Prinston, 1963.
4. Азаров А.Я. Права человека. Новое знание. М., 1995.
5. Арон Р. Эссе о свободах: "Универсальной и единственной формулы свободы не существует" //Полис, 1996, № 1.
6. Баталов Э. Политическая культура современного американского общества. М., 1990.
7. Baran P., Sweezy P. Monopoly Capital: An Essay on the American Economic and Social Order. New York, 1966.
8. Bowles S., Gintis H. Democracy and Capitalism: Property, Community, and the Contradictions of Modern Social Thought. New York, 1986. С 197.
9. Braybrooke D. Three Tests for Democracy: Personal Rights? Human Welfare? And Collective Preference//NY, 1968.
10. Валлерстайн И. Социальная наука и коммунистическая интерлюдия, или к объяснению истории современности //Полис, 1997, № 2.
11. Василенко И.А. Политическая глобалистика; Учебное пособие. М., 2000.
12. Вебер М. Протестантская этика и дух капитализма //М. Вебер. Избранные произведения. М., 1990.
13. Вебер М. О буржуазной демократии в России //Социс. 1992. № 3.
14. Гаджиев К.С. Политическая наука. М., 1996.
15. Гердер И. Идеи к философии истории человечества. М. 1975.
16. Goulet D. A. "Development for What?" //Comparative Political Studies 1 (Julu). С 295-312.
17. Громаков Б.С. Антидемократическое законодательство США. М., 1957.
18. Годелье М. Является ли Запад образцом для человечества? Бароуйя на Новой Гвинее: перемены или упадок //Международный журнал социальных наук, 1991, № 1.

19. Давыдов Ю.Н. "Картины мира" и типы рациональности //Вопросы философии. 1989. №8.
20. Данилов В.И. и др. Эволюция политических систем на Востоке. М., 1999. Дискуссия вокруг цивилизационной модели: С. Хантингтон отвечает оппонентам//Полис, 1994, № 1.
21. Делягин М.Г. Практика глобализации: игры и правила новой эпохи. М., 2000. Инглхарт Р. Постмодерн: меняющиеся ценности и изменяющиеся общества //Полис, 1997, №4.
22. Зиновьев А.П., Шевченко В.Н. Политология. М., 1998,
23. Ильясов Ф.Н. Политический маркетинг. Искусство и наука побеждать на выборах. М., 2000.
24. Inkeles A., Smith D, H. Becoming Modern: Individual in Six Developing Countries. London, 1974. С.4.
25. Карташкин В.А. Права человека в международном и внутригосударственном праве. М., 1995.
26. Коркунов Н.М. Общественное значение права. СПб., 1898. Коукер К. Сумерки Запада. М., 2000.
27. Ковалев С.А. Мир, страна, личность. М., 2000. Красин Ю.А. Долгий путь к демократии и гражданскому обществу //Полис,1992. №5-6.
28. Колотова Н.В. Права человека как сфера дополнения права и морали //Права человека и политическое реформирование. Под ред. Е.А. Лукашевой. М., 1997.
29. Лоуи Т. Глобализация, государство, демократия: образ новой политической науки //Полис, 1999, № 5. Майроф Б. Лики демократии. М., 2001.
30. Леви-Строс К. Руссо - отец антропологии //К. Леви-Строс. Первобытное мышление. М., 1999.
31. Лисюткина Л.Л. Постиндустриализм и посттоталитаризм //Полис, 1991, №5.
32. Лукашук И.И. Глобализация, государство, право, XXI век. М., 2000.
33. Lehman E. On the Concept of Political Culture: A Theoretical Reassessment //Social Forces 50 (March). 361-370.
34. Lustig R. J. Софогале Liberalism: The Origins of Modern Political Theory. Berkeley, 1982. С 246-247.
35. Малиновский Б. Научная теория культуры. М., 1999.
36. Моска Г. Правящий класс //Социс, 1994, №10. Нерсесянц В. Наш путь к праву. М., 1992.

37. Миллер С, Поттхофф Х. Краткая история СДПГ 1848 - 1990. М., 1999.
38. Offe C "Advanced Capitalism and the Welfare State" //Politics and Society, 1972, №4.0.479-488.
39. Nozick R. Anarchy, State and Utopia. New York, 1974. Rawls J. A Theory of Justice. Harvard, 1971.
40. Парето В. Компендиум по общей социологии //Антология мировой политической мысли в 5-ти т-х. М., 1997. Т.2. С. 60-63.
41. Панарин А.С. Философия политики. М., 1996.
42. Политология: курс лекций //Марченко М.Н. и др. М., 1998.
43. Пинчот К., Пинчот Э. От бюрократической организации к саморегулирующейся организации //Государственная служба: Проблемы реформирования. Вып. 8. М., 1995.
44. Pye L.W., Verba S. Political Culture and Political Development. Princeton: Princeton University Press. Studies in Political Development.
45. Прусаускас А.А. Авторитаризм и демократия в многонациональных обществах //Азия и африка сегодня, 1990, № 8.
46. Современные Соединенные штаты Америки. Энциклопедический справочник. М., 1988.
47. Сорос Дж. Кризис мирового капитализма. М., 1999.
48. Сравнительное изучение цивилизаций. М., 1998.
49. Sunkel O. "Big Business and "Dependencia" //Foreign Affairs, 1972, № 50 (April). С 519.
50. Тоффлер О. Шок будущего. М., 2001.
51. Фукуяма Ф., Мигранян А. Диалог о "конце истории" //Путь, 1992, №1.
52. Levi-Strauss K. Race and History//Stmctural Antropology/ Vol. 2. L., 1978.
53. Лебедева Т.А. Роль школы естественного права в формировании западной политико-правовой традиции //Полис, 1998, № 6.
54. Лукашева Е.А. Права человека как критерий нравственного измерения политики и государственной власти (юридические, этические, социально-психологические аспекты) //Права человека и политическое реформирование. Институт государства и права РАН. Под ред. Е.А. Лукашевой. М., 1997.
55. Lohmann G. Warum keine Deklaration von Menschenpflichten //Widerspruch. Schweiz. 1998, №9.

ХАТАМОВ ФАРХОД ФАХРИТДИНОВИЧ  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ СИЁСИЙ  
ИСЛОҲОТЛАРИ АСОСИ

Монография

Муҳаррир: Г.Раҳимова  
Мусахҳих: Ш.Абдурахимов  
Тех.муҳаррир: Ҳ.Амирдинов

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти  
140104, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93

ISBN 978-9943-8383

Нашриёт тасдиқномаси:  
№ 1243-7560-5999-432с-2125-1811-8655

Босишга рухсат этилди: 30.05.2022 йил.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>12</sub>.  
“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 10,2. Шарт б.т.: 8,8.  
Адади: 100 нусха. Буюртма 25/06.

---

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.  
Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй.